

**Муассис**

“Ijod olami” МЧЖ

2017 йилдан чиқа бошлаган.

**Ҳамкорларимиз**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
Ўзбекистон Бадий академияси

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳаммад АЛИ  
Сирожддин САЙИД  
Иқбол МИРЗО  
Тўлан НИЗОМ  
Сайди УМИРОВ  
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ  
Исажон СУЛТОН

**Бош муҳаррир**

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

**Бош муҳаррир ўринбосари**

Элёр МУРОД

**Мусаҳҳих**

Маъмура ЗОҲИДОВА  
**Бадий муҳаррир**  
Ғиёсиддин ҲАРАЛОВ

Таҳририятга келган кўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Нашрдан кўчириб босилганда “Ijod olami” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Манзилимиз**

Тошкент шаҳри,  
Ислоом Каримов кўчаси, 16-“а” уй.  
e-mail: ijod\_olami@ijod.uz,  
inbox@ijod.uz  
Тел./факс: (0-371) 239-26-91

Босишга 28.11.2017 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8.  
Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7.  
Индекс 1290.  
ISSN 2181-8959. Журнал 2016 йил 15 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0893 рақами билан рўйхатга олинган.  
“SILVER STAR PRINT”  
МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма № 77. Адади 1150 дон.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
22-мавзе, 17-уй.

**Муқовамизда**

Алишер ОТАБОВЕВ  
“Куз”.2006.х.м.100x50 портрети

## МУНДАРИЖА

### МУЛОҲАЗА

Шодмон СУЛАЙМОН. Китобсиз ўтган... кун. .... 2

### НАСР

Саид АҲМАД. Азоб. Ҳикоя. .... 6

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ. Икки ҳикоя. .... 22

Турсунмурод ЭРМАТОВ. Бозордаги бола. Ҳикоя..... 37

Холмуҳаммад КАРИМИЙ. Овунчоқ тош. Ҳикоя. .... 54

### НАЗМ

Абдулла ШЕР. Мен ўстирдим шеър деган дарахт. .... 11

Ғайрат МАЖИД. Хазонлар кузакнинг муаззам арзи. .... 20

Амирқул КАРИМОВ. Дўппи. .... 44

Султон МУРОД. “Менинг кўнглимга сен қулоқ тут”. .... 40

### ТАДҚИҚОТ

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ. Кўпдир абдуллалар адабиётда. .... 14

### УСТОЗ ИБРАТИ

Муҳаммад Али дейдики... .... 19

### МУЛОҲАЗА

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ. Юлдузи – юлдузига тўғри келса..... 41

### ТУЙҒУ

Муҳаммад ОЧИЛ. Айтматовнинг «Акбара»си. .... 26

### ХОТИРА

Умарали НОРМАТОВ. Устоз армони. .... 30

### БИСОТ

Марҳабо ҚҮЧҚОРОВА. Абдулла Қаҳҳор архивидаги ўғли Пўлатнинг мактублари ҳақида. .... 32

### КУЗАТУВ

Тўлқин ҲАЙИТ. “Буроқ водийси”даги сирлар. .... 34

### ЗССЕ

Артур ШОПЕНГАУЭР. Аёллар ҳақида. .... 44

### ФИКР

Искандар АКРОМИЙ. Инсон қадри. .... 48

### ҚАТРА

Эмиль КРОТКИЙ. Ёзилмаган асарлардан парчалар. .... 52

### ҚАРДОШЛАР ҲИКОЯСИ

Қумар БЕГНИЯЗОВА. Шукрона. Ҳикоя. .... 59

### ШИНГИЛ ҲАНГОМА

Шодмон ОТАБЕК. Кунлардан бир куни. .... 62



Шодмон СУЛАЙМОН

# Китобсиз ўтган... Кун

**Галаосиё шаҳрида Омон ака Зарипов деган маърифат фидойиси яшайди. Унинг қарийб эллик йилдан бери кўз қорачигидек авайлаб келаётган шахсий кутубхонасида ўн беш мингдан зиёд китоб жамланган. Бу улғувдор даргоҳга қадам босган инсон юзлаб ижодкорлар руҳлари билан юзма-юз бўлади, минглаб адабиёт ва санъат фидойилари билан ажиб суҳбатлар қуради... Ушбу битикларимни китобни чин зиё билган ана шу қалби улғу инсонга бағишлайман.**

... Бугун эрта тонгдан ишим юришмади. Негадир кўнглим ёришмас, ярим тунда аллақандай ғалати туш таъсирида руҳимга илашган ғашлик тарқамас эди: зим-зиё саҳрода ёлғиз телбаланиб юрар, ҳарчанд уринмай, овозим чиқмас, юрагимда вулқон каби тўлиб-тошган ваҳима ва ҳаяжонни бутун овозимга жо қилиб, саҳрога сочиб юбормоқчи бўлар эканман-у, бироқ оёқ-қўлимга солинган кўринмас тушов ва бўйнимга ўралиб олган баҳайбат илон асирга айланиб, илгарилашга ҳам, овоз чиқаришга ҳам имкон топа олмас эмишман. “Гапирма, гапир-

ма!” – ваҳима солар экан хунук ҳўмрайган саҳро. “Ўйлама, ўйлама!” – унга жўр бўлиб ўқира экан баҳайбат тўзон. “Сукунат бағрига кир! Ухла, ухла!” – сирли оҳангда шивирлар экан ялмоғиз тун...

Юрагим кўксимдан отилиб чиққудек бўлиб уйғониб кетдим. Кийимларимни шалаббо қилган совуқ тер тўшакка михлаб қўйган каби анчагача кўзғала олмай ётдим. Қўрқинчли туш таъсирида кўнглимга илашган ғашлик кўланкаси бутун хонани ўз домига тортаётган эди гўё...

Янги куннинг бу тариқа оғир бошланиши кутилмаган дилхираликлардан нишона эдим, бир оз иримчироқманми, хуллас, кун бўйи қадамим ўнганмай, ўзимда бўлмай юрдим. Ишхонада кимга заҳар сочиб, кимнинг кўнглини хуфтон қилиб, ярим куним ўтди. Ниҳоят, кўп йиллик қадрдон муҳаррир оғамиз мени аста четга тортди: “Шоиржон, дам олишингиз керак. Асабларингиз чарчаган. Маслаҳатим – бозорга чиқинг. Асабингиз тинчланади!” Истар-истамас, бозорга жўнадим: “Ҳеч эрмак тополмасам, чакана бозорда савдо қиладиган дўстим билан суҳбатлашиб қайтарман...”

Дўстим дўконини тамбалаб, йўл тадоригини кўраётган экан. Мени кўриб, яйраб кетди. “Қайнонанг суяр экан, жўра! Бугун улфатларга ош бераётган эдим. Даврамизга кўшиласан”. Ортиқча қайсарланиб ўтирмадим. Дўстлар даврасида кўнглимдаги ғашлик тарқалар, дея умидландим...

Дўстимнинг улфатлари дунёқараши турфа одамлар экан. Гапимиз қовушмади. Қовоқ-тумшуғим уларга ёқмади. Давранинг одатий йўсинига тушолмай ҳалак эдим. Улфатлар эса бўш келишмади: шисалар бўшагани сари оғизлари гапга тўлаверди.

– Бу кишини шоир дедингми? – тўсатдан сўз қотди улфатлардан бири – олифта кийинган йигит – дўстимнинг елкасига шапатилаб. Кейин менга ўгирилиб тиржайди: – Шеър эшитайлик, бўлмаса. Ё бизни шеърхонлари қаторига муносиб кўрмайдиларми?

– Шеърни нима қиласиз? Шеър бир дардисар-да, – дедим вазиятдан осон кутулишни ўйлаб.

– Бизга шу дардисари ёқди-да. Айниқса, жононларни дардисар қилиш ҳақидагилари, – суҳбатга қўшилди иккинчи улфат.

Бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллаб, қаҳқаҳа отишди. Улфатларига қўполлик қилсам, дўстимнинг ранжишини ўйлаб, ночор ён бердим:

– Унақа шеърларим-ку йўқ. Лекин ота-она ҳақида айтишим мумкин.

– Майли, бошланишига буям бўлади, – кўзини сузди олифта улфат, – закускасига жононлар ҳақидагисини айтасиз.

Шеърларим хотирамда турмас эди. Тўғри келган бирини чалла-чулпа айта кетдим:

*Менинг олти опам бордир,  
Тўрттагина акам бордир –  
Ўн битта жонмиз-да ахир,  
Чап кўксимда ярам бордир.  
Манинг тилло онагинам,  
Манинг тилло отагинам...*

Шеърни тугатиб улгурмасимдан даврадагилар ҳингир-ҳингир кула бошлашди. Юзига жиддий тус бериб ўтирган олифта улфат ўзини кулгидан тийиш учун лабининг четини тишлар экан, самимиятини намоиш этишга чоғланган каби яқинимга сурилди:

– Ростдан ҳам кўксингизда яра борми? Қани, бир кўрсатинг...

Улфатлар баралла кулиб юборишди. Емакхонадаги бошқа мижозларнинг ҳайрат аралаш ғазаб тўла нигоҳи биз ўтирган бурчакка қадалди: “Бири шеър ўқийди. Қолганлари масхара қилади. Жинни-ми булар?!”

– Оғир бўлинглар. Эсларинг жойидами сенларнинг? – тагин овозига зўр берди олифта. – Бу киши катта шоир, ахир...

Миям карахт бўлиб қолди. Ўнг кўлимга қулай турган бўш шишани чангалладим. Ғазаб ва нафратимни ёлғиз ўққа айлантириб, унинг нақ кўксига қадамоқчи бўлдим:

– Умрингизда китоб ўқиганмисиз?

Улфатлар тагин хохлашди. Олифта уларга бир ўқрайиб, дамларини ўчиргач, хунук илжайди:

– Ўқимаганман. Агар ўқиганнинг биттаси сиз бўлсангиз, ўқимоқчи ҳам эмасман!

Юрагим қалқиб кетди. Аммо сир бой бермай, тагин заҳар сочдим:

– Мен бир одамни биламан. Уйда ўн беш мингта китоби бор. Сизникида нечта китоб бор?

Олифта ҳам бўш келмади:

– Ўша одамингиз дунёни билмас экан. Ундан кўра ўн беш минг кўкидан йиғса бўлмайдим?! Менинг китобга муҳтожлигим йўқ. Китобсиз ҳам куним ўтади!

Энсам қотди. Қайсарлангандан қайсарландим. Унинг кўзига тик қараб, оҳиста пичирладим:

– Нега куни бўйи кўнглим ғашланиб юрганини энди англадим: бугун бир сатр ҳам китоб ўқимабман.

Олифта ўзини зўрлаб хохоллади. Улфатлари унга жўр бўлганча, дўстимга маъноли қарашди: “Таппа-тайёр жинни экан-ку, бу шоир жўранг”.

Мен ҳам кулдим. Юрагимни чангаллаганча кулдим, ўзимни мажбурлаганча кулдим. Кўксимни шалаббо қилаётган кўз ёшларимни сезиб қолмасликлари учун кулдим, кулавердим... Юрагимнинг туб-тубига оғир тош чўқди: “Нима учун?!”

\*\*\*

Омон ака! Ҳеч болалар уйига борганмисиз? Агар борган

бўлсангиз, у ерда катталарники каби ўйчан кўзларида аллақандай мунг қотиб қолган, тириклик зарбаларини биздан-да ортиқроқ татиб улгурган фожиали тақдир соҳибларини кўргансиз, албатта. Салга кўнглим бўшаб, дийдам юмшашидан ноқулайлик сезармидим ёки одам боласи ғуссадан қочиб, ғамни четлаб яшашга ботинан мойил бўлар эканми, мен бундай учрашувлардан ўзимни четга тортиб юрардим. Аммо хизматчилик экан. Бир неча ҳамкасб шаҳардаги Болалар уйига – раҳбарият фармойиши билан байрам ҳадяларини топшириш учун бордик. Муассаса масъуллари илк мучал ёшини нишонлаётган болажонларга баҳорий либослар – қиз болаларга оқ ҳарир кўйлак ва зардўзи дўппилар, ўғил болаларга костюм-шим ва оёқ кийимлар олиб беришни илтимос қилишган экан.

Олиб бораётган тўхфаларимиз болажонларни хурсанд қилишига ишонганим боис бу сафар улар паноҳ топган масканга дадил йўл олдим. Уларнинг қувончга тўлиб, бизга меҳр ила боқишларини кўз олдимга келтирар, хайрли ишга шерик бўлаётганим боис руҳим енгил тортган эди. Афсус, қувончимиз узоққа чўзилмади. Икки қизалоққа биз харид қилган кийимлар, тарбиячи-опалари ҳарчанд уринишмасин, лойиқ келмади. Қизалоқлар жуда ҳам нозик, нимжон, бундай ўлчамдаги кийимларни кийишлари учун яна икки-уч ёш улғайишлари керак эди гўё. Улар жуда хафа бўлишди. Мунчоқ кўзларидан тўкилган ёшларни тарбиячи опаларидан яширишга уринишар, бироқ билинар-билинемас титраётган елкалари митти жуссаларига изтироб суратини чизиб улгурган эди. Уларнинг кайфияти кийимлар лойиқ келган шерикларига ҳам юқди: йиғилар жўровоз бўлди. Чидаб туrolмадим, бўғзимга тикилган фарёддан вужудим қақшаб, ташқарига отилдим... “Кел-

майман бундан кейин бунақа жойларга, – маломат қилдим ҳамроҳларимга. – Мени судрамасаларинг бўларди”. Ҳамроҳларимнинг ҳолати ҳам меникидан яхши эмасди: сассиз бош эгишди.

Бир неча кун эзиб юрди мени ўша жонсўз манзара. Аламимни шеърдан олдим. Тўлиб-тўлиб ёздим, йиғлаб-йиғлаб ёздим:

Дўппи олиб борган эдим тўйингизга,  
Оқ кўйлақлар бунча узун бўйингизга.  
Ўн уч ёшда юзингизда ажин кўрдим –  
Тушунгандай бўлдим оғир ўйингизга.  
Тор айвонда ўсмай қолган лолаларим,  
Оналари ташлаб кетган болаларим.

Бағрикенг бир миллатмисиз, келдим шошиб,  
Меҳр билан кўришдингиз ачомлашиб.  
Маъюсина хўрсинасиз юпанч излаб,  
Валломатлар не кўрибди тоғдан ошиб?...  
Ҳайрон бўлманг – кўриб кўзда жолаларим,  
Оталари ташлаб кетган болаларим...

Лекин кўнглим тўлмади. Юрагимнинг титроғи паясаймади, руҳимнинг қийноғи озаймади. Ўйлаб, ўйимнинг сўнгига ета олмадим: бу болаларнинг ота-оналари не сабаб бундай забун аҳволга тушдилар? Ўз жигарбандингни бағрингдан юлиб отиш шунчалик осонми? Ахир бу – тухумдан эндигина чиқаётган, ёруғ дунё кўзини қамаштириб, ожиз талпинаётган полапонни ифлос оёқлар-ла топташ, эзгилаш билан баробар эмасми? Бу қабиҳ жиноятнинг рангин қанотлари Қуёш нурида ялтираб, кўнглингга ажиб роҳат бахш этаётган капалак қанотларини юлиб отиш, пажмурда танасини лойга қоришдан не фарқи бор?!... Кўксимга аввалгидан-да оғирроқ яна бир тош чўкди: “Нега?!!”

\* \* \*

Омон ака! Биламан, Сиз китобларингизни жуда яхши кўрасиз. Кутубхонангизга тонгда кирсангиз, кеч ботганда ҳам ундан чиқишингиз мушкул: фикрлар уммонига фарқ бўласиз, бутун умрини сўз санъати равнақига, одамият қайғусига бахшида этган улуг адиблар дастхатлари бағрига шўнғиб, адабиёт ва абадият ҳақида ўй сурасиз. Дунёда китоблар борлигига, адабиёт борлигига шукроналар айтиб, таскин топасиз, кўнглингиз яйрайди.

Бировга китоб бериб юборсангиз, олиб келадиган муддати келгунча еган-ичганингиз татимайди. Мабодо омонатга хиёнат қилиб, китобингизни қайтармаса, кадрдонидан жудо бўлиб қолган одам каби қайғуга чўмасиз, кунларингиз тундан, тунларингиз зимистондан фарқ этмай қолади. Аммо менинг катта момом китобни ёмон кўрган эканлар...



Йўқ, йўқ, ёмон кўрганлар эмас, китобдан кўрққан эканлар. Оғаларим китоб қўлтиқлаб, момомнинг эшик-деразалари даричали, танчали хонасига кирганларида, момом китобга кўзлари тушиши билан дағ-дағ қалтираб, танча бурчагига тиқилар эканлар. “Жон, болам, балонгни олай! Китобингни кўзимдан йўқот, болагинам. Ундан кўра кампир момонгни замбаракнинг ўқиға рўбарў қил, болажоним”, – фарёд урар эканлар шўрлик момом.

Гап шундаки, олиму уламоларга ялпи ҳужум бошланган йиллари уйдан бир сандиқ китоб чиққан катта бобомни ҳукумат одамлари олиб кетган, бобом шу кетганларича қайтиб келмаган эканлар. Ўшандан сўнг момом китобни кўрсалар, тутқаноқ тутган каби ҳушдан кетиб қоладиган, ҳушларига келгач, икки-уч кун бобомдан қолган эски-туски кийимларга гапириб, калишларини тозалаб, телбаланиб юрадиган бўлиб қолган эканлар.

Мен катта момомнинг дардини яхши тушунаман. Ҳар гал у киши ҳақидаги таъсирли ҳикояларни эшитганимда, навқирон ёшида – ижоди гуллаб-яшнаган, тўлиб-тўлиб, гуриллаб-гуриллаб ёзадиган айни йигирма беш ёшида “халқ душмани” дея олиб кетилган Усмон Носирнинг онаизори кўз олдимга келади. Шоирнинг хастадил онаси ҳам момом каби китобдан кўрқадиган бўлиб қолган бўлса, ажаб эмас. Шоирнинг китобларини варақлаганимда, ҳар бир шеъри бағридан фарзанди ҳажрида ёш тўкавериб, афтода ҳолга тушиб қолган мунис онанинг фарёдини эшитгандек бўлавераман: “Китоб ёзмай кетардинг, болам...”

Дунёда ўзлигини унутган, имонини ютган одамдан хунуқроқ ва хавфлироқ жонзот йўқ. Ҳар гал шу ҳақида ўйлаганимда, Миркомилбойнинг ўлими ҳақидаги ривоят ёдимга тушади: маърифатли ва элпарвар бой сифатида шуҳрат қозонган Миркомил яловбардорлар томонидан қатлга ҳукм қилинади. Қатл куни бой олдиндан қазилган ўра – қабр олдиға боргач, ўзини кўриқлаб келадиган аскарлардан икки ракат намоз ўқиш учун ижозат сўрабди. Аскарларнинг ёши каттаси бойнинг ўлим олди илтижосини инобатга олибди. Бой таяммум қилгач, белбоғини

ёзиб такбир бошлабди: “Аллоху акбар, Аллоху акбар...” Шу пайт варанглаган ўқ овози эшитилиб, икки кураги ўртасига санчилган ўтли темир зарбидан кескин қалқиб кетган Миркомилбой илкис ортига ўгирилар экан, ўқни нишонга теккизганидан хурсанд аскарчанинг бир бойга, бир оғасига қараганча тиржаяётганига кўзи тушибди. “Ё Аллоҳ! Бу нима кўргулик?” ўрага қулаётиб пичирлабди бойнинг жон тарк этаётган лаблари. “Бу бола китоб ўқиганми ўзи?” – ҳайратдан ёқа ушлабди ёши каттароқ аскар...

Миллат фидойилари бошига тушган бу каби фожиаларнинг қай бири ҳақида сўзлай, Омон ака? Қутайба зулмидан қон қақшаган боболарим ҳақидами? Ёнаётган севимли кутубхонаси атрофидан фарёд уриб айланган Ибн Сино ҳақидами? Манфур мўғул аскарлари қиличидан жон таслим қилган Нажмиддин Кубро ҳақидами?

Сиз билан дийдорлашгач, кўксимга оғир тош янглиғ чўккан бу каби жонўртар саволларнинг анча-мунчасига жавоб топгандай бўлдим.

Ҳа, момоларимнинг бирини ёстиқдошидан, бирини жонажон фарзандидан, бирини падари бузрукворидан жудо қилган босқинчилар дунёда китобдан қудратлироқ қурол йўқлигини жуда яхши билишган. “Уларнинг қўлидан китобини тортиб олишимиз керак! Шунда, уларнинг ерини ўзимизники қилиш муаммо бўлмай қолади”, – деган уларнинг

айёр йўлбошчиси. Унинг каллаке-сарлари бутун ўлка бўйлаб изғиб, китоб қидиришган, китобхон қидиришган. Китоб топишса – ёқиб юборишган, китобхон топишса – ўққа тутишган.

Китобсиз қолган эл ботирларининг юраги дарз кетади, шотирларининг куни туғади. Бўзсув бўйидаги Шаҳидлар хиёбонида бир-бирининг кўксига бош қўйиб, мангу уйқуга кетган Фитрат, Қодирий, Чўлпон каби юзлаб боболаримиз ана шундай шотирчалар сиёсат майдонига чиққан муҳит қурбонлари эмасми, ахир?! Дўстимнинг зиёфатида менинг устимдан кулган, мен-ку майли, шеъримни мазах қилган, осмонга ўдағайлаб, ерни тепкилаб топган давлатини китобдан авло билган нораволарнинг отасининг кўксига ханжар урган ўша шотирчалардан, оғасини “доғда қолдириб”, Миркомилбойни нишонга олган бефаҳм аскарчадан нима фарқи бор?!

Болалар уйидаги мурғак қалбларнинг ғарибдан ғариб ота-оналари эса китобнинг кўчасидан ўтмаган нокаслардир. Уларнинг уйларида ҳатто биттагина китоб йўқ. Ахир уйдан ўз фарзандига жой бермаган нокас китобга жой берармиди?! Фарзанднинг ширин ташвишини елкалай олмаган номард китобнинг залварли юкини кўтара олармиди?!

Тарих китобларини титкиласангиз, ана шу нокасларнинг бо-бою бобокалонлари Қутайбага малайлик қилган, Ибн Сино суйган кутубхонага ўт қўйган, Чингизхон

оёғи остига пояндоз ёйган бўлиб чиқади. Дину диёнат кўксига пичоқ санчганлар, ҳаё пардасини йиртганлар, номус қиличини синдирганлар, алқисса, китобдан бегоналар хиёнатга эш, иблисга ҳамқадам бўладилар. Афсуски, бу – ҳамма замон ва маконларнинг бирдек оғир қайғуси.

Ҳа, мен китобсиз – зулмат кунлар жабрини тортган момоннинг дардини жуда яхши тушунаман...

\*\*\*

Мен қоғозни ортиқ қийнамасликка онт ичган эдим. Дунёда Улуғ Китобдек безавол қудрат бор экан, ўзга китобларга ҳеч бир эҳтиёж йўқ, дея ўзимни ишонтирган эдим. Улуғ Китоб одамларга қараб эмас, одамлар Улуғ Китобга қараб юрсалар, сўзга ошноларни истеъфога чиқариб, бирига боғбонлик, бирига гулчилик, бирига воизлик, яна бирига муаллимлик вазифасини юкласа ҳам бўлаверади, дея ҳаёл сураб эдим... Мен нотўғри ўйлаган эканман. Одамзод китобдан қочгани сари – бахту саодат ҳам ундан қочаверар экан. Молу дунё келаверар экан-у, роҳат-фароғат кетаверар экан...

Мен кўрқдим, жуда ҳам кўрқдим. Китобдан қочганлар қаторида бўлмай деб кўрқдим, маърифатга мушт ўқталганлар сафида қолмай деб ваҳимага тушдим. Шу тариқа яшайверсам, охир-оқибат ёлғизлик дардига гирифтор бўлиб, мангу ҳасрат домида қолиб кетаманми, дея баттар ваҳимам ортди. Ўнгу тушим аралашиб кетди: қоғозни туш кўрдим. У менга Сизни кўрсатди, Омон ака! Сиз каби китобга кўксини очганлар минглаб топилишини, китобга ошнолар бор экан, ёвузликнинг ғавғолари ўткинчи шамол каби ўтиб кетажagini айтиб, манглайимга юмшоқ кафтини босди. Мен унга ишондим! Юрагимга қўшилиб титраётган улуғ боболарим руҳи ором топгандек бўлди!



Саид АҲМАД

# Азоб

Ҳикоя

Вилоят ҳокими Эргаш Носиров уйига алла-паллада қайтди. Болалари ухлаб ётишибди. Хотини олиб келган овқат томоғидан ўтмади. Бир-икки қошиқ татиган бўлди-ю, косани нари суриб қўйди.

– Қаёқда эдингиз? Хавотир олиб ухлолмадим.

Эргашвой жавоб ўрнига, соатига қаради: бирдан ошибди.

– Поччам оламдан ўтибдилар, ўша ёқда эдим.

– Вой ўлмасам, – деди хотини тамоман уйқуси қочиб. – Нега менга хабар қилмадингиз? Борардим. Ахир, ота ўрнида ота эдилар.

Эргашвойнинг ёшлигида ота-онаси оламдан кўз юмиб кетади. Уни опаси ўзининг тўрт боласи қатори бағрига босади. Поччаси тиниб-тинчимас одам эди. Иморат қурадиганларнинг ҳожатини чиқарарди. Тўнғич ўғлини ёнига олиб, арракашлик қилиб, қучоққа сиғмас ғўлалардан тахта тиларди. Ром ясар, битмаган иморатларнинг томини ёпарди. Хулласи, қишин-ёзин унга бирдек иш топилиб турарди. Эргашвой шу меҳнаткаш одамнинг қўлида муҳтожлик нималигини, етимлик нималигини билмай ўсди. Уста Туроб ўз бо-

лалари қатори уни кийинтирди, едирди, ичирди. Ёшига етиб, институтда ўқиётган пайтларда Тошкентга бориб, топган-тутганини қўлига бериб келарди. Аммо унга асло насиҳат қилмасди. Ўзининг эс-хуши жойида, насиҳат ортиқча деб биларди. Шу етимгина укасига меҳрибонлик қилаётган эридан опаси миннатдор эди. Баъзан кўзёши тўкиб, уни чин дилдан дуо қиларди.

Умри меҳнат билан ўтган уста Туроб оламдан ўтди. Эргашвой тўрт азамат жиянлари ёнида бел боғлаб, «вой, отам»лаб тобут олдида борди.

Хотини пиқ-пиқ йиғлаб: «Эртага мени ҳам олакетинг, янгам бечоранинг ёнида бўлай!» деди.

– Хўп, – деди Эргашвой. – Энди озроқ мизғиб олай, жуда чарчадим.

У шундай деди-ю, ётоққа кириб кетди.

Эргашвойнинг вилоят ҳокими қилиб тайинланганига атиги икки ой бўлди. Ҳали тузук-қуруқ иш бошлаган ҳам йўқ эди. Вилоят катта, унда тоғ ҳам, дарё ҳам, чўл ҳам бор. Илгариги ҳоким бир чиқиб кетганича икки-уч кунлаб уйга қайтиб келолмасди.

Эргашвой аввал ҳам ҳокимиятда кичик лавозимларда ишлагани сабабли туманларни, хўжаликларни яхши биларди.

Эргашвой энди кўзи юмилганда сигир маъраб уйқусини қочирди. Бу қанақа сигир бўлди? Қўшниларикими деса, овози ҳовлидан келяпти.

Эргашвой тўнни елкасига ташлаб айвонга чиқди. Хотини столга бошини тираб йиғлапти. У оёқ товушини эшитиб бошини кўтарди: икки кўзи жиққа ёш эди.


– Бу қанақа сигир? – деди Эргашвой хотинига зардали товушда.

– Қўштегирмонлик раис Нормат ака ташлаб кетди.

– Ҳозир сигир олишга қурбимиз етмайди, деб айтмадингми?

– Айтдим. Эй, келин, хотин кишисиз-да, эркакларнинг ишини тушунмайсиз. Эргашвой жигаримдек бўлса, ундан пул оламанми, – ҳоким бўлганига суюнчи бу, яъни подарка, соғиб ичаверинглар, энди шу она-бола сигир сизларники, – деди.

Эргашвойнинг пешонаси тиришди. Бир сўз демай ётоққа кириб кетди. Шу ётганича соат бешдан ошганида уйғонди. Уй-



фонди-ю «уяли» телефон билан Қўштегирмонга – Нормат раисга қўнғироқ қилди. «Лаббай», деган уйқули товуш эшитилди.

– Нормат ака, ҳозир сизга машина боради, бизникига келинг, бирга нонушта қиламиз.

– Ҳўзимнинг машинада боравераман, – деди раис. – Шофёрингизни овора қилманг.

– Илтимос, ҳўп денг. Бошқа гаплар ҳам бор, албатта орденларингизни ҳам тақиб келинг!

– Ҳўп бўлади, ҳоким бува! Телевизорга чиқамизми?..

Энди унинг овози жарангларди. Она-бола сигир кучини кўрсатди, деб ўйлаётган бўлса керак. Қаловини топсанг қор ёнади, деб бекорга айтмаганлар, илинди. Жуда чиройли бўлиб илинди.

Қўштегирмон билан вилоят марказининг оралиғи атиги ўн

тўрт километр, ҳозир йўлга чиқса, ўн беш минутга қолмай етиб келади.

Эргаш Носиров ДАНга телефон қилиб, ким биландир гаплашди. Кейин ҳовлига чиқиб, она-бола сигирни кўздан кечирди.

Ўҳ-ҳў, бунақа сигир бозорда фалон пул бўлса керак. Хотинининг гапига қараганда, кунига уч маҳал соғиш керак экан. Нечук шунча пулли нарсани текинга ташлаб кетди экан? Ахир, у Тошкентга қурултойларга боришганда ўзига ўхшаган серхарж раислар билан ресторанларга киришарди, ақалли бир марта бўлсин, «Сен ҳам юр!» демаган. Эргашвойнинг ҳамёни бунақа харжларни кўтармасди. Шунинг учун ҳам меҳмонхона буфетига енгилгина овқатланиб қўя қоларди.

Пахтакорлар қурултойига боришганда Нормат раис орденларни тақиб оларди. Чиндан ҳам унинг орденлари кўп эди. Йилора орден оларди. Бошқа раислар ҳазил қилиб «Норматнинг икки костюмлик ордени бор», дейишарди. Сал оғзи ботирроқлари: «Леонид Ильич бўлиб кет-е!» деса, бошқаси: «Яхши дўхтир танишим бор, чап кўкрагингни кенгайтириб беради!» деб одамларни кулдиради. У юрганда жаранг-журунг овоз чиқарарди, ҳатто қурултойга раислик қилаётган раҳбар унга: «Нормат ака, қимирламай ўтиринг, орденларингиз жаранглаб доклад эшитишга ҳалақит беришти», деганди. Ўшанда қурултой аҳли гурра кулиб юборганди.

Эргашвой бир гал қурултойга борганда Нормат раис меҳмонхона пастида уни кутиб турган экан.

– Мундоқ қилсак, – деди раис унинг олдига келиб, – эрталабки мажлисга сен қатнашмасанг ҳам бўлади. Чорва масаласи кўрилади. Сенга алоқаси йўқ гаплар.

У шундай дея туриб ёнидан бир даста пул чиқариб унга узатди:

– Тахтапулдаги чойхонага бориб, ўн кишилик ош буюр! Водий раислари билан ошхўрлик қиламиз. Хўпми, акаси? Масхарабоз Обид калтани ҳам топ, бир кулишиб ўтирайлик.

Эргашвой ғалати бир ҳолга тушди. Бу раис мени ким деб ўйлапти? Жуда ўзидан кетибди-ку!

У жаҳл билан пуллари унинг чўнтагига тикиб қўйди.

– Мен сизга малай эмасман! Курултойга сизнинг чамадонингизни кўтариб юришга, дастёрлик қилишга келмаганман!

Раис ундан бунақа гап кутмагани. Ювош, баёв бола деб биларди.

– Сени ўсадиган кадр бўлади, деб ўйлаган эдим. Шу феълинг бўлса, икки дунёда ҳам косанг оқармайди. Ёнимга олиб, ўсишингга ёрдамлашмоқчи эдим. Қўлимдан ҳар иш келишини биласан-ку, энди ўзингдан кўр! Шу кичкинагина амалингдан ҳам айрилиб қоласан.

Эргашвой қатъий қўл силтади:

– Пешонамдагини кўраверман, ака!

Нормат раис бир замбар лой бўлиб қолган эди ўшанда.

Нормат ҳар қандай бир сўзли ўжар райком котибини ҳам ўзига ром қилиб оларди. Қишлоқ раҳбарларининг, айниқса, райком котибларининг отпускази қиш пайтига тўғри келарди. Шунга қарамасдан улар дам олиш учун Ялтагами, Сочигами кетишарди. Бу пайтда на денгизда чўмилиб бўлади, на соҳилда ўзини офтобга тоблаб бўларди. Ҳеч бўлмаса муолажасидан фойдаланаман, массаж, хилма-хил ванналарга тушиб таранг асабларимни юмшатиб келаман, деб ўйлашарди.

Қайси бир райком котиби курортга кетса, Нормат раис орқасидан кассири билан етиб борарди. Санаторийга яқин жойдан ижара уй олиб, котибнинг хизматини қиларди. Қиш, ҳаммаёқ қор, дам олиш мавсумининг энг зерикарли пайтлари. Ана шундай пайтларда Нормат уларнинг жонларига оро кирарди. Кунора ошхўрлик, норинхўрлик кимга ёқмайди, дейсиз. Бир чемодан қазни, бир халта Ўзганининг девзираси, қоғоз қутидаги Дашнобод анори тугагунча ҳар куни қозон қайнаб турарди. Ана шундай курорт мавсумларида Нормат кўп ишларини битказиб оларди. Котиблар билан ёшроғи бўлса ота-бола, ўрта яшар бўлса, қадрдон, кексароқ бўлса «фарзанд» бўлиб кетарди.

Бир гал Рискиев деган райком котибининг орқасидан борганда иши юришмади. Унинг ошқозони хасталигидан фақат парҳез таом еяр экан, «базми жамшид»га бормади. Укол олиб, дори ичиб, санаторийдан чиқмади. Нормат бегоналарга едирадиган анойилардан эмасди. Шунча йўл босиб, олиб борган нарсаларини қайтариб олиб келди. Эсиз шунча пул. Икки кишига бориш-келиш палон пул, дея афсусланди.

Баъзан у кайф қилган пайтларида, «палончи» котибми, нима деб ўтирибсан, гаҳ, десам қўлимга қўнади, йўригимга юрмай кўрсин-чи, ўғлига мотоциклини ким олиб берган, Нормат аканг олиб берган, деб мақтанарди.

Унинг бу хил қилиқларини Эргашвой яхши биларди. Шунинг учун ҳам ундан узоқроқ юрарди.

Ташқаридан машина овози эшитилди. Олтита седонали иссиқнон, шиша банкада асал кўтариб, орденларини жаранглашиб, хандон-хушон Нормат кириб келди. Эгнида янги костюм, бошида тахтакачдан янги чиққан чустдўппи. Соқоли ҳафсала билан олинган. Икки лунжи худди арчилган шафтолига ўхшарди. Будённийникига

ўхшаган шоп мўйлови лок суртилгандек ялтирарди. Ундан гуп-гуп атир ҳиди анқийди. У йўл-йўлакай жовраб келарди.

– Қаранг, ровна ўн тўққиз минутда етиб келибман, – деди у билагидаги соатига қараб. – Уйингиз билан менинг уйим ораси 19 минутли йўл экан.

Норматнинг билагидаги шу соат бир вақтлар Эргашвойники эди. У стипендиясидан орттириб йиғиб юрган пулига саудиялик бир талабадан сотиб олган эди.

Бундан уч йил олдин касаба союзлари курултойига борганда, делегатлар учун махсус очилган магазинда Белгияда тикилган аёллар пальтоси сотилаётган эди. Эргашвой биттасини танлади. Ёнидан пул чиқазиб санаган эди, 40 сўм пул етмади. Ҳайрон бўлиб турганда, Нормат раис келиб бирданига учта пальтони қоғозга ўратди.

– Биттаси хотинимга, бешик тўйларига кияди. Биттаси келинимга, яна биттаси... – Раис бир кўзини қисиб қўйди, – бир жоннонга. Нега серрайиб турибсан? Олмайсанми?

– Азроқ пул етмаяпти, – деди Эргашвой.

– Пулинг йўқ экан, нима қилардинг магазинга кириб?

Эргашвой билагидан соатини чиқарди.

– Раис бува шу соатни олмайсизми, Швейцарияники, аниқ юради.

Нормат соатни қўлига олиб қулоғига тутди.

– Эҳ-ҳе, ҳафтанинг ҳамма кунларини, қайси ойлигини ҳам кўрсатар экан. Қанча берай?

– Ўзим уч юз эллик сўмга олгандим. Сиз икки юз сўм берақолинг.

– Ундоқ эмас-да, укагинам, юз сўм берсам ҳам бўларди-ю, сенга жавр бўлмасин, деб юз эллик сўм бераман.

У шундай деб пештахта устига учта эллик сўмлик ташлади.



Бу воқеадан Эргашвой ранжимади. Қўлидан кетган қадрдон соатига ачинмади. Хотинининг пальтони кўргандаги қувончи олдиди, соат нима деган гап...

Норматнинг оғзи гапдан бўшамасди.

– Билардим, билардим! Бир куни жонажон вилоятимизга ўзингиз ҳоким бўлишингизни билардим! Вилоятимиз энди ҳокимга ёлчиди, кўркмай ишлайверинг. Ёнингизда тоғдай бўлиб, ўзим туриб бераман! Қани, бирортаси кўз олайтириб кўрсин-чи? Бизга ўхшаган иш кўрган, тажриба орттирган акаларингизга суясангиз, доғда қолмайсиз. Ҳаммага ишонаверманг. Кимга қанақа муомала қилишни ўзим айтиб тураман. Мана, нонуштага Ургутнинг асалидан олиб келдим. Маъкул бўлса, эртага бир фляга ташлаб кетаман.

Улар эндигина бир пиёладан чой ичишган эди, кўча томондан ДАН машинасининг товуши эшитилди.

– Қани кетдик, – деди Эргашвой.

Ташқарида вилоят шофёрларининг «офати» – ДАН инспектори кутиб турарди. Сигир билан бузоқни ҳам шу ерда кўриб, Нормат хайрон бўлди.

– Нормат ака, мени ким деб ўйладингиз? Сигирингизни олиб кетинг! Мен бунақа суюнчиларга ўрганмаганман.

– Ия-ия, қизик бўлди-ку! Мен дилдан чиқариб...

ДАН инспектори сигир-бузоқнинг арқонини раиснинг қўлига тутқазди.

– Қани, кетдик, ака! Мен йўл бошлайман. Орқадан шошилмай етаклаб келаверасиз.

Нормат илтижо билан Эргаш Носировга қаради.

– Бу қанақаси бўлди, укам? Агар шунчалик бўлса, одам юбораман, олиб кетишади.

– Йўқ, ўзингиз ҳайдаб кетасиз! Эргашвой шундай деди-ю, ичкарига кириб кетди.

Машина кўзғолди.

– Орқамдан қолманг! – деб буюрди инспектор.

Инспектор айтганини қилдиган қайсар одам эди. Уни гапга кўндириб бўлмас эди. Норматнинг ўғли йўл қоидасини бузгани учун ҳужжатларини олдириб қўйганда, раис олти марта ялиниб бориб ҳам уни гапга кўндирилмаган. Қайтадан имтиҳон топширишга мажбур қилган. Ўтолмаган. Ҳозир унга ялиниб-ёлворишдан иш чиқмаслигини билади. У имиллаб бораётган машина орқасидан сигирни судраб борарди.

Эрталаб ишга кетаётганлар, автобусдагилар, машинадагилар унга ажабланиб қарашади. Йўловчилар кўкраги тўла орден, савлатли кишининг сигир етаклаб келаятиганини кўриб ажабланишарди. Одамлар кўп сут берадиган сигирни вилоят кўрик-танловига олиб кетяпти шекилли, деб ўйлашарди. Аммо, Нормат обрўли одамнинг жасадини қабристонга олиб кетаётгандек, машина орқасидан буюк бир мотамсаролик билан борарди.

– Жон ука, бирорта юк машинасини тўхтатиб бер. Чиқазиб олай.

– Мумкин эмас, ўзингиз пиёда етаклаб борасиз!

– Ҳеч бўлмаса, сигир етаклашга бирорта одам топиб бер, қанча сўраса бераман!

– Мумкин эмас. Ўзингиз оборасиз. Биласизми, сизнинг вазнингиздаги одам кунига ўн беш километр пиёда юриши керак. Бошингизни кўтариб юринг, телевизорга олишяпти.

Нормат дўпписи билан юзини беркитди. У ҳеч қаяққа қарамас, юзи ёпиқ бўлгани учун йўлни кўролмай ҳар қадамда қоқиларди.

Йўлда учраган одам борки: «Сигир неча пул бўлди? Ё сотгани олиб кетяпсизми?» деб қайта-қайта сўрайди. Норматнинг тили гапга келмайди. Мум тишлагандек, гунг бўлиб олган.

Шаҳардан чиқиш йўли қавланган, водопровод қувурини алмаштиришаётган эди. Ўтиб бўлмади. Тахминан, бир ярим километр орқага қайтиб, бошқа йўлдан кета бошлашди.

– Жон укам, шу сигирни ҳам олақол, мен кетдим! – деди зарда билан Нормат раис.

– Менга сигир керак эмас, ўзингизга буюрсин!

– Дуч келган одамга текинга бериб юбораман.

– Бўлмайди, – деди инспектор. – Халқ мулкани кўз қорачиғидай асраш керак, раис!

Шу алпозда улар шаҳар чеккасига чиқишди. Инспектор машинасини тўхтатди. Рация орқали аллаким биландир гаплашди.

Кейин:

– Бу ёғига йўлни ўзингиз биласиз, мен кетдим, – деди-ю машина тезлигини ошириб жўнаб кетди.

Раис сигир-бузоқ билан кўча ўртасида қолди...

Тўрт кундан кейин вилоят халқ депутатларининг сессияси бўлди.

Ҳар гал шунақа йиғин олдидан Норматвой атрофига одам тўплаб, латифа айтиб кулдирар, баъзи кичик раҳбарларнинг юришини қилиб кўрсатарди. Бу гал Нормат раис ҳаммадан олдин залга кириб, бир ўзи ўтирибди. Бошқалар мажлис олдидан гурунглашиб юришибди.

Тўрт кун олдинги воқеа аллақачон овоза бўлиб кетган. Бугун албатта унинг тақдири ҳал бўлади, деб ўйлашарди. Зал одамга тўла. ДАН инспектори ҳайъатда ўтирган Эргаш Носировга нимадир деб, орқароққа бориб ўтирди. Нормат раиснинг ичида бир нима узилиб кетгандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши ғувиллади.

Ҳоким вилоятда чорвага қишқи озуқа тайёрлаш ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида аниқ фактларни келтириб, маъруза қилди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари аёвсиз танқидга учради.

Нормат, энди менга навбат келди деганда, ҳоким бошқа масалани бошлайди. Юраги тарс ёрилаёзган Нормат, менинг масалам охирида бўлади шекилли, деб ҳукм кутаётган судланувчидек карахт бир алфозда эди. Охирида видео кўрсатиб, шарманда қилади, деб атрофга жавдираб қарарди.

Нормат раис тўғрисида гап бўлмади. Шу билан қутулдиммикан, деб ўйларди у.

Уч-тўрт ой вақт ўтди. Нормат раиснинг вилоят маркази кўчаларида сигир етаклагани одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Бу орада вилоят миқёсида қанча-қанча йиғинлар ўтди, фаоллар мажлиси бўлди, халқ депутатлари сессияси бўлди. Бироқ ҳоким ҳамон жим эди. Шу йиғинларнинг ҳаммасида Нормат раис юрагини ҳовучлаб ўтирди. Чақиришмаса ҳам борди. Мен йўғимда масаламни ҳал қилиб қўйишмасин, деб ҳадиксиради. У озиб, шоп мўйловлари осилиб қолди. Шу алфозда ҳадик билан яшаш раиснинг жонига тегди. Шунча йил раислик қилдим, худога шукр, уйим бор, жойим бор, машинам бор, бола-чақамни уйли-жойли қилдим, бас энди – ишни топширишим керак деган ўйга келди раис. У умрида бирор марта ариза ёзмаган, хат битмаган. Қоғозларга имзо чекиб юраверган экан, ариза ёзиш, наинки ариза, оддий хат ёзиш ҳам шунчалар қийин эканини энди билди. Икки соат ўтириб беш-олти варақ қоғозни қоралади, келиштира олмади. Охири у котиб болани чақириб, ариза ёзиб беришни буюрди.

– Чарчадим, раҳбарлик ишга чоғим келмай қолди. Вазифамдан озод қилишингизни сўрайман, деб ёз!

Котиб, нега, қўйинг, унақа қилманг, демади. У ҳамма вақт раис нима деса, айтганидан ҳам афзал қилиб қоғозга туширган.

Нормат раис эрталаб соқолини қиртишлаб, орденларини тақиб, вилоят ҳокимлигига ариза топшириш учун борди. Ҳокимнинг олдида одам бор экан. Котибадан аризани киритиб юборди. Ичкаридаги одам чиқиб кетди ҳамки, ҳоким уни чақирмади.

– Эй қизим, менга қара, мен келганимни ҳокимга айтдингми? – деди у тоқати тоқ бўлиб.

– Йўқ, – деди котиба. – Аризангизни бердим, холос.

– Жон болам, кириб айт, олдингизга кирмоқчи, деб айт!

Котиба ичкарига кириб, бир даста қоғоз кўтариб чиқар экан: «Киринг, кутяптилар», деди.

Нормат раис журъатсизлик билан эшикни очди. У албатта мени бўшатади, бу даргоҳга охири марта киришим, деб кўнглидан ўтказди.

Ҳоким қандайдир бир жиддий ҳужжатни ўқияпти, шекилли, унинг кирганини сезмади. Орденларнинг жиринглашини эшитиб, бошини кўтарди.

Эргашвой ўрнидан туриб кутиб олди. У раис билан креслода ўтириб эмас, диванда ёнма-ён ўтириб гаплашди.

– Нима бўлди? Ишламайман, деб ариза ёзибсиз?

– Ҳа-а, энди, – деди раис. – Шунча ишладим, етар энди бу азобларга чидай олмайман.

– Сизга ким азоб беряпти, айтинг?

– Сиз! – деди Нормат. – Тўрт ойдан бери кутаман. Неча-неча йиғинлар ўтди, аммо менинг масаламни мажлисдан-мажлисга қолдирасиз. Қўйинг, ўладиганнинг ўлгани дуруст, уйдагиларнинг тингани дуруст.

– Сизга ким айтди масалангиз кўрилади, деб?

– Ёш бола эмасман, ўзим билан.

Эргашвой қизишиб кетди.

– Менга қаранг, раис ака! Сизга ҳеч ким азоб бераётгани йўқ,

сиз ўзингизга ўзингиз азоб беряпсиз. Бу яхши. Одам ўз қилмиши учун ўзини ўзи жазолай олса, ўзига ўзи азоб бера олса, у одамга ишонса бўлади. Сиз яхши раиссиз, ишни биласиз, хўжалигингиз вилоятда энг намунали хўжалик. Бу жиҳатдан кўнглим тўқ. Сиз ишлайсиз! Аризангизни ўзингиз йиртиб ташлайсизми ё эсдаликка менда қолсинми?

Раиснинг Будённийникига ўхшаган мўйлови титради. Нима учун ўрнидан турганини ўзи ҳам билмади. Нима учун ҳоким томонга қўл узатди – эслай олмади. Аризамни қайтиб бера қолинг, демоқчи эди, шекилли Эргаш Носиров унинг очиқ кафтига тўрт букланган аризани қўйди. Нормат қоғозни бурда-бурда қилди-да, қаёққа ташлашини билмай, охири чўнтагига солди.

– Келишдик-а? – деди ҳоким. – Ҳар хил хаёлларга борманг, ишингизни давом эттиравинг!

Нормат раис у билан хайрлашаётганда, негадир гавдасининг оғирлигини сезмади. Эшик тутқичига энди қўл узатган эди, ҳоким уни тўхтатди.

– Сизга битта гап айтай, асло эсингиздан чиқарманг, кўкрагингиздагиларни олиб қўйинг. Буларни берган ҳукумат аллақачон йўқ бўлиб кетган.

Орадан тўрт ой ўтиб, вилоят ҳокими Эргаш Носиров поччасининг йил ошини ўтказди. Одам кўп келди. Улар орасида Нормат раис ҳам бор эди. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳатто танишмади ҳам. Кўпчилик унинг кўксидаги орденларга қараб, юзининг қанақалигига унча эътибор бермаган экан. У эл қатори ош еб чиқиб кетди.

1998 йил.

# Мен ўстирдим шеър деган дарахт



Абдулла ШЕР

\* \* \*

Кулиб-кулиб, яшадим қанча,  
Йиғлаб-йиғлаб, қанча яшадим!  
Ҳақиқатни дилга тукканча,  
Бу дунёда анча яшадим.

Муסיқани севиб юракдан,  
Айлантирдим умримни созга;  
Битта бўлиб кулоқ, юрак, тан,  
Ном бахш этди номсиз овозга.

Олам кездим юртимни севиб,  
Қадамимдан дув тўкилди вақт.  
Сўзларимни эрк билан ювиб,  
Мен ўстирдим Шеър деган дарахт.

Бир дарахтки, шамолларга ҳам  
Берар овоз, берар ажиб тил;  
Бир дарахтки, хаёлларга ҳам  
Ранг улашиб, қилар ям-яшил.

Тебранади менинг дарахтим,  
Мангу сўлмас боғларга ошно.  
Удир менинг илдизли тахтим,  
У сўз бўлиб эврилган дунё!

\* \* \*

Дунё кенг-у, кўпдир йўллари,  
Бир йўлдамиз, лекин, икковлон.  
Йўл бошида баҳор гуллари  
Имлаб турар бизни бахт томон.

Висол шавқин ёниб тотамиз,  
Бўрон турар ҳар бир мушакда.  
Икки қуёш бўлиб ётамиз  
Ой нур тўккан оппоқ тўшақда.

Тонгда сайраб уйғотар қушлар  
Бир жуфт қуш деб икковимизни.  
Қундуздаги совуқ товушлар  
Ўчиролмас оловимизни.

Тунда ёниб боқамиз тағин,  
Вужудимиз айланар кўзга.  
Яқинмизки, шу қадар яқин,  
Орамизда жой қолмас сўзга.



\* \* \*

Санчишади шоирга пичоқ  
Доим куракдан.  
Лекин ҳар сўз, ҳар битта ҳижо  
Чиқар юракдан.

Курак оғрир, қон томар оҳдан  
Қизаргудек ер.  
Юрак эса ҳар бир пичоқдан  
Ясар гўзал шеър.

## Чўптон

Бўлолмади “оқилу доно”,  
Ўтга отди аямай ўзни.  
Шон-шуҳратдан кўрди у авло  
Озодлик деб аталган сўзни.  
Синдиришгач гугурт чўпини,  
Умри билан ёқди гулханни  
Ва ҳилолга илиб дўппини,  
Чиқиб кетди юлдуз тергани.

\* \* \*

### Ёш шоир дўстимга

Сен чидагин барига, дўстим,  
Кўмир билан номинг ёзсалар, –  
Ўшанда ҳам оқ бўлиб ўсгин:  
Бизники, деб айтсин тозалар.

Даштлар билан қургин-у суҳбат,  
Дўст тутингин олис тоғларга  
Ва ачиниб қарагин фақат  
Тиним билмас чирилдоқларга.

Бил, Ҳақиқат қилгай тантана,  
Сохта шов-шув толгай оёқдан.  
Тақдир кетар излаб бошпана  
Ёлғизоёқ қадим сўқмоқдан.

Бил, хушомад, чучмал оҳ-воҳлар  
Бу сўқмоқда бир-бир босилар;  
Чирмовуқдек сурбет гуноҳлар  
Нақ белгача, ўраб, осилар.

Бу сўқмоққа сифмайди, билгин,  
Унвонлару обрўю бойлик:  
У ёқларда ҳаммаси текин,  
У ёқда йўқ мукофот, ойлик.

Кўзни очиб, қара оламга,  
Эҳтиёт бўл, тани осмонни:  
Навоийни туққан қаламга  
Юқтирмагин, шоир, ёлғонни!

\* \* \*

Эркин ҳаёт бўлиб ўртоғим,  
Мактабимдан чиқдим сафарга.  
Ўралишиб йўлга оёғим,  
Келиб қолдим азим шаҳарга.

Йиллар ўтди. Шоирман. Бироқ,  
Ҳар тун менга бўлади меҳмон  
Таржимаи ҳолдаги қишлоқ,  
Юлдузлари куйлаган осмон.



\* \* \*

Бир кун,  
Мен бош силкитмаганим учун  
Соянг билан жой талашиб,  
Дединг:  
«Тузимни единг,  
Лекин, дўстлик қилмадинг менга,  
Қўлламадинг!»  
Мен ўртаниб кетдим ўшанда.  
Шу-шу еган тузим  
Ичимни ўртаб юборар доим  
Кўзим сенга тушганда...

Жуда оғир экан туз емоқ...

\* \* \*

Ҳали бети қотмаган жувон  
Қизаргандек тунни кучоқлаб,  
Мен ийманиб қарайман бу он  
Ёт кўзгуга умримни боғлаб.

Бу ўғринча қараш тагида  
Айтилмаган азобли сўз бор;  
Кўзгудаги қиз этагида  
Нолойиқ ишқ яшар умидвор.


\* \* \*

Сур булутлар, кулранг кунлар  
Мижғийди кузни.  
Соғинамиз ойдин тунлар,  
Оқ тунлар, сизни.

Деразадан ташлаймиз кўз:  
Совуқ бир хилқат.  
Сен айтасан илиқ бир сўз, –  
Бошланар суҳбат.

Куз бағридан чиқар шу чоқ  
Биз кутган баҳор.  
Танни қучар таниш титроқ,  
Қучар номсиз зор.

Ишқ жомида тутиб бода,  
Жўш уради ҳис.  
Зерикарли бу дунёда  
Зерикмаймиз биз.



## Ёш бева ҳақида баллада

Жажжигина орзуни  
Солиб бешикка,  
Тебратади ёш жувон  
Қараб эшикка.

Сўнг бешикни кучоқлаб,  
Илинар кўзи...  
Ўнгими ёки туши, –  
Билмайди ўзи:

Кўкрак тутиб ёш бева  
Тагин бешикка,  
Ҳеч кимни кутмаса ҳам  
Қарар эшикка.

У билади кутгани  
Кирмайди энди,  
Чақалоғи отасин  
Кўрмайди энди.

Уруш йўқмиш, оталар  
Ўлмасмиш энди,  
Бу дунёда етимлар  
Бўлмасмиш энди.

Бешафқат эшик эса  
Очилмас сира;  
Тун ўтар, тонглар отар, –  
Ҳаммаси хира.

«Нега кўндинг кулбамга,  
Қанотли мотам?  
Ўғлим бир кун сўрар–ку,  
Қани, деб, отам.

Тагин улар биргамиш –  
Бахтли учовлон...  
Бешигини кучганча  
Жилмаяр жувон...

Ёруғлик қайлардадир  
Қабрда қолмиш...  
Жувон яшамай туриб,  
Яшашдан толмиш.

Қандай қилиб, айт, ахир,  
Дейман ўшанда:  
«Еб кўйган уруш деган  
Ёвуз кушанда!..»

Бироқ, уни уйғотар  
Яна ўнг дунё,  
Яна ўша сур эшик,  
Ўша тўнг дунё.

Хўрсинар-у, очликдан  
Айланар боши...  
Бошида «бева» деган  
Тегирмон тоши...

## Қитъалар

### 1. ҚИСҚАЧА ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Ё олис ёшлиқда, ё қариликда  
Бировнинг бошида тук бўлганим йўқ.  
Замонни ортмоқлаб қияю тикда,  
Ўзим замонага юк бўлганим йўқ.

### 2. БАЙРОН

Ҳар сўзи тарихни янгатган бир бонг, –  
Шундай улкан эди шоир қисмати!  
Бу қадар улуғвор Мангулик, не тонг,  
Замон деб аталган Вақтга сифмади.

### 3

Бир ёруғ фикрга жонини тикиб,  
Оқ қоғоз одамдан умр сўрайди  
Ва лекин одам-чи, – уни ўн букиб,  
Фикрни ғижимлаб, нарса ўрайди.

### 4

Қуш каби дарахтда яшагим келар,  
Мевалар оралаб, барглар оралаб.  
Ва лекин бу умр устимдан кулар,  
Тонгдан то шомгача қоғоз қоралаб.

### 5

Тошкентни соғиниб сокин ҳаётда,  
Хотирот юртини кезаман яёв.  
Умримни куйдириб, яшайди ёдда  
Гулханга сифмаган бир сиқим олов.

### 6

Муҳаррир, биродар, “ғамимни еб” сен:  
“Озгина пасайтир, – дейсан – овозни!”  
Ахир шу овозим янгрисин, деб мен  
Созлаган эдим-ку бир умр созни!



Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

# Кўпдир абдуллалар адабиётда

*Шоир – Абдулла Шер ижоди  
ва портретига чизилар*

Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов... Ўзбек адабиётида Абдулла исмли ижодкорларнинг ҳар бири ўзларининг қайтарилмас овозига, ўз ўрнига, ўз ўқувчисига эга бўлган ёзувчи, шоир, адиблардир. Улар ҳақида кўплаб китоблар, мақолалар ёзилган, асарлари тўғрисида эса тадқиқотлару тақризлар битилган. Улар миллий адабиётимизнинг намоёндалари сифатида бошланғич, ўрта ва олий мактаб дарсликларига киритилган

Мен адабиётда ҳам, ҳаётда ҳам Абдулла исмлиларга хос бўлган бир хислат ҳақида айтмоқчи эдим. Ана шу хислат бугунги кунда ўзбек шеърлятида ҳайқириб жавлон ураётган Абдулла исмли яна бир замондошимиз – яна бир ижодкорга диққатингизни қаратмоқчи эдим. Билмадим, Аллоҳ истеъдодни исмига қараб берадими, деган ҳаёлга ҳам борасан киши. Асарлари, умуман ижоди билан юқорида номлари қайд этилган ноёб истеъдод эгалари қаторида бўлиш осон бўлмаса керак.

Мен айтмоқчи бўлган Абдулла бу – шоир, олим ва атоқли муаллим ва замондошимиз Абдулла Шердир. Исм инсон табиатини, унинг феълу-атворини шакллантиради, деган гап бор. Шер сўзининг талқини маълум бўлишича, кўп маънони англатади. Ёзилиши турли бўлгани билан, айтилиши бир бўлган “шер” билан “шеър” сўзлари ўртасида яна битта маънога эга бўлган сўз, туншунча бор. У қалби жунбушга келиб, эҳтирос келганда, жаҳли чиққанда еру-кўкни ларзага келтирадиган жонзотлар дунёсининг подшоҳи саналмиш шердир. Абдулла Шер ана шундай шерюрак шоир, шерюрак инсонлардан. Тўғри, у катта эҳтиросга эга бўлган шоир эмасми, гоҳо мулойим, гоҳо камтар, гоҳо камсуқум бўлиб ҳам туради, лекин эса... гоҳи-гоҳида у исми жисмига монанд равишда, жонзотларнинг ҳақиқий подшоҳи бўлиб ҳам ҳайқиради.

*Агар ёриб юборса ҳам лабларингизни  
Ўз сўзингизнинг зарби,*

*“Ён!”, деб қичқиринг-у,  
чақинг гугуртни:*

*Сўнгра жиндек шабада беринг –  
Нафас олиб турсин шам-пилик,  
Нур умрининг олови бўлиб:*

*Мен шамдонман,  
Минг йиллик шамдон...*

Эркин шеър услубида битилган бу тўртликда, фикр, гоҳо, назокатлар билан бирга, фикримча, маъносини англаш қийин бўлган, мисраларга атайлаб сингдирилган қандайдир бир мавҳумлик, ноаниқлик ҳолати мавжудга ўхшайди. Шоир ким ҳақида, нима ҳақида гапиряпти, деган савол ўтади ҳаёлдан. Ёки, «Мен шамдонман», деб у балким жамиятнинг энг илғор ва фаол қисми бўлган зиёлилар: истеъдодлар, талантлар ва улар елкасига юклатилган зарворли юк, мажбурият, масъулият ҳақида гапирётгандир? Бу вазифа унга минг йиллар муқаддам юкланганлиги, бу эса – шоир, ижодкорнинг пешонасига битилган тақдири азал эканлиги ҳақида ва бу масъулиятни у кўнгилли бўлиб ўзи ўз ихтиёри билан ўз елкасига олганлиги ҳақида гапирмаяптимикиан? “Шам беринг менга” – дейди шоир. Тўғри, шамдон шамсиз булутлар ортида эс-эс ёришиб, кўпроқ қорайиб турган бу жумлаи жаҳонни ёрита олмайди. У шам сўраяпти, ёрдам, мадад сўраяпти. Зулматни ёритиш учун қўлда машъала тутиб ёруғлик сари чорламоқда. Ва бу зим-зиё дунёни ёритишда сизнинг ҳам, бизнинг ҳам, барчамизнинг иштирок этишимиз мажбурияти ҳақида гапирмаяптимикиан?

Шеърни қайта-қайта ўқиб, яна нега шоир ўзини шамдонга ўхшатапти, деган ҳаёлга борасан киши. “Шафқат қилинг, шам беринг менга”, – деб илтимос, ҳатто илтижо қиляпти ва айни бир пайтда бағрикенгликка чақиряпти. Ҳа, у сўнги йилларда инсоният кўз қорачигини қоплаётган пардани олиб ташлаб кўзни, дунёни

нурафшон қилмоқчи, олами ёритмоқчи, инсонда эса инсонийлик хусусиятларини уйғотишга, Аллоҳ берган бу ноёб хислатларни сақлаб қолишга чақиряпти.

Шу шеърни ўқидим-у бир фикр келди ёдимга.

Ҳа, шоир дегани – юрагини юлиб олиб боши узра кўтариб олов қилиб ёритаётган ўша машҳур афсонавий қахрамон – Данкодир, кўксини қузғунларга тутадиган Прометейдир. Мазкур шеърда, умуман ижодида Абдулла Шер ҳам ўзини аяётгани йўқ, хаста юрагидан мана ярим асрдан буён чор-атрофга ўт-олов пуркаб келмоқда. Ёдимда, дўстлик учрашувларимизнинг бирида тоққа чиққанимизда унинг юрак хуружи тутиб қолди. Ҳеч кимда на валидол, на карвалол, на бошқа бирон бир юрак оғриғи дориси топилди. Шунда, курсимиз сардори Миркарим ака Мирсовуровнинг таклифи билан тоғ ялпизлари баргларида дори тайёрлаб ичирган эдик. Шоирнинг онда-сонда тутиб турадиган юраги уни кўйиб юборди. У пайтларда ҳали талаба бўлган Абдулла Шерни ҳеч ким танимас эди. Демак, кимгадир керак бўлган бу шахс, унинг умри, келажаги. Шоир дегани соғлиғи, осойишталиғи, айрим пайтларда эса ҳатто жамиятнинг пасту баландлиғи билан ҳам ҳисоблашмас экан. Ўша шўро даврида тинчгина яшаса, мақтовлар, мадҳиялар ёзиб, тузуккина ижод ҳақи олиб умргузаронлик қилса ҳам бўларди-ку, деган хаёлга борасан, киши.

Лекин маддоҳ эмас, у – шоир! Ахир, “Агар сен ён-масанг, агар мен ёнмасам, ким ёритадаи бу қоронғу дунёни”, – деб айтган эмасми, буюк турк шоири Нозим Хикмат?

Абдулланинг “Мен шамдонман”, деб бошланадиган шеърида оддий ҳар қундагилик маиший турмуш масалаларидан ташқари бугунги ҳаёт, замонавий муаммолар, қарама-қаршилиқлар, дардлар, машаққатлар ўз аксини топган. Шоир оддий журналист ёки дейлик, сиёсий шарҳловчи, публицист ҳам эмаски, конкрет муаммоларни кўтариб, уларни ё шарҳласа ёки танқид остига олса. Йўқ, у шоир, у инсонда бўлган энг нозик ва энг қимматли аъзо бўлган – юрагини гаровга қўяди. Ҳа, юрак бу шоирлик касби, тақдирига қўйиладиган катта, ягона ва тенгсиз гаровдир. Балким, шундан бошқа ҳеч нарсаси йўқдир унинг? Шу сабабли қўйган бўлса керак гаровга ўзини?! Йўқ, шоирнинг ҳам у бу нарсаси борга ўхшайди.

*Менинг ўз аравам, ўз қўшиғим бор.  
Не тонг, ким ёшлиқда йўқотса эсин,  
Улғайган чоғида топмоғи душвор.  
Ишқ – тилсим, ишқ сирдир,  
сирни куйлайман,  
Сирларга ўралган ҳурни куйлайман.*

Жаҳон адабиётида “Гёте феномени”, деган тушунча мавжуд. Қариб қолган, ҳолдан тойган, бунинг устига ҳасталик устига ҳасталикка дучор бўлаётган ва энди кўпроқ фоний дунёни ўйлаётган буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте 74 ёшида тўсатдан Ульрика исмли ёш бир моҳитобонни яхши кўриб қолади. Шоир қалбида

бу навқирон қизга нисбатан ҳақиқий муҳаббат ҳислари пайдо бўлади. Шоир юрагида ниш урган эҳтирослардан энди у ўзини ҳам, соғлиғини ҳам, бола-чақасини ҳам унутиб қўяди. У шу жононанинг дардида ёниб, унинг асирига, қулига айланади.

*Умр машаққатларидан толаётган чоғим  
Кучу муҳаббат ато этди менга Худойим, – деб ёзади  
Гёте. (Русчадан таржима муаллифники).*

Муҳаббат эса шоирга ҳақиқатдан ҳам куч-қувват бағишлайди, уни ёшартиради. У соғаяди, ижодига қайтади. Яна буюк асарлар яратади. Ана шунда у ўзининг энг машҳур асарларидан “Мариенбад элегияси”ни ёзади. Шоир соғайиб, кучга тўлиб, яна анча йил умр кўрди. Ана шу муҳаббатнинг буюк ёшартириш куч-қудрати бўлган “Гёте феномени” немис классик адабиётининг шайдоси бўлган Абдулла Шерда ҳам, энди уни Абдулла ака деймизми, бобо Абдулло деймизми, 70 дан ошиб 80 га кетаётганида унинг қалбида худди ана шундай эҳтирослар жўш ура бошлайди. Биз буни унинг “Севилмаган менинг севгилим” деб номланган янги достонидан билиб оламиз. Меҳр-га-муҳаббатга тўла бу достонидан у шундай деб ёзади:

*Лекин яна бир бор, бир бора фақат  
Ярқ этди умримни ёритган олов,  
Қайтиб лабларимга оташин шиддат  
Илк бўса тафтини эслатди лов-лов.  
Улуғлик касб этди яна муҳаббат,  
Қалбимда бамисли муқаддас ялов.  
Мен бутун дунёни унутдим яна.*

Шоирнинг тақдири шунақа, у соғлиғини, узоқ-яқинини, бутун дунёни унутади-ю, лекин ўз эҳтиросига, муҳаббатига, муҳтарам ўқувчисига содиқ қолади. Ана шу ҳислар билан яшайди, ижод қилади.

Барибир биз шоҳимиз, гарчанд-ки тахтсиз, – дейди ҳам ғурур билан, ҳам арзу нола билан шеърларининг бирида шоир.

Фарб адабиёти, шеърятти шинавандаси Абдулла Шер шундай деб ёзади-ю лекин ҳақиқий ўзбек, асли мусул-



мон эътиқоидидаги ижодкор бўлганлиги сабаблими, яна ўз ҳолига қайтади. Ва:

*“Шу ёшда муҳаббат ҳақида дoston?!  
Ёшлардек оҳ урмоқ – ақлга қусур.  
Вақти эмасмикан энди мусулмон  
Тоат-ибодатдан изласа ҳузур?!”  
Шоиру ошиққа фарқи йўқ йилнинг,  
Улардир оламнинг ёшлиги, билинг! – деб ёзади.*

Абдулла Шерни XX асрнинг сўнгги XXI асрнинг дастлабки даври йирик шоирларидан бири деймиз, биз Абдулланинг ўтган асрнинг 60-йилларида дўстлашган ёру биродарлари. Уларнинг кўпчилиги шоир, ёзувчи, олим, журналистлардир. Бу даврда ҳаёт энди эркинлик, ошкоралик, демократик тараққиёт йўлига кирган эди. Биз ёш ижодкорлар халқимиз дилидаги орзу-умидларини, ана шу йўллардаги бизнинг сай-ҳаракатларимизга бўлган муносабатини, халқнинг тўсатдан пайдо бўлган қўллаб-қувватлаши, ёрдами, мададини сезар эдик ва унга гўё она-заминга таянгандек таянар эдик. Биз ҳали ҳаётнинг қинғир-қийшиқликларини билмайдиган тўғрисиўз, шартаки, чўрткесар, ўтган ўз даврининг ҳеч нарсадан тап тортмайдиган ёшларидан эдик. Ёлғон, бўҳтонни назар писанд қилмас эдик, кўрқув, ҳадиксираш нима эканлигини билмас эдик.

Лекин Абдуллани ўзининг инсоний, фуқаролик жасоратига биз ҳақиқатда қойил қолар эдик. Унинг университет талабаларига ўқиган маърузаларининг ноодатийлиги, фавқулодда бир ўткирлиги, ёрқинлиги, даҳлсизлиги, фалсафий мушоҳадаларга мўллиги тилларда дoston эди. Дорулфунун домлаларидан бири унинг маъруза ўқишини шундай таърифлайди: “Абдулла маъруза ўқиётганда аудиторияда учиб кетаётган пашша ҳам учишдан тўхтаб унга қулоқ тутарди, – дейди. У жасур инсон. Аллоҳдан ташқари ҳеч кимдан кўрқмасди. Йўқ, уни бетгачопар, шаккок, идора қилиб бўлмайдиган бир анархист деб ҳам бўлмас эди. У ҳаётда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни шоирона оташ қалби, нозик таъби, замонавий демократик ва эстетик диди билан англари, улар маъқул бўлса баралла олқишлар, ёки тит-питини чиқариб бешафқат танқид қилиб юборар эди. Буни у қардан олган деган ҳаёлларга борардик биз.

Абдулла Шер 60-йилларда совет аскарларининг Германияда хизмат қилган гуруҳида уч йил хизмат қилиб қайтиб Ўзбекистон Миллий Университетининг Журналистика факультетига ўқишга кирди. Оққува келган, истараси иссиқ, чингизқошли, қиёфаси шарқликларга қараганда кўпроқ оврўполикларга ўхшаш Абдуллага Аллоҳ хуш қадди-қоматни қанчалик аямаган бўлса, истъёдодни, жасоратни, дўсту биродарларига бўлган ҳурматни, меҳрни ҳам шунчалик берган эди.

Абдулланинг Германияда ўтган хизмати ҳам изсиз ўтгани йўқ. У буюк немис шоири Генрих Гейнени олмон тилидан тўғридан-тўғри ўзбек тилига таржима қилди. У буюк немис шоирида ўзини ҳам топди, деса бўлади. Эр-



кин Воҳидов буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте-нинг “Фауст” фалсафий трагедиясини, Абдулла Орипов Италиялик буюк шоир Данте Алигъерининг “Илоҳий комедия” поэтик энциклопедиясини қандай ўзбеклаштиришган (ўғирган, таржима қилган) бўлса, Абдулла Шер Генрих Гейне асарларини худди шундай ўзбеклаштирди. У Гейнени таржима қилгани йўқ, у Гейненинг шеърлари ва балладаларидаги фақат Гейнега хос бўлган кучли бадий воситалар: инсоний дардлар, ошиқона эҳтирослар, сурурий шиддат, латиф мутоибаларни гўзал шаклларда миллий адабиётимизга олиб кирди. У биз билган ва билмаган Гейнени ўзбек тилига Хенрих Хейне деб киритди ва совет давридаги анча руслашган, сиёсийлашган ўзбек адабиёти ҳам уни худди шундай қабул қилди. 1997 йили эса Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида Хенрих Хейненинг Абдулла Шер таржимасида “Ёшлик изтироблари” номли шеърлар тўплами чоп этилди.

*Бошимни тутаман доимо мағрур,  
Ҳеч қачон енгилмас ўжар идроким;  
Қиролнинг қошида туриб ҳаттоким,  
Кўзимни мен ерга олмайман бир қур.*

Шоирнинг яхши маънодаги ғурури, инсону ижодкор сифатида даҳлсизлиги бўйича, авваломбор, Хенрих Хейненинг ўзига тааллуқли бўлган юқоридаги бу мисраларда биз Абдулланинг ҳам феъли-атворини, табиатини, характерини кўрамиз. “Онам Фон Гелдери қизи Б.Хейнега” деб аталган бу шеърни Абдулланинг танлагани ҳам бежиз бўлмаса керак.

70 йиллар атрофида “балоғат” ёшида ёзган «Севилмаган менинг севгилим» лирик дostonининг биринчи қўшиғида шоир катта соғинч билан йўқотган биринчи муҳаббатини, ана шундан кейинги ўзининг тақдирини ифодалайди. Инсоний меҳр-муҳаббатда бахтини топа олмаган, ором ололмаган шоир бутун истъёдодини энди ижодга, шеърга, поэзияга бағишлайди. Севгилиси билан



биринчи бор учрашган Тошкентдаги Анҳор шоирнинг қалбида бир умрга муҳаббат маскани бўлиб қолади.

*Мен кузни ўйлайман, айниқса Анҳор,  
Унинг шиддатида қайтмас недир бор,  
Ташбеҳлар топадан ундан бетакрор  
Ва тақдир ҳақида ўйлайман шу чоқ,*

– деб туриб шоир кашфиёт даражасидаги образли бир фикрни ўртага ташлайди:

Биласанми, тақдир ўзи нимадир?

Пешонада сузган зирҳли кемадир. – деб хулоса чиқаради шоир.

Ҳа, пешонага битилгани тешиб ҳам, ёриб ҳам бўлмас илоҳий бир зирҳ билан ҳимояланган. Пешонага ёзилганининг бўлиши муқаррар. Уни ўзгартириб бўлмайди ва шоир буни лўнда қилиб оддий лекин жуда маъноли сўзлар билан қофияга солади. Буни бадий ва фалсафий кашфиёт, – дегинг келади.

Абдуллани мен рус шоирларидан Маяковскийга ҳам эмас, Есенинга ҳам эмас кўпроқ Александр Блокка қиёс қиламан. Блок жуда ўқимишли, ўта нозик табиатли, интизомли ва ўта софдил, айни бир пайтда ўзига қаттиқ талабчан, оққўнғил ва покиза шахс эди. Блок ҳам Петербург университетида талабаларга маъруза ўқирди. Бир куни Блок 2 пара – 4 соат лекция ўқийди ва талабалар сардори қўл қўйиш учун унинг олдида журнал кўтариб келганида, журналга 2 соат деб ёзиб қўяди. Шунда сардор: – Домла ахир сиз 4 соат маъруза ўқингиз-ку, нега 2 соат деб ёзиб қўйдингиз, – деганида, Блок: – Ахир талабаларнинг ярми дарсда йўқ эди-ку, – деб жавоб беради.

Абдулла Шер узоқ йиллар ўзи ўқиган Ўзбекистон Миллий Университетининг факультетлараро фалсафа факультетида этика ва эстетикадан дарс берди. Домликнинг ич-ичига кириб борди.

“Мен домламан” номли шеърида у жуда актуал масалани кўтаради, у шундай дейди:

*Мен домламан,  
Ҳам олимман, ҳам муаллимман.  
Дарс бераман, китоблар ёзаман,  
Муаллифман, ҳаммуаллифман,  
Қоғозни семиртириб, ўзим озаман,*

Ҳа ўнлаб шеърий, илмий, бадий-публицистик китоблар, маърузалар тўпламлари, дарсликлар ва бошқа асарлар яратган муаллифнинг гапи бу.

Қанча қийин бўлса ҳам, лекин тозаман(!) (ундовни биз қўйдик И.А.) – деб гапни давом эттиради у шеърида.

Абдулланинг бу мисраси ҳақида нима дейиш мумкин? Бу шеърнинг лирик қаҳрамони ўзини ўзи чизган шоирнинг автопортретидир ва ярим асрдан буён уни биладиган дўстлари қаторида ва ўзим ҳам талабаю магистрларга 10 йилдан зиёд дарс берган домла сифатида унинг бу гапларини тасдиқлайман, қўллаб-қувватлайман. Абдулла Шер ҳам тоза домла, ҳам шоир, ҳам олимдир.

Лекин шеърдаги бир мисрага диққат қилинг, шоир ўзининг тозалигига шубҳа қилмайди-ю, айни бир пайтда “Қанча қийин бўлса ҳам” деб қўшиб қўяди. Хўш бу билан у нима демоқчи? Бу олган иш ҳақи тушлиги-ю йўлкирасига зўрға етадиган маош олаётган домларнинг моддий аҳволдан дарак бераётимикан? Лекин шу ҳолда ҳам у тоза, бу тозаликни Аллоҳ олдида бўйнига олган олимнинг аччиқ ҳақиқат ва дил сўзлар бу!

*Тозаликни ўргатаман талабаларга  
Ҳалолликни ўргатаман ғалабаларга.*

*Одамликка ўргатаман одамни,  
Билсин дейман ранги бир хил эканини  
ҳамма соянинг.*

*Яшайман уларга бағримни очиб; ...*

Абдулла гапираётганда аудитория тинч бўлиб, қулоқ ошиши керак. У маъруза қилаётган пайтида ҳам ижод қилади. У оддий насрий баъний услубда эмас поэтик эҳтирос билан гапиради. Импровизация дейилади маъруза санъатида буни. Унинг нутқида ортиқча, бекор гаплар йўқ. Маърузада аудиторияда ўтирган одамнинг ўзи шу гапларни эштаётганидан, унинг шоҳиди бўлаётганидан, авваломбор, мазза қилади, лекин негадир хавотирда безовта бўлади, ҳайиқади, ҳаяжонга тушади. Шеърларининг бирида гапни давом эттириб у шундай дейди:

*Овозимдан ёлғоннинг юраги ёрилиб,  
Фаршга қорилиб,  
Типирчилаб ўлади.  
Ва синфхонамда яшар ёлғонсиз,  
Ёп-ёруғ осмон,  
Топ-тоза осмон,  
Улуғ осмон,  
Осмонларга андоза осмон –*

Бундай идеал, мукамал дунёни кўз олдинга келтириб, шундай маконда, бундай замонда ва айни шундай муҳитда қалбинг тўлиб-тўлиб нафас олгинг, яйраб-яйраб яшагинг келади.

*Талабаларга қанот бағишлаб,  
Учишни ўргатиб, парвозни олқишлаб.  
Мен шундай дарс бераман:  
Экаман, ўраман, тераман  
Ва китоблар ёзаман  
Қоғозни семиртириб, ўзим озаман.  
Қанча қийналмайин, лекин, тозаман.  
Мен домламан.*

Бу шеърда битта хато кўргандек бўлди. Унинг охирида нуқта эмас, ундов белгиси қўйилиши керак эди. Ана шунда Абдулланинг бу шеъри домларнинг гимни, мадҳияси даражасидаги шеърга айланиб кетган бўлар эди.

Абдулла Шер – Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский ва умуман ҳар бир ҳақиқий шоир каби катта файласуфдир. Бу унинг шеърлари, баллада ва дostonларидан уфуриб турибди. Шу сўзларни ёздим-у, ўйланиб қолдим. У нафақат файласуф, фалсафа бўйича ихтисослашган, юнон, рим, немис, инглиз файласуфларини чуқур ўрганган илмий асарлар, қатор дарсликлар ёзган етук олимдир. У ўзининг чуқур фалсафий қарашларида мураккаб ва нозик масалаларни кўтариб туриб, қутилмаган хулосаларга келиш, жиддий ҳукмлар чиқариш одати бор.

70 дан ошиб 80 га қараб кетаётган шоир ўзининг бугунги ёши ҳақида шундай ажойиб тасвирни яратади:

*Сеҳргар бир кимса ўлтириб Ойда,  
Ҳар тун қумуш сочар бошимга қараб:  
Мўйлаби – қиров-у, сочлари – қорман,  
Ва лекин баҳорий мавжларда борман...*

Курсдошларимизнинг қарийб барчаси 70 га тўлиб, ундан ҳам ошмоқда. Булар Абдулла ўз шеърларини бағишлаган: сиёсий ва фалсафа фанлари доктори Тўра Норбоев, филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммадали Қўшмоқов, бухоролик таниқли журналист ва жамоат арбоби Беҳбуд Жумаев, “қўли қўш, кўнгли бўш” нозик дидли шоирлар: Эргаш Муҳаммад, Саъдулла Аҳмад ва бошқалар. Лекин курсдошларимиз орасида кўриниши энг ёш сақланиб қолгани ҳам Абдулла бўлса керак. Кўпчилик учун жавоб бера олмайман-у, бу менинг гапим, айтгандек, унинг ўзи ҳам шундай деб ҳисоблайди. Бу ёшдан эмас, меҳрдан, муҳаббатдан, бағри кенгликдан бўлса керак. Абдулла билан университетда бирга ўқиган унинг курсдошлари мана қарийб ярим асрдан буён ҳар йили 25 апрель куни Республиканинг турли бурчакларидан Тошкентга келишиб учрашишади. Журналистика факультетида бирга ўқиган дўстлари билан, улар набира, эвара, чевара кўрган таниқли шоир, ёзувчи, журналист, ношир, олим, давлат ва жамоат арбоблари, кўпларини танийсизлар, ширин ёшлик, талабалик йилларини эслашади, дунёда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатларини билдириб, ижодий ютуқларини келажак режалари билан ўртоқлашадилар.

*Баъзан давраларда бирга бўлиб биз  
Дўстлик кечаларин нишонлар эдик:  
Курсдошлар дунёдан ўтмас деб изсиз,  
Садоқат, мардлиққа ишонар эдик.*

*Ёшлик-ку илоҳий бир ҳиммат экан,  
Энг буюк неъмат, бу – муҳаббат экан.*

Бу сатрларни ўқиб, шоир шоирлигича қолар экан, муҳаббатсиз, бу демак дардсиз, машаққатсиз шоир йўқ, – деган хулосага келасан киши.

Абдулла Рауф Парфини жуда ҳурмат қилади, ижодини, ҳаёт тарзини юрагига яқин олади. Абдулла Рауф



Парфига бир нечта шеър бағишлаган. Бири бундан қарийб 40 йил муқаддам, 1978 йили ёзилган эди. Унда шоирнинг дўсти ва ўзи ҳақида шундай сатрларни ўқиймиз:

*Сукунатдан учиб чиқамиз,  
Оқ тулпорда оппоқ кийиниб,  
Армонларни қучиб чиқамиз  
Маъюс кулиб, маъюс қувониб.*

*Бамисоли Лайлатулқадр,  
Ярим тунда оқиб ўтамиз;  
Биз – бесабр, уфқ бесабр:  
Оппоқ тонгга сингиб кетамиз...*

Қанчалик пурмаъно, пок орзую тилаклар, башоратлар бор бу мисраларда.

Шуниси қувончлики, Абдулла Шер кечроқ бўлса ҳам Ўзбекистоннинг биринчи Президенти фармони билан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди. Айтгандек, бунинг учун биз, унинг курсдошлари Республика ижодкорлар уюшмасига ҳам, бу таклифни қўллаб қувватлаган раҳбариятга ҳам, барчага чуқур миннатдорчилик билдириб, уни худди ўзимизнинг узоқ кутган мукофотимиздек қабул қилдик. Халқнинг олдидаги ҳам, ватанинг олдидаги ҳам қарзларингни уз, янада фаол ижод қил – Шер бўлиб шеър ёз, Шер! – деб курсдошларинг номидан.

# Муҳаммад Али

## дейдики...



\*\*\*

– Ижод, бу – ёзиш эмас, балки ўқишдир. Ёзиш эса ўқиш натижаси бўлмиш ижоднинг техник жараёни, холос.

\*\*\*

– Ижоднинг нақадар заҳмат, машаққатли иш эканлиги маълум. Шундай заҳмат чекиб яхши ёзувчи бўлиш осон, лекин яхши одам бўлиш қийин.

\*\*\*

– Яхши фикр туғилдими, ёзинг! “Кейинроқ ёзарман”, деган гап бўлмаслиги керак. Ҳар куннинг ўз ҳикмати, руҳияти бор. Эртага – бошқа фикр ва бошқа ғоя туғилади.

\*\*\*

– Ҳақиқий ёзувчи эътироф, унвон, мукофот, мансаб ва имтиёзлар учун курашмайди. Ёзувчи учун унинг асарлари “курашади”. Ижодкор учун энг юксак мукофот – ўқувчи эътиборини қозониш, ўқувчи кўнглидан жой олиш!

\*\*\*

Яхши китобнинг “оёғи” бўлади. Қўлдан-қўлга ўтиб, “юриб” кетаверади.

\*\*\*

– Бирорта нашриётга китобимни чоп эттиришини сўраб ариза ёзиш – мен учун жуда оғир иш. Нега, дейсизми? Вақт бекорга кетади-да.

\*\*\*

Шундай бир кун келадики, ёзган сўзингиз олтинга айланиши мумкин...

\*\*\*

– Чарчаш? – Нима у, чарчаш? – Ҳа, у билан бир неча йил бурун орамиздан “гап қочган”. Шу-шу қорасини кўрсатмайди...

\*\*\*

– Агар қаттиқ ишласанг, худди дам олгандек бўласан. Қандай қилиб, дейсизми? Қаттиқ меҳнат орқали кўзланган ният амалга ошса, елкангдан худди тоғ ағдарилгандек бўлади-да. Бундан ортиқ дам олиш борми?

\*\*\*

– Кечиримли бўлиш керак. Кек сақлаш, гина ва араз – оғир юк. Одам ўз-ўзини қийнаб, юрагида оғир юкни кўтариб юриши шартми?

\*\*\*

Устоз кашф этган янги “мақол”: “Меҳнат, меҳнатнинг таги – меҳнат”...

\*\*\*

Яхши ишлаганга иш кўп.

\*\*\*

Ҳазил – бу сизга ҳазил гап эмас. Ҳазил – бу жиддий нарса! (кулгу ва ҳазил кечасидаги гап)

\*\*\*

– Албатта, яхшилиқ қилиш керак. Лекин ўзи сўрамаган ва айниқса

яхшилигингизга муҳтож бўлмаган одамга яхшилиқ қилиш шартми? Ўзи сўраган ва муҳтож одамдан ҳеч қачон ёрдамнингизни аяманг...

\*\*\*

Айрим одамларга яхшилиқ қилсанг, кетидан “хафа бўлмадингизми?” деб сўраб қўйиш ҳам керак...

\*\*\*

Бир эзгу иш қилиб, бунинг эвазига нордон гап эшитмаслик ҳам мукофот.

\*\*\*

Кимларгадир ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлашга уриниб, беҳуда вақт ўтказманг. Жуда бўлмаса, “ҳа, сизнинг гапингиз ҳам тўғри бўлса керак. Узр, биз сал бошқачароқ ўйлабмиз”, деб қўя қолинг. Ўз ишингизда давом этаверинг.

\*\*\*

Муаммолар ва ноҳолис муносабатлар олдида зинҳор тушкунликка тушманг. Ишингизни доимо ҳалол ва сидқидилдан бажараверинг. Шундай бир кун келадики, Сиз ҳақингиздаги фикрлар, муносабатлар ҳам фавқулодда ижобий томонга ўзгаради. Янги кун билан яхши фикрлар туғилади. Бу шубҳасиз!

\*\*\*

Бировга малолнинг тушмай яшаш ҳам чин инсонийлик белгиларидан бири.

**Тўпловчи: Бахтиёр ҲАЙДАРОВ**



Ғайрат МАЖИД

## Хазонлар — кузакнинг муаззам арзи

### Эй, ой

Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен,  
 Етти қат самодан ўткизаман мен,  
 Энг ҳарир чоғларга еткизаман мен,  
 Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Кўнглимга ўт қўйган зўр оҳлар билан,  
 Энг нурли, энг тоза нигоҳлар билан,  
 Кўзларимдан оққан булоқлар билан,  
 Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Кафтимда турибди дунёи дунча,  
 Менинг дунёларга хушим йўқ унча,  
 Атиргул тикони бағрим тилгунча,  
 Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

Хазонлар — кузакнинг муаззам арзи,  
 Бу ҳам оламнинг бир кўриниш тарзи,  
 Фақат битта нарса юрагим фарзи,  
 Ой, сенинг доғингни кеткизаман мен.

### Юзма-юз

Дунё, менми, шундай нарғисдай жусса,  
 Яримта кўнглимда ўйларим бутун.  
 Эй, сен кўзларимни яшнатган ғусса,  
 Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Зумуррад бу тонглар кўзим оқидан,  
 Қароғим қорайди... қайдасан, бахтим.  
 Кунлар куйиб борар кўнглим оқидан,  
 Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Очилгинг келади сенинг ҳам. ғунча,  
 Нетай, олам кенгмас, ҳаво бунча дим,  
 Мен минг йил йиғлайман бир сўз айтгунча.  
 Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Оҳ, соғинч ёшлари кўзимда жиққа,  
 Жунжикиб кетади бу ҳисдан эгим  
 Мен энди келмайман, келмайман бошқа,  
 Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

Менми. ялпиздай ё, нарғисдай жусса,  
 Умидим — кўкларга элтгувчи шахдим.  
 Эй, сен, кўзларимни яшнатган ғусса,  
 Мен, ахир, бир келдим, бир марта келдим.

## Дадажон

Келмоқ ҳам, кетмоқ ҳам янги гапмасдир,  
Фақат бир мусибат ёмондан-ёмон.  
Қанча орзуларим бор эди, ахир,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Атрофим тўладир одамлар билан,  
Аммо мен кимсасиз яшаётган жон.  
Қолдим оламдаги бор ғамлар билан,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Дилга таваккулдан бергансиз сабоқ,  
Ичимда қолмаган заррача гумон.  
Фақат сизга муштоқ эканман, муштоқ,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Чопонингиз қучиб йиғлайман гоҳо,  
Дейман кимга керак бу қасру айвон.  
Бугун ҳамма нарса тайёр, муҳайё,  
Фақат сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Бу ғариб кўнгилни кўтармоқ қайда,  
Қанийди татиса бу давру даврон.  
Биламан, дунёси жуда ҳам майда,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Гоҳ ўғлим кўзида кўраман сизни,  
Ёки бу таскинми, дилга, Художон.  
Йўқотиб қўйибман йўлчи – юлдузни,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Онамнинг кўзида осмондайин дард,  
Менинг юрагимда бепоён армон.  
Сиздай пок иймон-ла яшамоғим шарт,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Қандай юпатмоқни билмайман, эй воҳ,  
Жоним – сингилларим, учта гул-райҳон.  
Бир нурли дуолар қалбимда, Аллоҳ,  
Энди сиз ёнимда йўқсиз, дадажон.

Янги уйларингиз муборак бўлсин,  
Ва жаннат боғидан бўлсин бир бўстон.  
Уйингиз қалбимга хуш дарак бўлсин,  
Қалбимдан ҳеч қачон кетманг, дадажон.

\*\*\*

Бу қандайин шаклсиз туйғу,  
Бу қандайин тушниксиз азоб.  
Бу қандайин сўроқ бўлдийкин,  
Бу қандайин жавобдир, Жавоб.

Бу қандай ранг, айтсанг-чи рассом,  
Бир товланса парча-парча кўк.  
Бу ким бўлди хоксор шунчалар,  
Англаб бўлмас даража Буюк.

Бу қандайин ҳаётбахш оҳанг,  
О, муғанний тўхтама бир дам.  
Осмон оқди, замин ҳам оқди,  
Оқиб кетди қўшилиб дил ҳам.

## Азизим

Сенга дунё керакми эди,  
Кўкламми ё сенга, азизим?  
Балки сенга сўзим керақдир,  
Балки сенга керақдир кўзим?

Йўқ, тортинма, ошкора айтгин,  
Мен ғамларга йўғрилган дунё.  
Муҳаббатнинг асириман-ку,  
Кўзларимни кўр қил илоё.

Кечалардан келмайди кечгим,  
Оҳ, тонгларнинг отиши ёмон.  
Осмон, сенга эгилмайман, йўқ,  
Кўзларимга чўккала, осмон.

Менинг ўзим биламан, тамом,  
Қай шаклда ичимга ташқим.  
Мен суймайман очилган гулни,  
Очилмаган гулларда ишқим.

Дунёмиди, айлансин сендан,  
Мана кўклам, сенга азизим.  
Ғам нимадир, танитай яша,  
Ҳамма ғамга етаман ўзим.



**Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ**

Райҳон опа ёлғиз яшайди, асраб олган боласи ҳам узоқ шаҳарга кетиб қолган. Райҳон опа кунини бозорга қатнаб ўтказди, оз-оздан харид қилади. Чунки... бир ўзи... битта картошка, битта пиёз, ярим пиёла гуруч ёки макарондан овқат қилади. Ундан ташқари яна бир одати бор, сўлиган сабзавотлардан овқат қилмайди. Бугун у “Фарҳод” бозорига борди, чунки бир кило-ярим кило оладиган харидор сотувчига ёқмайди, шунинг учун ҳар сафар ҳар хил бозорга боради. Бозор оралаб нарх-навони суриштириб юрди-да, картошка расталарида тўхтади. Картошкани ушлаб кўрди. Қўлига тўртта картошкани олди-да, тарозига қўйди.

– Синглим, шуни тортиб юборинг”.

Кўхликкина аёл Райҳон опага:

– Қанча оласиз?

– Шу етади.

Сотувчи шарт картошкани олиб жойига ташлади-да:

– Доналаб сотилмайди, – деди жаҳл билан.

– Унда бир кило қилиб бера қолинг, синглим.

– Эрталабдан бир кило, ярим кило сотсам, савдо яхши бўлмай-

ди. Кечгача доналаб ўтираман кейин.

Райҳон опа унинг ёнидаги сотувчига қаради.

– Сиз берақолинг бир кило картошка.

– Бошқа жойдан олақолинг, холажон, биринчи савдо қанақа сотилса, кечгача шунақа кетади.

– Мен ҳам бир пайтлар сизларга ўхшаб бозорда тирикчилик қилганман, бир киломи-ярим киломи, сотаверганман, аввало баракасини берсин. Озгина тарозига хиёнат қилганман.

Райҳон опа хомуш тортиб турганда, уч-тўрт сотувчидан наридаги эркак сотувчи опани чақириб қолди.

– Опажон, келинг буёққа.

Райҳон опа ўша томонга борди. Сотувчи беш-олти дона картошкани целлофан халтага солиб, тарозида тортмасдан узатди.

– Олинг, хола.

– Тортмайсизми, ука?!

– Тортиб нима қилдим хола, дуо қиласиз.

– Албатта дуо қиламан, лекин текинга олмайман. Худога шукр, ўзимга тўқман, фақат ёлғизман, бир ўзимга кўплик қилади. Туриб қолса эскириб қолади, ортиқча олиб нима қиламан?

– Айбга буюрмайсиз, бу... фарзандларингиз йўқми?

– Бир ўғлим бор, узоқ шаҳарда туради. Бир йилда бир келади. Келади-ю тезда қайтиб кетади. Келинимга қайнона, ўғлимга она, набираларимнинг бувижониси бўлиб яшашни орзу қилганман. Сизларга ўхшаб мен ҳам савдо қилганим ўша пайтлар харидорларни ранжитганим, уларни норози қилганим, рози-ризосиз топган пулим билан ўғлимни боқиб катта қилганим учун Яратганинг жазоси шекилли, фарзанд меҳрига зорман. Сотувчи бир он жимгина Райҳон холага тикилиб қолди.

– Шошманг-шошманг, сиз Райҳон опа эмасмисиз, мабодо.

Райҳон опа ялт этиб сотувчига қаради.

– Ие, Садиржонмисиз? Э буни қаранг, халиям шу ерда тирикчилик қиласизми?

– Ҳа, шу жойга ўрганиб қолганман, – у ўнг томонни кўрсатди, – мана шу жойда сиз ўтирардингиз. Эсингиздами?

– Ҳа, эсимда. Шунча пайдан бери бозорга келиб, сизни кўрмабман-а.

Шу пайт харидор келди, Садир харидор билан андармон бўлиб

# Тақдир

Ҳикоялар

қолди. Ҳалиям ўша-ўша ширин-сўз, оғир-босиқ муомала қилади. Бир зум Райҳон опанинг бозордаги ўтган кунлари кўз олдига келди, у хаёлан харидор билан савдолашарди. Олдида тўкилган картошка, сабзи, пиёз...

– Саралаб олманг, кимга сотаман қолганини... хоҳласангиз шу... Бир кило... Йўқ, сотмайман, ялинманг..., Э-э, нега бақирасан? Хоҳласанг, ол, хоҳламасанг, катта кўча... Виждон дейсан, виждон йўқ. Виждон сенда бўлса бўлди. Таққан бўйинбоғингга қара, олифта... Бир сўм устида тортишади, ўргилдим сендақа эркақдан...

– Нима? Ярим кило? Сотилмайди. Ярим килоям дейдими киши?

– Пулим ярим килога етади.

– Унда картошка емай кўяқолинг.

– Илтимос, опа!

– Қўйинг, ялинманг, раҳмимни келтириб. Ярим кило сотмайман...

Ҳой, қарғаманг, картошка меники, хоҳласам сотаман...

– Райҳон опа, Райҳон опа...

Садир опанинг хаёлини бўлди.

Райҳон хола бир сесканиб ўзидан нафратланиб кетди. Гўё ҳозир бўлиб ўтгандек хижолат тортди, мунгли кўзларида ёш милтиради.

– Ҳа, Садиржон ука.

Садир картошка солинган халтани узатди.

– Қанча бўлади?

– Пули керакмас, дедим-ку, дуо қилсангиз бўлди.

– Тиланчи эмасман-ку.

– Сизни ҳеч ким тиланчи дегани йўқ. Кўп йиллик қадрдонмиз, бирга савдо қилганмиз, ҳамма нарса пул билан ўлчанмайди-ку, опа, – кулади Садир ниманидир эслаб, – тилингиз ҳам, ўзингиз ҳам ботир эдингиз-да, арзон сотганим учун, эсингиздами, тарозининг палласи билан туширгандингиз.

Райҳон опа хўрсинди. Садир узатган картошкани олиб, уч минг сўм пулни раста устига қўйди. Садир икки мингини олиб, мингини қайтариб берди.

– Опажон, кўп бердингиз, картошкани нархи икки минг.

– Ўша-ўша арзончисан, лекин сенинг ишинг Яратганга маъқул. Харидорнинг пулини рози қилиб оласан. Виждонинг пок. Тинч ухлайсан. Мен-чи? Азобдаман, кўзларимдан уйқу қочади. Ўша пайтлар кўз олдимга келаверади. Ўз-ўзимдан жирканиб кетаман. Қанчалар тубанлашганимни эслаб, ўзимни лаънатлайман. На кечаси, на кундузи ҳаловат бор. Ҳалоллик билан яшаганга етмас экан. Одамлардан раҳмат эшитиб яшашга нима етсин! Хайр, омон бўл, ука!

Унинг гапини эшитганлар ачиниш билан орқасидан қараб ўзлари ҳам ўйга ботишди...

## Бозор

Тўрақул мактабни наридан бери битирди-ю, ўзини бозорга урди, бир амаллаб қассобга шогирд тушди, кўп ўтмай устозиданам ўтиб кетди, мустақил қассоб бўлиб олди. Бозордаги гўшт сотувчилар қаторидаги растадан устозининг жойига эга чиқди. Лаби-лабига тегмай: “Келинг, ака, гўштан олинг, гўштни зўри, додаси бизда, келаверинг”, дея нархини сўраган одамни қўйиб юбормай, саломлаша туриб қўлига гўштни тутқазади. “Қанақасидан керак? Ошгами, кабобгами, хоҳлаганингиздан қилиб бераман, ўзининг мижозимсиз, ачинмайсиз”, дея ёнидаги Болтабой қассоб ҳам қолишмайди.

– Ака, буни кўринг, гўшт деса-дегулик, эрталаб ўзим сўйиб олиб келяпман.

Харидор Тўрақул қассобнинг ёнига боради.

– Бир кило қовурға, бир кило лаҳм гўшт.

Болтабой харидорга қараб бақирди.

– Ака, тарозига қўйиб турибман-ку, қовурғали жойини ҳам, лаҳмни ҳам кўнглингиздагидек қилиб бердим, қаранг, гўштми-сан-гўшт.

Тўрақул Болтабойга ғазаб билан қаради.

– Бурнингни тиқаверма, хў-ўв Болта, бу киши азалдан “клиентим”, фақат мендан оладилар. Келинг, яхшимисиз, келинойим,

укаларим яхшими, яшанг амаки, каеридан берай?

Харидор кўрсатган гўшт орасига катта суяк қўйиб тортиб, целлофан халтага соларкан: “Келиб туринг, пулни бегона қилманг-а”, деди.

Харидор хурсанд бўлиб кетди. Болтабой тиржайиб Тўрақулга қаради.

– Хумпар, боппладинг-ку. Устозингдан ҳам ўтдинг.

– Жа-а, унчаликмас. Сенга ўхшаб харидор талашмайман. Буни савдо дейдилар.

Иккаласи ҳам харидор чақира кетишди.

Гумбаз ичра яна бақир-чақир, харидор талашивлар, тортишувлар кулоқни қоматга келтирадиган даражада шовқин.

Бу гумбаз остида хиёнат, қаллоблик, учарлик, муттаҳамлик, юзсизлик, виждонсизлик... Ҳаммасидан бор. Ҳаммаси авжида. Ҳаммаси гумбаз ичидаги ҳаётнинг мазмуни.

Тўрақулнинг олдига кекса бир нуроний аёл келиб кўлидаги сумкани растага қўйди.

– Болам, инсофинг борми? Уч кило гўштдан ярим кило урасанми, – у сумкани очди, – бунинг устига мана бу суякка қара, буни ит ҳам емайди-ку, худодан қўрқмайсанми, виждонсиз!

Тўрақул сумкани олиб тарозига қўйди.

– Қаранг. Тарози уч килони кўрсатади, Тўрақул кўлини пахса қилиб кампирга қаради.

– Кўрдингизми, бу давлатнинг тарозиси. Нимага тўхмат қиласиз? 50 грамм оғири билан, кап-катта аёл бўлиб тўхмат қилишингизни қаранг.

Кампир тарозига тикилиб қаради, елка қисди.

– Ҳозир анави ердаги тарозига кўйганимда 2,5 кило чиқди-ку?!

Тўрақул кампирнинг бўшашганини кўриб овозини баландлатди: Бу электрон тарози, холажон, давлат чиқарган. аёл хижолат тортиб, елка қисди.

– Қайси тўғри, қайси нотўғри, ким билсин, гуноҳи ҳам, савоби ҳам ўзларингизники, – гўштни олиб сумкага солди-да, “Кечиринг, болам”, деб, суякни қолдириб кетди.

Болтабой тиржайиб Тўрақулга қаради.

– Кампирни тузладинг, келганига пушаймон қилдирдинг, қассоб эмас, қаллобсан.

– Ўзинг-чи? Учига чиққани ўзинг-ку, нафсингга ўт тушгур. Кеча беш кило деб тўрт килони бериб юбординг-ку..

Кулади.

– Виждони бор одам бозорда ўтирадимми?

Кулишади. Уларнинг қаҳқаҳасини ҳам бозор шовқини ютиб юборади. Гумбаз ичра яна қассоб-



лар ва қаллоблар, виждонли-виждонсизларнинг харидор чақирувчи овозлари тинмайди.

– Гўшт эмас, шоколад оляпсиз...

– Гўштимсан-гўшт, оғзингизда эриб кетади...

– Тоза молнинг гўшти! Тозаси!..

Қайси бир жойда харидор билан қассоб ўртасидаги тортишув, қайси бир жойда бақир-чақир. Уларнинг қаршисидаги растада қассоб билан харидор ўртасида жанг бошланади. Харидорнинг ғазабидан лаблари титрайди, қўллари қалтирайди.

– Ҳой ноинсоф, виждонсиз, уялмайсанми ҳидланган гўштни сотишга?

– Бекор айтибсиз, бизда эски гўшт бўлмайди. Ҳар куни янги гўшт олиб келамиз. Тўхмат қилманг. Мана кўринг, – деб, гўштни кўрсатади.

– Қасам ичасанми “гўшт меники эмас” деб?

– Қасам ичаман, худо ҳаққи меники эмас бу эски гўшт. Буни мен сотмаганман.

Қассобнинг кўлида пичоқ.

– Мана, худо урсин бу гўшт

меники эмас, – деб кўлини пахса қилади.

Харидор унга ачиниш ва ҳайрат билан қаради.

– Худодан ҳам қўрқмасдан қасам ичдинг-а, арзимаган пулни деб, ҳали ҳам кеч эмас, тавба де.

– Боринг, йўлингиздан қолманг, гўштни олган ерингизга боринг, савдога халақит берманг?!

Харидор “гўштинг бошшингдан қолсин”, деб, гўштни раста устига отиб, жаҳл билан бурилиб кетди.

Қассоб целлофан халтани очиб, гўштга кўшиб сотган суякларни ажратди, гўштни олиб ҳидлади, сўнгра суякларни ҳидлади. Бўйин суякни кўлига олди ва шеригига кўрсатиб қолди.

– Хумпар, содда одам экан, мана шу суякни олиб ташласа, бўлди эди. Эҳ содда одамлар-а, “ничево” эллик минг фойдага қолди.

Яна “кепқолинг, опқолинг, бизда бор додаси” деган бақир-чақирлар.

Улардан сал нарида Баҳром қассоб гўштларни сотиб бўлиб, растани артиб тозалаб, уйига кетишга шайланди.



– Баҳром ака, жаа “клиентингиз” кўпда, бизга ҳам беринг имкон, – деди Тўракул.

– Харидорнинг ҳаққига хиёнат қилмай, халол ишласаларинг, тарозидан урмасдан, алдамасаларинг, харидор ўзи келаверади. Тош-тарозининг жавоби бор. Тўракул башарасини тириштириб, Болтабойга қараб гапирди.

– Яна бошланди лекция. Ўзи Баҳром ака шунча йил ишлаб битта машина минолмайди, яна гапини қара, ўргилдим сиздақа виждонлидан!

Баҳром уларнинг гапини эшитса ҳам эшитмаганга олиб, бозордан чиқиб кетди.

Бозорда қутилмаган воқеалар кўп бўлади, харидорнинг пулини олиш учун кимдир дўсти билан тортишади, кимдир харидорнинг дилини оғритади, баъзида харидор сотувчининг дилини оғритади.

Хуллас, бу бозор. Бозорда хиёнат ҳам, жанжал ҳам бўлади. Инсоф, виждон, ўғрию қаллоб ҳам бор. Сўкишда, уруш чиқаришда эркаклардан қолишмайдиган аёллар ҳам бор. Ҳеч эшитганмисиз аёлларнинг сўкишганини. Эшитмаган бўлсангиз бозорга боринг. Янги-янгисидан эшитасиз. Эркаклар йўлда қолиб кетишади. Ана сўкинишу мана сўкиниш. Э-э, уларнинг сўкинишидан эркаклар ҳам уялиб кетишади.

Туш пайти эди. Тўракулнинг тўғрисидаги растада шовқин-сурон, бақир-чақир бошланади. Бундай бақир-чақир, ёқавайрон жанжаллар одатга айланган. Одамлар не кўз билан кўрсинки, боягина

Оллоҳнинг номи билан қасам ичган қассобнинг чап кўзига учли суяк қадалиб турарди. У болта билан майдалаётганда кичик бир бўлаги учиб бориб кўзига қадалиб қолганди. Қассоб оғриққа дош беролмай дод соларди. Атрофига одамлар йиғилди, ҳеч ким суякни тортиб олишга журъат этолмасди. Биров “аҳтиётсизлик қилибди” деса, яна биров “қасам урган, эрталаб қасам ичган экан, хиёнат ёмон, хиёнат ўз кучини кўрсатди” деди. Қон билан ишлаган қассобнинг бутун бадани қонга беланди ва ҳушсиз йиқилди. Гумбаз остидаги бозор бирозгина тўхтади, сотувчи ҳам, харидор ҳам томошабинга айланди. Шифокорлар қассобни олиб кетишди.

Гумбаз остида бозор гўё ҳеч нарса бўлмагандек яна жонланди. Бу воқеа Тўракулга жудда қаттиқ таъсир қилди. Кўз ўнгида касалдан боши чиқмаётган қизалоғи гавдаланди. Қизининг кўзларида маъюслик гўё “Барига сиз сабабчисиз” деб таъна қилаётгандек эди.

– Гўшт неча пул?

– ...

– Гўшт неча пул, сиздан сўра-япман?

Тўракул уйқудан уйғонган одамдек алаҳсираб:

– А, нима? – деди.

Харидор унга хўмрайиб қаради.

– Эс-ҳушинг жойидами ўзи?

– Яхши, яхши, хизмат?

– Нархи қанча деяпман?

– Ҳа, гўштми? Йигирма беш минг.

– Йигирма уч мингга берасизми шўрвалик қилиб?

Тўракул бир килога мўлжаллаб тарозига гўшт қўйди. Харидор олган молидан хурсанд бўлиб раҳмат айтганча кетди. Тўракул этсиз суякларнинг ҳаммасини йиғиштириб, чиқинди идишига ташлаб келди.

Болта қассоб ҳайрон бўлиб Тўракулга қаради.

– Бу, дейман, ташлаб юбор-япсан?

– Кўрмадингми рўпарадаги қассобга нима бўлди, қарғишга учради. Балки уйдаги касал қизим харидорлар ҳаққига хиёнат қилаётганим учун тузалмаётгандир? Балки бу кўзимизни очишимиз учун яратганнинг иродасидир?

Болта қассоб бироз ўйланиб қолди-да, раста тагидаги итемас суякларни целлофан халтага солиб, чиқинди идишига ташлаб келди.

– Худди елкамдан тоғ ағдарилгандай енгил тортдим, – деди Болта.

– Асти қўяверинг, шундай енгил нафас оляпман... Ҳалоллик... барибир...

Тўракул мева-чева тўла бозор халта билан уйига кириб келди. Бақир-чақир ҳам қилмади. Бетоб ётган қизалоғининг ёнига борди. Қизи отасини кўриб ўрнидан турди. Чиройи очиқ, енгил нафас оларди. “Энди болаларимга фақат ҳалолидан едираман” хаёлидан ўтказди у.

У ҳақ эди. Бировнинг ҳаққи ёмон.





Муҳаммад ОЧИЛ

# Айтматовнинг «Акбара»си

*ёхуд биз бўри авлодига мансубми?!*

«Биз бўрига қариндош эдик...»  
Хол Муҳаммад Ҳасан,  
шоир

Ҳақиқатан ҳам бизнинг илк  
аждодимиз ким бўлган?!

Сизни билмадим-у, шу саволни  
каминага беришса, дарров шу ўрин-  
да атоқли адиб Адбулла Қаҳҳорнинг  
«Нафис адабиёт муаллими» берган  
жавоби киноямиз тарзда жарангла-  
гандай бўлади: «Маймуннинг жуни  
тўкилиб, одамга айланган. Бу ҳақда  
Дарвиннинг мўтабар фикри бор!»

Назаримда бошқа кўпчилик ҳам,  
мактабда миямизга сингдирилган  
ана шу «мўтабар фикр»да бўлса  
керак. Нима ҳам дердик. Ҳар ким-  
нинг таъби, хоҳиши...

Аммо, қадриятларимиз қайта  
қадр топиб, саҳифалари сарғайган  
кўҳна қўлёзмалар, мозийдан сўз  
очувчи китобларни мутолаа қилиш  
имкони туғилган бир пайтда, бошқа  
«башорат» ҳам гўё буй тортгандай:  
«Биз Бўри авлодига мансубмиз!»

Пешонангизда ажин бодрани ёки  
масхаромуз тарзда мийингизда  
кулиб қўйдингиз... Келинг, унда да-  
лилларга таяниб фикрлашга ижозат  
берасиз. Тартиб ва таомилга кўра,  
«Тарихчилар отаси» деб ном олган  
Геродотдан гап бошлай қолайлик.  
Биласиз, бу олим кичик Осиёдан

Марказий Осиёга сайру-саёҳат қи-  
либ, кўрган-кечирганларини (9 том-  
лик) китобат этган. Ана шу юнон му-  
аррихининг далолатига кўра: «Ҳар  
бир Скиф туғилган пайтда, дастлаб  
бир неча кун Бўри қиёфасида юрган.  
Сўнг одам қиёфасига кирган».

Бу фикрни ўша даврга мансуб  
орхеологик ёдгорликлар ҳам тас-  
диқлайди. Масалан, V-асрга оид  
бир суратда Скифлар ҳаёти шун-  
дай тарзда тасвирланган: «Супада  
соқолли яланғоч одам, унинг оёғи  
остида эса урғочи бўри...»

Қадим Чин (Хитой) манбаларида  
эса: «Марказий Осиёда қудратли  
давлат ҳисобланган Вэй империяси  
иккига бўлиниб кетгач, тарихда «Бўри  
авлодлари» деб ном олган туркийлар-  
нинг Ашин уруғи саҳнага чиққанди»  
дея маълумот берилади. Бу туркий  
уруғ бошқа қавмлари орасида ўзи-  
нинг жанговарлиги билан ажралиб  
турган. Унга мард ва жасур Ашин  
баҳодир сардорлик қилган. «Шин»  
сўзининг маъноси хитойчада «Бўри»  
дегани. Чинликлар «Шин»га ўзла-  
ридаги ҳурмат ифодаси бўлган «А»  
олд қўшимчасини қўшишиб «А-шин»  
(«А»-ҳурматли, мард) яъни «Мард  
бўри қавми» дея таърифлашган.

Академик А.Кононовнинг фикри-  
ча «Турк» сўзи ҳам аслида «Кучли,  
мустаҳкам» маъносини бераркан.

Кўплаб туркий қабилалар ҳақида  
манзил-макон айлаган «Тянь-Шань»  
тоқи атамаси ҳам хитойчадан ўги-  
рилганда «Тянь»-«Тангри», «Шань»-  
«Бўри» яъни «Тангри бўри» маъно-  
сини беришига нима дейсиз?!

Юсуф Хос Ҳожиб бобомизнинг  
«Қутадғу билиг» («Саодатга элтувчи  
билим») асарига қаламга олин-  
шича: «Туркий қабилалар тарихида  
илк давлат тузган Алп Эр Тўнға  
(Афросиёб) авлодлари учун Кўк  
Тангри (Эҳтимол, бу ўринда бўри  
назарда тутилгандир) илоҳий рамзи  
саналган».

Аждодларимизнинг ана шу  
тарздаги тотемик қарашларига тая-  
ниб фикр юритсак «Турк» ва «Бўри  
тушунчалари аксарият ҳолларда  
синоним тарзда қўлланилганлиги-  
га гувоҳ бўламиз. Хусусан, Хитой  
манбаларининг бирида: «Сяньбий  
(қадимий Муғулистон ҳудудида  
яшаган қabila) маликаси ўзининг  
туркий қавмга мансуб эри Шабо-  
лио ҳақида таъриф бераркан: У ўз  
хусусиятларига кўра Бўридир» –  
дейди». Туркий қабилаларга қарши  
қўлланиладиган «Низом»ларда эса  
ўша даврда: «Биз Бўриларга қарши  
ҳамла қила олишимиз лозим!» – дея  
уқтирилишларга нима дейсиз?!

Рухсатингиз билан, энди «Қадим  
замонлар»дан сал қуйироққа тушиб,



замондош олимлар фикрига қулоқ тутайлик.

Лев Гумилёв деган олимни кўпчилик яхши билади. XX асрнинг тан олинган энг зукко тарихчиси, элшунос олимларидан... Китобхон-муштарийлар учун бу олим хусусида қўшимча қизиқарли «факт»: – Лев Гумилёв ўз замонининг адабий муҳитида муносиб ном қозонган рус шоири Николай Гумилёв ҳамда ундан-да машхурроқ рус шоираси Анна Ахматоваларнинг фарзанди саналади.

Ана шу олимнинг олам-жаҳон шуҳрат келтирган, турли тилларга таржима қилинган «Қадимги турклар» деган машхур асари бор. Ушбу китобнинг «Аждодлар» дея номланган бобидаги қўйидаги «маълумотлар» киши диққатини беихтиёр ўзига тартади: «Ўз насабини билиш ва ўрганиш Марказий Осиё халқларида азалий бир удум эди (Рашидиддин) қизиғи шундаки, уларнинг аксарияти ўз насл-насабини у ёки бу жониворга бориб тақарди. Туркийлар бўлса Хун шаҳзодаси ва урғочи бўрини ўзлари учун насаб-боши ҳисоблардилар».

«Хунлар ким бўлди?!» деган саволга эса мухтасаргина жавоб: «Сакискит (скиф) туркларидан сўнг Марказий ва Ўрта Осиёда ана шу юқоридаги туркий тилда сўзлашувчи қабилалар ҳукмронлик қилишган. Улар кўк тангрига сифинишиб, Урхун алифбосидан фойдаланганлар».

Замондош олимларимиздан, филология фанлари доктори Насимхон Раҳмон ўзининг «Турк ҳоқонлиги» китобида мазкур мавзуга оид иккита ривоятни келтириб ўтади:

Улардан бирида ҳикоя қилинишича: «Ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боболари қўшни қабилалар томонидан қириб ташланади. Фақат ўн ёшли бола яшириниб жон сақлайди. Урғочи бўри болани топиб олгач, уни олис Олтой тоғларига бошлаб кетади. Тоғда бир ғор бор эди. Ғорда бўри ўнта бола туғади. Болаларининг отаси – ўша қутқарилган турк ўғлини эди...»

Мазкур ривоятдан, Олтой ҳудудидаги турклар ғарбий Хунлардан тўғридан-тўғри эмас, балки, бевосита бўридан тарқаган деган «хулоса» келиб чиқмоқда. Агар ғарбий Хунлар 486 йилда қувғин қилиниб, қириб ташлангани ва 545 йилда туркийларнинг халқ сифатида тарих саҳнасига чиқиши эътиборга олинса, кўпайиш ва авлодлар алмашилишидаги суръатнинг тезлигида мазкур «афсона»нинг қайсидир маънода ҳақиқатга яқин келиши кишини ажаблантиради.

Иккинчи ривоятнинг мазмуни ҳам айнан биринчисига монанд: «Туркий қабилаларнинг Олтой тоғи шимолида жойлашган Со салтанати бошлиғи Абунбунинг ўн еттита биродари бўлиб, улардан бири Ичасин Ишид, яъни «Бўри ўғли» деб юритиларди. Қабила байроғи ва дарвозалари пештоқида бўри калласининг олтин тасвири муҳрланганди. Бир сўз билан айтганда, бу туркийлар ҳам ўзларининг урғочи бўри авлодлари эканликларидан фахрланардилар».

Агар эътибор берган бўлсангиз, барча изоҳ-у қайдларимизда туркийларнинг дунёга келишида «Насаббоши» саналган Она-урғочи бўрига нисбатан алоҳида ҳурмат ва фахрланиш ҳисси мавжуд.

«Она» ва «Урғочи» атамаларига, алоҳида урғу бераётганимиз бежиз эмас. Сабабики, маълум бўлишича, қадим даврлардаёқ туркий қавмларда эркакларнинг оналарига, жуфтларига, опа-сингилларига ва қизларига бўлган ҳурмат нишонаси ва меҳр муносабатлари ўта ижобий кўринишда бўлган экан: «Ўғил уйга кирганда, аввал онасига, сўнг отасига салом бериб, таъзим қилган». (Н.Раҳмон

«Турк ҳоқонлиги»). Умуман олганда, эркаклар аёллар шаъни ва обрўсини ўзларидан-да юқорироқ қўйишган. Аёлларнинг мавқеи шу даражада юқори бўлганки, эркаклар ҳамма нарсага хотини орқали эришган. Масалан, ўзини «Она уруғи»дан ҳисоблаганлар катта ҳурмат ва эътиборга сазовор кўрган. Қабиладаги мавжуд қонун – аёллар, хотин-қизларни қатъий ўз муҳофазасига олган. Бу ҳолни шунда яққол кўриш мумкин. Масалан, бирор эркак аёлнинг номусига тажовуз қилса, унга қонунда ўлим жазоси белгиланган. Ёхуд, ўша номуси поймол қилинган қизга эркакнинг уйланиши шарт қилиб қўйилган.

Бу нисбатнинг мавзуга қандай алоқадорлиги бор дерсиз?! «Алоқадорлиги» шундаки, олимларнинг тадқиқот – кузатувлари ҳозирда шуни яққол кўрсатмоқдаки, жонзотлар орасида бўри бошқа аксарият ҳайвонларга нисбатан «Моногам» турмуш тарзига риоя қиларкан. Бошқача изоҳлаганда, бир умр ўз жуфти-модаси билангина яшаркан. Урғочиси кўзи ёриганда, нар бўри янада эҳтиёткор ва меҳрибон бўлиб қоларкан. Овга ўзи чиқаркан, ўлжа топиб келиб озиклантираркан ва «оиласи»ни хавф-хатардан ҳимоя қиларкан...

Фикримизни яна давом этказадиган бўлсак, қадим туркий қабилаларга мансуб манба-сопол парчасида шундай «сурат» муҳрланган: «Аёл кўлида ойна тутиб турибди. Унинг қаршисида – бир кўлида қамчи, иккинчисида май тутган, ярим бўри қиёфасидаги жангчи-эркак тиз чўкканча бош эгиб турибди». Тарих билимдонлари бу тасвирга: «Аёллик маъбудаси олдидаги ибодат» дея изоҳ беришмоқда. Ўрхон (ўрхунми?) алифбосида битилган «Ирқ битиги»да (муҳтарам олимимиз Азиз Қажумов бу битикка «Таъбирнома» дея жуда мос таъриф берганлар) ифода этилишича: «Аёл кўлидаги кўзгу – бу тақдир рамзи. Агар, бу кўзгу йўқолса, ёки шикастланса – бахтсизлик содир бўлади».

Эътиборли жиҳати, боболаримиз битган мазкур «Битиклар»да «Аёл»

таснифидан сўнг, яна айнан «Бўри»-га «таъриф» берилади:

Бой одамнинг қўйи хуркиб қочди,  
Бўрига дуч келиб қолди,  
Бўри эммоқчи бўлди,  
Аммо, қўй соғ-саломат қолди, деб,  
Шундай билинглари: Яхшидур бу!

(«Ирқ битиги». 27-қўшиқ)

Битикларда «Аёл», «Кўзгу»... га берилган «изоҳлар»дан сўнг «Бўри»нинг «Яхшилик аломати» эканлиги уқтирилаётганлигини англаш, менимча, китобхон-муштарийга унчалик қийинчилик туғдирмаса керак.

Қизиқ жиҳати, замонлар ортда қолса-да, жонзотлар орасида айнан бўрининг «нуфузини» бошқа ҳайвонларга нисбатан устун қўйиш, ҳатто, унга «сифиниш»дек урф-одатлар бизга «мерос» тариқасида сақланиб келинаётганлиги ҳам, айна ҳақиқат. Келинг, бу борада аввало, бўрининг нуфузи ҳақида далиллар келтирайлик. Ёзувчи Р.Киплингнинг «Маугли» киноси бизга болалиқдан таниш: «...Чангалзорда туйқусдан «Одам боласи» пайдо бўлади! Унинг келгуси тақдири энди ҳайвонлар чиқарадиган ҳукмга боғлиқ. Яна қандай ҳайвонлар денг – Айиқ, қоплон, шер... Аммо, баҳсда бошқа жонзотлар қолиб, бўри ҳукм чиқаради! Бошқа ҳайвонлар, ҳар қанча ҳайбатли бўлишмасин унга бўйсунди. Сабаби, бўри – тўда сардори, ҳайвонларнинг ўзлари ана шу «рутба»ни унга лозим кўришган. Вассалом!»

Бўри аввало, ориятлилиги билан бошқа ҳайвонлардан устун туради. Овчиларнинг изоҳича, тутқундаги бўри – очдан ўладики, қўлдан овқат емайди. Ўлимни мағрур-мардонавор кутиб олади. Кўп айтилган гап – томошахона, цирк кўрсатувларида «Ўрмон шоҳи» – Арслон ўзига бериладиган бир дона қанд эвазига оғзини очиб туради; оловли ҳалқадан сакрайди, ҳалқумига бош тиксангиз ҳам тишламайди, тўғрироғи тишлай олмайди...

Ҳатто, тоғ келбат фил ҳам ўй-натувчисининг қамчисини қарсиллатишига жўр оҳангда, оёқларини

осмонга озот кўтаради. Турли мураккаб машқларни «қулоқ қоқмай» бажаришга ҳам маҳкум...

Бошқа ҳайвон, дарранда-ю – паррандалар ҳам, барчалари инсон амрига бўйсунди. Аммо, бўригина бундан мустасно...

Бўрининг кучи, чаққон-чапдастлигига ҳам таъриф ожиз. Айғир отнинг думидан тортиб, белини узишга қодир. Ҳайбатли ҳўкизни ҳансирашиб йиқита олади. Унинг «Ув-в»ини эшитгандаёқ ханги эшак даҳшатнинг зўридан тезаклаб юборади. Шу боисдан, бежизга «Бўрида Азроилнинг бир туки бор!» дейишмайди. Ҳа, бўрига жасоратда шер ҳам йўлбарс ҳам бас келиши душвор. Халқ шоири Тура Сулаймон айтгандай.

Ўрмонда Шер билан Бўри олишар чоғ келди,

Кутурган селга қарши, осмон бўйи тоғ келди...

Бўрида бошқа кўп жонзотларда учрамайдиган тантилиқ, жўмардлиқ хислати ҳам бор. Чўпонларнинг тасдиғича: «Бўри ўзи макон қурган ҳудудда йиртқичлик қилмайди. Агар, унга, модаси ва бўриваччаларига зиён-заҳмат етказилмаса!» «Бўри ўз овулида ов қилмас» нақли ҳам шундан келиб чиққан бўлса, эҳтимол.

Қозоқ биродарларимизнинг киносида кўрганим бор: «Қувғинга учраган қозоқ кимса чўлда адашиб, ноҳос бўри инига тушиб қолади. Лекин, «хонадон соҳиблари» – бўрилар унга тегишмайди!»

Ана энди бўри билан боғлиқ айрим урф-одатлар хусусида тўхталайлик. Айтайлик, икки киши учраб қолса бир-биридан куйидаги тарзда ҳол-аҳвол сўрашади: «Бўримми, тулкими?!» «Бўри!» дея жавоб берса, демек ўша одамнинг иши ўнгидан келган, омади чопган саналади.

Ҳали-ҳамон «Бўри» деган номга ихлос қиладиганлар кўплаб топилади. Ана шу боис, ўғил болаларга: Бўрибой, Бойбўри, Элбўри... қиз фарзандларга эса: Бўрихол, Бўритой, Ойбўри... каби исмларни атай раво кўришади.

Аёл бефарзанд бўлса «тушовланган» бўрига «миндириб» олиш,

(бу хавф туғдирса) бўрининг тиши, тирноқларини тумор сифатида тақиб юриш удуми ҳамон тоғли ва дашт ҳудудларида яшовчиларда сақланиб қолган.

Мақоламиз муқаддимасида шеърдан «эпиграмма» келтирганмиз, Қашқадарёлик иқтидорли шоир Хол Муҳаммад Ҳасаннинг «Қадимий қўшиқ» китобига «Бўрини меҳмон қилиш» билан боғлиқ мана бу тоғликлар оdatига нима дейсиз:

«... Бола пайтим бобомга эргашиб чўпон қариндошимизникига борганмиз. Ярим тунда итларнинг хуриши-ю, молларнинг маърашидан уйғониб кетдим. Алламаҳал ўтгач, ётоққа қайтган чўпон бобомга қарата, секингина: «Ака келган эканлар!» деди.

– Яхши кузатдинларми, ишқилиб?! – сўради бобом.

– Ҳа, меҳмон улушини олиб кетди.

– Бинойи-бинойи ... Барака-барака...

Ҳеч нарсани тушунмаганлигим боис сўрадим.

– Бова, ким? Ким келибди?!

– ...

Бобомнинг жавоби, эртаси куни – уйга қайтишда бўлди.

– Қош қорайгандан сўнг унинг номи тутилмайди. Хурмат юзасидан «Ака» дейилади. Рўзи муқарраридан зиёдини яшайди. У бирни олса, Эгам ўн қилиб қайтариб, ўрнини тўлдирди. Барака, барака...»

Яна айтадиган бўлсак... «Етар, ҳалидан буён бу айтаётганларинг, қадим замонларда – тотемизм таъсирида пайдо бўлган эртақ-афсона... лар-ку?!» дейсизми?

Хўш, «Эртақ-афсона...» бўлса, нима бўпти! Мақсад-муддао ҳам бўрининг бизга «қариндошлиги»га урғу бериш эмас. Асл ният, аждодларимизнинг бугунги куни билангина эмас, балки ўтмишини хурмат-ла ёд олиш, эртанги кунига нисбатан некбин, ёруғ истакларда назар ташлаш, бунда ақл-заковатлари маҳсули бўлмиш «Эртақ-афсона...»лардан унумли фойдаланганликлари кўнгилда қалққанлиги боис ҳайрат ва хурмат туйғусини ҳавола



этиш. Қолаверса, эртақлар эврилган, афсоналар рўёбга чиқаётган даврда умргузаронлик қилмоқдамиз. «Учар гилам», «Ойнаи-жаҳон», «Сим-сим, очил!», «Сехрли қалпоқча»... бу «рўйхат»ни яна давом этказиш мумкин. Нима бўлганда ҳам ана шу гўзал эртақ, ёғдули афсоналаримиз... бўлмаганда, албатта, ҳаётимиз бир қадар ғариб ва нурсиз манзара касб этармиди?!

Айниқса, адабиётимиз – нақл, ривоят, эртақ-афсоналардан «куч олмаганда» бу қадар дурдона асарлар билан бойимаслиги ҳам турган гап эди.

Мавзудан биров четлашдик, чамаси... Айтмоқчи бўлганим, эртақ-афсоналарда бўлгани сингари – ҳайвонот ва наботот оламини инсонларга монанд «ақлли ва жонли куч» сифатида тасвирлаш анъанаси азалдан мавжуд адабий ҳодиса. Лев Толстойнинг «Холстомер»и, Жек Лондоннинг «Бўри»си, Эрнест Хемингуэйнинг «Чол ва денгиз»и, Сетон Томпсоннинг «Ҳайвонот оламини»ни қамраб олган асарлари...

Ким нима деса-десин-у, аммо, туркий адабиётда жониворларга инсоннинг қалб қиёфасини сингдиришда ХХ асрнинг забардаст адиби Чингиз Айтматовга тенглаша ола-

диганлар камдан-кам. Бу улкан сўз санъаткорининг «Момо Ер», «Оқ кема», «Эртақдан сўнг», «Алвидо, Гулсари», «Асрга татигулик кун», «Қиёмат» каби дурдона асарлари фикримизнинг яққол далилидир.

Мавзуга оид фикрларимизни қайта жонлантирадиган бўлсак, ёзувчининг машҳур романлари сирасига мансуб «Кунда» асарида икки образ – Акбара ва Тошчайнарлар шу даражада юксак маҳорат билан тасвирланганки, адиб ўз армон-андуҳларини, юрагида уфурган тўфонларини ана шу икки жонзот сийрати ва сувратига муҳрлаган. Бу бежизга эмас. Боиси, нафақат ижодда, балки ҳаётда ҳам Чингиз оға ўзини, айнан Бўри наслига «яқинлигини» очиқ-ошкор мулоқотларда, суҳбатларда исботлаган. Ҳайратингизга «сув сепиш» учун моҳир журналист Анвар Жўрабоевнинг ана шу машҳур адиб билан қилган суҳбати («Шарқ юлдузи» журнали. 1987 йил 7-сон)ни эътиборингизга ҳавола этсам.

... А.Жўрабоев: – Мени айниқса, «Кунда» романингиздаги бўрилар, Акбара ва Тошчайнарлар шунчалик таъсирлантирдик! Улар худди одамлардек туюлаверади, назаримда...

Чингиз Айтматов. – Бўри шўрлик ҳамма асарлар, айниқса замонавий эртақларда бизнинг ашаддий душманимиз сифатида тасвирланади. Реалистик адабиёт, менимча бўриларга бундай муносабатни кескин ўзгартириши ва уларга объектив равишда қараш лозим. Мен, бўрилар ҳақида ёзаётганда ана шуларга риоя қилдим. Ҳа, дарвоқе (кулади) буддийларда бир нақл бор: Унга кўра, ҳар бир одам қачонлардир қандайдир жонивор бўларкан. Аллаким, менга «Кунда»ни ўқигач: «Балки, сиз илгари бўри бўлгандирсиз?!» деб сўраб қолди. Балки...»

«Замонавий эртақлар» деганида адиб, эҳтимол, кўп сериялик «Сеними, шошмай тур!» («Ну погоди!») мультфильмини назарда тутгандир. Боиси, адабий гурунларда қулоққа чалинган гап: «Бўридек ақлли жониворни «эси паст» сифатида тасвирлагани, кўрқоқ қуёндан «азият» чектирганлиги учун Чингиз Айтматов ана шу «мультик» ижодкорлари – муаллифи Аркадий Хайт ва режиссёри Котёничкинни «судга бериш» пўписаси билан огоҳлантирган экан».

Яна бир гап: Ёзувчининг кабинети тўрида бўри тасвир этилган пат гилам осиглик, иш столида эса бўри ҳайкалчаси муқим тураркан...

«Кунда» нашр этилган дастлабки кунларда Москванинг «Останкино» телестудиясида Чингиз Айтматов билан ижодий мулоқот ташкил этилганди. Ана шу учрашувда ёзувчининг бир ҳаётини ҳикоятни келтириб ўтгани шууримда қолган: «Бу ёққа, телестудияга келаётиб, катта кўчада бир нотаниш аёлга рўбарў келдим. У йўлимни тўсиб, кўзларимга тик боқди ва «Мен – Акбараман!» – деди». Нима деб ўйлайсиз? Бу билан китобхон ёзувчига нима демоқчи бўлган? Асарингизни ўқигач, мен ҳам бўрига айландим демоқчимиз? Ёхуд, инсоннинг бўрига наслдош эканлигини ўзига хос тарзда далилламоқчимиз?! Ҳар ҳолда, қизиқ...

Қандай хулоса ясаш эса, муҳтарам муштарий, бу ёғи ўзингизга ҳавола...



Умарали НОРМАТОВ

## Устоз армони

Устоз Абдулла Қаҳҳорни билганлар, суҳбатини олганлар яхши эслашади: бу аллома давраларда кам гапирар, гапирганда эса ҳамиша образли қилиб сўзлар, гаплари ҳазил-мутуйиба, лутф, киноя-кесатиқлар, кескин истеҳзо билан йўғрилган бўларди. Унинг сўзлари ошқора донишмандлик, панд-насиҳатлардан холи, бироқ ҳамиша муҳим бир фикр, ҳодисаларга янгича қараши, образлилиги билан эса қоларди. Адибнинг турли учрашувларда, давраларда айтган айрим мулоҳазаларини, лутфларини сиз – азиз газетхонларга ҳавола қилмоқчиман.

60-йилларнинг бошлари, ёз фасли. Дўрмондаги мўъжазгина ижод уйида осойишта ҳаёт ҳукм сураб, хоналарда адиблар ижод билан банд, жумладан, Пиримқул Қодиров “Қора кўзлар” романи, Озод ака “Замон – қалб – поэзия” китоби устида ишлар, уларга ҳеч ким халал бермас, бинога яқинлашганлар секингина юрар, сўзлашганда овозини баландлатмас эдилар. Тушлик ва кечки дам олиш вақтларида эса сув бўйида, чинор остида мароқли суҳбатлар, ҳазил-мутуйибалар авжига минарди. Баъзан ошхўрликлар ҳам бўлиб турар, ҳадди сиққанлар ижод уйи-

нинг шундайгина биқинидаги боғ ҳовлида истиқомат қиладиган Абдулла акани даврага таклиф этишар, таъби суйса, бу одам келарди. Кунларнинг бирида шундай даврага Пиримқул Қодиров Абдулла акани таклиф қилди, устоз узр сўраб қандайдир тадбирда қатнашиши зарурлигини айтдилар. Ошхўрлик зўр ўтди, қиттак отилди ҳам. Қувноқ гурунг, ҳазил-мутуйибалар авжига чиққан пайтда, Абдулла ака келиб қолдилар. Салом-алиқдан сўнг оромкурсида ширакайф ва қувноқ ҳолда ўтирган Пиримқул акага қарата:

– Пиримқулнинг оёғи ерга тегмай қолганидан зиёфат зўр ўтганга ўхшайди, – дедилар. Даврада зўр қаҳқаҳа кўтарилди. Давра руҳига бундан ошириб баҳо бериш мумкин эмас эди. Одатда, зиёфатларда кам ичадиган, балки устоз адибга илк бор ширакайф ҳолда дуч келган Пиримқул ака устоз ҳазилидан қулоғигача қизариб, ажиб бир ҳолга тушди. Абдулла аканинг беназир лутфида Пиримқул аканинг ҳозирги ҳолатига, қолаверса, бўйи бастига нозик ишора бор эди.

Шундан сўнг танқид устида сўз кетди. Ўша кезлари танқидчиликда жавлон урган, минбарларни эгал-

лаб олиб бошқаларга сўз бермай узундан-узоқ тумтароқ нутқ ирод этадиган бир мунаққид ҳақида гап очиб, дедилар:

– Бу одам танқидчиликни фақат нутқ сўзлаш, оғизни очиб-ёпиш деб билади, шекилли. Мажлис-ларда унга разм солсам, залда гапирмай ўтирган пайтида ҳам оғзи очилиб-ёпилиб турар экан. Танқидчи айтмаса туролмайдиган, тингловчига зарур гапи бўлгандагина минбарга чиқиши керак-ку, ахир!

Сўнг танқидчининг бошқаларникига ўхшамайдиган ўз фикри, ўз сўзи, ифода тарзи бўлиши даркорлигини таъкидлаб: “Озод, мабодо китобинг эскириб бирор носфурушнинг қўлига тушиб қолса, у нос ўраб сотган варағига кўзи тушган одам қоғоздаги бирор жумлани ўқиб: “Бу Озоднинг сўзи-ку”, десин ва ўша варақни авайлаб олиб қўйсин”.

Ўшандай давралардан яна бирида мен илк бор Абдулла Қаҳҳорнинг оғзидан Нитше, Фрейд ҳақида илиқ, Маркс ҳақида эса танқидий гапларни эшитиб ҳайратда қолган эдим. Мана у кишининг айтган мулоҳазалари:

– Кўплар ҳаёт, инсон ҳақида фақат Маркснинг қарашини ҳақиқат деб билади. Нитше ва


Фрейдни ўқисанг, дунёда бошқача гаплар ҳам борлигига амин бўласан! Инсон табиати, руҳияти ғоят мураккаб. Унда нафс, яна кўп биз учун қоронғи бошқа ҳақиқатлар ҳам бор. Одам боласи дунёга келиб, ҳали кўзини очмай туриб онасининг кўкрагига ёпишади, “Бер!”, дейди. Маркс бўлса соқолини тўрвадай қилиб одам боласи табиати, майли билан ҳисоблашмай, ҳаммани тенглаштириб, ёппасига коммунизмга олиб бораман, деб юраверган экан...

Абдулла Қаҳҳор ўз ижоди, асарларининг танқидчиликдаги баҳоси, талқини устида сўз кетганда, айниқса, “Сароб” хусусида куюниб гапирар эди. Таржимаи ҳолида у шундай ёзган:

“Аввал Ўрта Осиё Давлат университетининг педагогика факультетида, ундан кейин Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида ўқиганимга, таржима ишлари билан қаттиқ машғул бўлганимга қарамай, “Сароб”ни тўрт йилда ёзиб тугатдим. Китоб республика конкурсига мукофотланди. Уни китобхон хуш қабул қилди, лекин баъзан арзон шуҳратпарастлик, баъзан сиёсий демагоглик, баъзан эса тўғридан-тўғри жаҳолат натижаси бўлган танқид найза кўтариб қарши олди. Бу нарса баъзи ҳолларда ҳатто фаросатли одамларни ҳам чалғитди”.

– “Сароб” ёзилган, у китоб ҳолида чиққан пайтлари, – деган эди адиб суҳбатларидан яна бирида, – сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди: демагог, жоҳил танқидчиларнинг бетиним тўқмоқлари туфайли романнинг иккинчи нашрига қадар сочимда бирорта ҳам қора тола қолмади.

Кейинроқ, 1965 йили бир даврада адиб “Сароб” романи муносабати билан берилган саволга: “Танқид шу пайтга қадар “Сароб”дан нуқул сиёсат излади. Романдаги одамларнинг дарди-дунёсини, оху зорини эшитадиган бир азамат топилмади”, дея жавоб қайтарган эди. Адибнинг



надомат билан айтган бу гапи узоқ вақт менга тинчлик бермай, “Сароб” персонажларининг дарди-дунёсини ёритадиган бир нарса ёзишга ундаб келди. 1990 йили “Шарқ юлдузи”да эълон этилган “Ҳаёт сабоқлари” мақоласида шу хусусдаги айрим мулоҳазаларимни изҳор этишга уриндим. Бироқ 90-йиллари “Сароб” теварагида кечган танқидий баҳс-мунозаралар таъсирида “Ҳақиқат тақозоси” сарлавҳали мақолада ўша фикримдан қайтганимни айтдим. Айтарга айтдим-у лаб тишлаб қолдим. Бунинг учун биринчи бўлиб Кибриё опадан дакки эшитдим. Сал фурсат ўтмай, тушимда Абдулла акани кўрибман. Бу одам ўзига хос нимтабассум ва истеҳзо билан: “Умарали, сен ҳам “Сароб”га қарши найза кўтарганлар қаторига ўтиб қолибсан-ку!”, дедилар. Бирдан уйғониб кетдим. Шундан кейин кўринг – кўнгилдаги қиёматни! Бир неча кунлар ўзимга келолмай юрдим. Ёзги таътил пайти “Сароб”га оид жамики адабиётларни жомадонга жойлаб Дўрмондаги Ёзувчилар боғига отландим. Кўп изланишлардан сўнг “Саидий жумбоғи” сарлавҳаси остидаги тадқиқотнинг режаси тайёр бўлди. Бу режа бўйича адабиётшунос Шуҳрат Ризаев билан маслаҳатлашдим. Шуҳрат

ниятим билан танишгач, “Сароб” ҳақидаги гап, барибир, охир-оқибат мафкура – сиёсатга бориб тақалмасмикан, деган хавотирини айтди... Иш яна чўзилди. Ниҳоят, аср ниҳоясига келиб, иш тайёр бўлди, ҳамкасабалар даврасида у ҳақда маъруза қилдим. Мақола “Жаҳон адабиёти”да “Мафкуравий тазйиқ ва истеъдод қудрати” сарлавҳаси остида эълон этилди. Мақола теварагида баҳс-мунозаралар бўляпти. Мазкур мақолани мен “Сароб” ҳақидаги барча қабул қилиши лозим бўлган ҳукм-хулоса деб даъво этишдан йироқман, балки уни йирик асарнинг яна бир талқини, танқидий версияси сифатида қабул қилишларини истардим...

Кишини мамнун этадиган жиҳат шундаки, озод мамлакатимизнинг янги озод авлоди маънавий қадриятларимизни, жумладан, кўпгина мураккаб адабий ҳодисалар қатори “Сароб” романини ҳам янгича идрок қилиб, ундаги одамларнинг дарди-дунёсини англаш, теран ҳис этиш йўлидан бораётирлар. Бир ёш тадқиқотчи қизимиз айти “Сароб”даги одамларнинг дарди-дунёси ифодаси, талқини устидаги тадқиқотини якунлаш арафасида. Ниҳоят, бугунга келиб устознинг армони ушалса, ажаб эмас.

2002 йил



**Мархабо ҚЎҚОРОВА,**  
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти  
ва фольклори институти  
филология фанлари номзоди

# Абдулла Қаҳҳор

## архивидаги ўғли Пўлатнинг мактублари ҳақида

Халқимизнинг сеvimли ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор уй-музейида адибнинг қўлёзмалари, ҳужжатлари, бой ижодий кутубхонаси ва кўпдан-кўп экспонатлар мемуар ашёлар сифатида сақланади. Шу мўтабар экспонатлар, ҳужжатлар ва қўлёзмалар орасидан Абдулла Қаҳҳор адресатига ёзилган икки мактуб ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу икки мактуб ёзувчининг биринчи турмушидан туғилган ўғли Пўлат томонидан ёзилган хатлардир.

Адиб уй-музейида адиб адресатига ёзилган юзлаб мактублар сақланмоқда. Шу билан бирга саноқли бўлса-да, адиб дасхати билан ёзилган хатларнинг қоралама вариантлари мавжуд. Мухлислар учун доимо машҳур шахсларнинг оилавий ҳаёти, хотини, болалари ҳақидаги маълумотларни эшитиш, ўқиш мароқли, назаримизда. Афсуски, Абдулла Қаҳҳорнинг оилавий ҳаёти бошқа кўпгина ижодкорларники сингари тўла-тўқис эмас. Сабаби Абдулла Қаҳҳор биринчи оиласи билан тиниб-тинчиб кетмагач, иккинчи қайта турмуш қуришга мажбур бўлади. 1945 йил таржимон, ҳарбий журналист Кибриё Қаҳҳоровага уйланади. Абдулла Қаҳҳор Кибриё опа билан танишган 12 апрель санаси қону-

ний никоҳдан ўтиш чоғида никоҳ гувоҳномасига қайд этилади. Улар “чорак аср”, яъни йигирма беш йил ёнма-ён, елкама-елка яшашди. Афсуски, уларнинг фарзанди бўлмайди. Кейинчалик Кибриё Қаҳҳорова адиб вафотидан сўнг “Чорак аср ҳамнафас” хотира китобини ёзди.

Адибнинг миллати татар бўлган аёлдан туғилган икки ўғли Пўлат ва Суяр онаси билан бирга кетишади. Улар ҳам узоқ умр кўришмайди. Улар 37-38 ёшида бири заҳарланиб, иккинчиси бахтсиз тасодиф туфайли (иккинчи қаватдан йиқилиб тушади) вафот этади. Адиб уй-музейида Абдулла Қаҳҳорнинг икки ўғли ва биринчи аёли, отасининг суратлари сақланмаган. Бу, албатта, ҳайрон қоларлик иш... Нега улар сақланмаган. Ёки бу суратлар атайлаб кимдир томонидан йўқ қилинганмикан, деган хаёлларни олиб келади. Қўқон шаҳрида жойлашган Адабиёт музейига борганимизда, Абдулла Қаҳҳорнинг икки ўғли билан тушган суратини кўриб, ҳаяжонланиб кетдик. Шу суратни телефонга тушириб олиб келдик. Ниҳоят битта ашёвий далил топилди. Бизнинг билишимизча, Абдулла Қаҳҳор гарчанд биринчи оиласидан қонунан ажралиб кет-

ган бўлса-да, ўғилларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. Масалан, биз ҳозир эътиборингизга ҳавола этмоқчи бўлган Пўлатнинг Москвадан жўнатилган куйидаги мактуби фикримизни тасдиқлайди.

Адиб архивида ўғли Пўлатдан келган учта хатнинг оригинали сақланган. Улар рус тилида, авторучкада ёзилган. Тубандаги хат 31 март, 1950 йилда ёзилган. Унинг матнини яхшиси ўзингиз ўқиб олинг, биз хатни ўзбекчалаштириб бераёلمиз:

“31.3.50.

*Салом ҳурматли дада!*

*Мен сenga пулларим йўқолгани ҳақида ёзганимга кўп бўлмади. Бу кўнгилсиз воқеа ҳақида шошилиб ёзганим учун жудаям афсусдаман, кечагина мен у пулларни жамодонимнинг чехоли остидан топиб олдим. Шу кўнгилсизлик туфайли ижарадан чиқиб кетдим. Бу ерда яшаш жонимга тегиб кетди. Кейинги пайтларда бу ногирон киши мен билан ҳар куни жанжаллашадиган одат чиқарди. У дам-бадам ичади ва менинг пальтомни кийиб туриш учун сўрайди, чунки ўзининг кийишга пальтоси йўқ. Албатта, мен унга пальтомни бермайман, чунки буни истамайман. Шунинг учун у жаҳл устида*



нарсаларни отади, идишларни синдиради, менга шу дақиқадан бошлаб, бу ердан йўқол, деб пўписа қилади. Мана охири жанжалимиз шундай бўлди. Мен пулимни тополмай, “Сен менинг пулларимни кўрмадингми?” – деб сўрадим. Шу заҳотиёқ у бошлади, “Сен мени ўғри деб ўйлаяпсанми? Тур, чиқ йўқол уйимдан... Нарсаларингни йиғиштир ва туёғингни шиқиллат”, – деди. У менинг кроватим ва буюмларимни кўчага улоқтирди. Шундай қилиб мен униқидан кетдим. Ҳозир мен бир қўшнимизниқидан яшайман. Албатта, бошқа ижара уй топишим керак. У билан умуман кўришмаяпман ва гаплашмаяпман. Ҳозир кўнглим хотиржам тортиб қолди.

Ўйлайманки, униқидан кетиб, жуда тўғри иш қилдим. Умуман, у менга тинчлик бермасди. Худди бугунгидек, ўлгудек ичарди. Илтимос, сен хавотир олма. Мен айтган адресга хат ёз. Ҳаммаси яхши.

Бобом ва Кибриё холамга саломимни етказ.

Ўйиб қолувчи Пўлат<sup>1</sup>.

Адибнинг ўғли Пўлат Москвада таълим олаётган пайтида, ижара уйдаги кўнглисиз воқеани хат

1 КП. №2702. хужжат

орқали отасига маълум қилади. “Ўғирлатдим” – деб ўйлаган пулини жомадони ичидан топиб олганлиги, ичкиликка муккасидан кетган уй эгасининг қилиқлари ҳақида қайғуриб ёзган. Эътибор беринг, Пўлат Кибриё Қаҳҳоровани “холам” деб тилга оляпти. Демак, Кибриё Қаҳҳорова ёзувчининг икки ўғлига яхши муносабатда бўлган. Ҳатто улар бобоси билан ҳам илиқ муносабатда бўлишган экан. Абдуқаҳҳор ака умрининг охиригача ўғли Абдулла Қаҳҳор билан унинг уйда бирга яшаган.

Иккинчи мактуб уй-музейда КП №2167 рақами билан сақланади. Бу хат дафтар варағига ёзилмаган. Уруш йилларида ёзилган бўлиб, тиббиёт варақасининг орқа томонига ёзилган. Шу ўринда эслатмоқчимиз. Абдулла Қаҳҳорнинг биринчи аёли Зайнаб опа ҳамшира бўлган. Назаримизда, онасининг тиббиёт варақаларидан фойдаланиб, ака-ука Пўлат ва Суяр қисқа шаклда отасига хат ёзган. Унда шундай дейилади: “Салом дада Сизга саломлар йўловчи Пўлат ва Суяр.

Дада мен киноаппаратим бўлишини истайман. У 159 сўм туради.

Таътил бошланмасидан олдин олиб беринг. Каникул 20 майдан бошланади, бизга уч ой таътил беришяпти. Илтимос киноаппарат олиб беринг.”

Бу хат 1945 йилда ёзилган. Уруш кетаётган бир паллада эркактой ўғилларнинг отасидан киноаппарат сотиб олиб беришини сўраши бироз эриш туюлади, кишига. Аммо болаларнинг ҳали жуда ёш бола эканлигини эсга олсак, буни тушунса бўлади.

Адиб вафотидан сўнг икки кундош Зайнаб ва Кибриё Қаҳҳорова ёзувчидан қолган мол-мулк устида судлашади. Бу суд ҳужжатларининг нусхаларини мен бир куни уй-музейда ўтириб танишиб чиққан эдим. Афсуски, бу ҳужжатларни иккинчи қайта ўқиш, кўриш бахтига муяссар бўлмадим. Эсимда қолгани, унда Кибриё Қаҳҳорова мол-мулкка даввогарлик қилаётган душман томонга адиб тириклик пайтида, бемор ётган пайтида бирортаси келиб, хабар олмагани ҳақида айтган. Шунингдек, ёзувчининг соғ пайтида ҳам, касал пайтида ҳам Кибриё опа ҳам рафиқа, ҳам ошпаз, ҳам котиба, ҳам ҳамшира бўлиб хизмат этганини суд мажлисларида айтган. Билишимизча, суд ҳукми ҳам Кибриё Қаҳҳорова истаганидек, ҳал бўлган.

Адабиётшуносларимиз Абдулла Қаҳҳорни “мураккаб шахс” дейишади. Унинг “мураккаблиги” эҳтимол, оилавий ҳаётда тўқис бўлиб бахтиёр яшай олмаганлигидадир. Афсуски, XX аср ўзбек адабиётини роман, қисса, ҳикоя, комедия, фелетон, публицистик мақолалар ва суҳбатлари ва нутқлари, мактублари билан мазмунан бойитган Катта ёзувчидан фарзанд қолмади. Бори ҳам эрта хазон бўлди. Улардан туғилган неваралар эса руслашиб, ўз авлодидан узоқлашиб, йўқ бўлиб кетди. Эҳтимол, Абдулла Қаҳҳорнинг энг катта фожеаси ҳам шундадир...



А. Қаҳҳор фарзандлари билан.  
А. Қаҳҳор с. сьновьями.



Тўлқин ХАЙИТ

## “Буроқ водийси” даги сирлар

Мен узоқ йиллар – қарийб 26 йил давомида шу асар устида бош қотирдим, уни сиз азизларга етказиш иштиёқи мени бир лаҳза бўлса-да, тинч қўймади.

Китобни ёзиш жараёнида ўзим ҳам жуда кўп ҳақиқатларнинг гувоҳи бўлдим. Сирасини айтганда, чиндан ҳам қалбим янада мунавварлашди. Тирикликка бўлган қарашларим тамом ўзгариб, бир ҳузурбахш руҳиятни, оромни ҳам топгандек бўлдим. Буларни очик ёзаётганимни тўғри тушунасиз, деган умиддаман.

Тўғриси, аввал бошида, бу китобни ёзолмасам керак, деган шубҳа ҳам бор эди. Чунки бир томондан, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари уммонида жавлон уриш, унинг ҳар бир мавжи, тўлқинини, минг сирларга тўла осмонини, бепоён сарҳадларини тушуниб етиш, англаш жуда мушкул иш бўлса, иккинчи томондан, улуғларнинг ҳаётини қалам билан нақшлаш бир оз нозик, бир оз хавфли иш. Лекин Шоҳи Нақшбанд ҳазратларининг ҳаёт йўли бугун ҳар биримиз, айниқса, етишиб келаётган янги авлод, ёшларимиз учун катта ибрат мактаби экан, бу зот ҳақида элимизга бадиий асар ёзиб бермаслик ҳам инсофдан эмас.

Хуш, мазкур асарнинг юзага келишига нима тўртки бўлган эди?

Ҳеч эсимдан чиқмайди, 1987 йилнинг 1 ноябрь куни эди. У пайтларда мен газета ходими эдим. Бош муҳаррир ўринбосари ҳузурига чақириб: “Бугун соат тўртда Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича самолётда учасиз. Сизни Садриддин Салим Бухороий кутиб олади. Баҳоуддин Нақшбанд қишлоғига икки нарсоний келган, улар ҳақида мақола тайёрлаб келишингиз керак!” деган топшириқ берди. Унутилган ўтмишимизнинг бир зарраси ҳақида халқимизга маълумот бериш, ҳақиқатан, жуда шарафли ҳамда муҳим иш эди. Чунки шўро мустамлакаси даврида буюк аждодларимиз ҳақида чўпчаклардан бошқа нарсани билмас эдик. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари тўғрисида ҳам бор ҳақиқат унутилган эди. Шу ваздан бундай топшириқни ўзим учун шараф, деб қабул қилдим. Ўша заҳоти уйга бориб, бола-чақамни огоҳлантириб, аэропортга шошилдим. Бухорои шарифда, худди айтилгандек, мени Салим Бухороий қарши олди. Даставвал, ҳазрат мангу қўним топган зиёратгоҳга бордик. Чор-атроф бетартиб, масжид тамом вайрона ҳолга келган, томлари ўпирилиб, очилиб қолган, ёғочлар аниқ кўзга ташланади. Энг ачинганим, қабр тошлари девор остларида пойдевор ўрнида ишлатилган эди.

Зиёратдан сўнг йўлда икки нарсонийни учратдик. Уларнинг билимлари мени лол қолдирди. Бу пайтда ҳали қизил салтанат отини қамчилаб турган совуқ йиллар эди. Эртага нима бўлишини ҳеч ким билмасди. Хуллас, мен топшириқни бажариб, Тошкентга қайтдим. Олти ойда мақолани тайёрлаб, таҳририятга топширдим. Тезда босилса керак, деб ўйлаган эдим, тахминим тўғри чиқмади. Чоп-чоплар бошланди. Ўқрайган башаралар олдида қотиб тураман, бир хил савол беришади. “Шу сизга керакми?!” Керак, дейман ичимда, лекин сиртимга чиқаролмайман. Шу билан орадан икки йил ўтиб, “юқори”дан илиқ шабадалар эса бошлагач, мақола ҳам ёруғлик юзини кўрди.

Мустақилликдан сўнг Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 1993 йилнинг сентябрида Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақида Фармони эълон қилинди. Мамлакатимиз илм-фанида янги саҳифа очилиб, нақшбандшунослик жадал ривожлана бошлади. Шу йиллар ичида мен ҳам ниятимни амалга ошириш ишқида яшадим. Янада муҳими, қай йўсинда Шоҳи Нақшбанд жаноблари шу даражада буюкликка эришдилар. Бунинг сири нимада? Нега бу инсон синиқ кўза-ю, битта бўйра, эски же-

лақдан бошқа нарсани ихтиёр этмай оддийгина яшаб, Ҳақнинг шунчалик марҳаматига сазовор бўлдилар?! деган ўйлар қаршисида ҳайрон эдим. Авлиё бувамининг ҳар бир нафаслари, қадамлари, ҳаракатлари ҳақида минг бир ўй билан, эҳтиёт-корона қалам тебратар эканман, ана шулар ҳақида ўйладим. Баъзан “биз қалбимизни жуда кўп ялтироқ туйғулардан озод этишни ўйламабмиз, жуда кўп маънилардан кеч қолибмиз”, деган ўқинч юрагимни тирнаб ўтганини ҳам яширмайман.

Хуш, бу асарни қандай ёзишим ва уни қай услубда поёнига етказишим керак эди? Радий Фиш “Жалолиддин Румий” да, Ёвдат Илёсов “Илон авровчи” асарида қўллаган услублар ўзига хос, аммо Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ҳаёт моҳияти бу услублар қолипига сикмас эди. Нима қилсам, қайси йўлдан борсам, деган ўйловлар гирдобидан неча беш йиллар бошим қотди. Бошқа томони, ҳали Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари ҳаётининг ўрганилмаган жиҳатлари жуда кўп. Уларни ҳар томонлама, чуқур билмасдан туриб, асарга қўл уриб бўлмас эди. Бир мисол келтирай: жуда кўп муаллифлар Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган Халил ота ҳақида бир хилдаги маълумотлар билан чекланиб қолмоқда эдилар. Ўқувчига эса аниқ маълумот керак. Уни Амир Темурнинг невараси Халил Султон билан адаштирганлар ҳам бор эди. Ваҳоланки, ёш Баҳоуддин авлиёсифат, дарвеш Халил ота билан 22 ёшларида учрашган ва унга мулозим бўлган. Чигатоӣ хони Тармаширин ўлимидан сўнг Бузан тахтга ўтиради, аммо унинг жабр-зулми ошиб, халқнинг норозилиги кучайиб кетади. Ана шундай паллада элнинг эртасини, юрт тақдирини ўйлаганлар амир Ясовур ўғлоннинг фарзанди Халил отани тахт вориси сифатида қабул қиладилар. Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг ўзлари: “Уни Султон Халил дер эдилар. Ўша пайтда ҳам ундан улуг ҳолатлар рўй берарди. Олти йиллик унинг салтанати даврида ҳам унга мулозим бўлдим ва подшолар хизматидаги одобларни



ўргандим ва унга хизмат қилиш одобларини жойига қўйдим...”, деб ёзганлар.

Султон Халил Самарқандда саксон минг қўшинни жам қилиб, ғанимларига қарши кураш бошлайди. Ҳирот ҳоқими Малик Ҳусайн ҳамда термиз саййидларидан Аъло ул-Мулк Худованзодалар унга ёрдам қўлини чўзадилар. Натижада, у тез орада чингизийлар салатанатининг пойтахти Қорақурумни, Бешбалиқни, яъни Пекинни қўлга киритиб, Мовароуннаҳрнинг қудратли ҳукмдорига айланади. Лекин олти йил ичида ғанимлар унга анча заҳмат етказди. Катта тажрибага эга бўлмаган ҳукмдор бир қанча хатоларга йўл қўяди, чунончи ғанимларнинг иғвосига учиб, Худованзодани исёнчиликда айблаб, тезда қатл эттиради, Малик Ҳусайнга эса зуғум ўтказишга уринади. Оқибатда, бу ҳолатлар халқнинг норозилигига олиб келади. Малик Ҳусайн унга қарши қўшин юборади. Ўзаро тўқнашувда Султон Халил енгилди ва асир тушади. Бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари: “Бир онда унинг тамоми салтанати ҳавога соғурилди. Шунда дунёнинг барча қору боридан менинг кўнглим соғуди. Бухорога қайтиб келдим ва Ревартунда яшай бошладим”, деб ёзади. Асаримга киритган бу воқеаларни ўқидингиз, лекин биргина шу тарихий аниқликни қўлга киритгунча неча ўн кутубхоналарни неча йил-

лар титкилаб чиққанамни миннат эмас, сиз учун амалга оширганамни тўғри тушунасиз, деган умиддаман. Умуман, китоб ўқиш осон, аммо уни ёзиш, сизга етказиш қийин. Муҳими – у зотнинг “Ҳалол топиб, ҳалол яшанг, Аллоҳ қалбингизда бўлсин, қўлингиз ишда, Ватандан узоқ кетманг, уни обод этишда иштирок этинг, илм ўрганинг, ҳимматли бўлинг, нафс ва бойлик қулига айланманг, таркидунёчилик қилманг, бир инсондек яшаб ўтинг”, деган ҳикматлари бугун бизга суву ҳаводай зарур бўлмоқда.

Нақадар мураккаб ижтимоий, сиёсий замонда яшаётганлигимизни кўриб-билиб турибмиз. Аммо ота-боболар бундан баттароқ, бундан мураккаб замонларда яшаб, ўта мураккаб муаммоларни ҳал этиб, инсониятни тўғри йўлга бошлаганлар! Дунёга, юртга, Ватанга, кўшинингга, ўзингга беэътибор бўлиш – инсонийликнинг ҳеч бир қонунига тўғри келмайди.

Хуллас, бугун Ватан ҳам, дунё ҳам биздан янги қарашларни, янги ҳаракатларни талаб этмоқда. Улуғ аждодларнинг эзгу йўллари, улуг ишлари эса бизга энг яхши намуна бўла олади. Асар битди, китоб қўлингизда. Унга ортиқча безак бериб, ялтурсултурлар кўшмадим, лекин бу зотнинг бутун умрини қандай яхши ишларга сарф этганини, бу йўлда чеккан азоблари ва матонатини, шу йўсинда халқимизнинг бағри кенлигини ва у фақат ўзини эмас, ҳалол меҳнати билан дунёни боқишга қодир эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилдим.

Яна бир гап: агар эътибор берсангиз, воқеа баҳордан бошланиб, баҳорда тугайди. Нега шундай? Юртимни баҳорга ўхшатаман, унинг гўзаллиги олдида одам боласи ҳайратлар оғушида қолади. Қолган ишораларни зукко ўқувчининг ўзи англаб олади. Мухтасар сўз шуки, Шоҳи Нақшбанд шу заминни севган, ардоқлаган ва унинг учун бутун умрини бахшида этган инсон эди, катта заҳматлар эвазига инсониятга улуглик ва яхшилиқни раво кўрган бобомизнинг руҳлари шод бўлсин, илоҳим!



**Амиркул КАРИМОВ**

# Дўппи

Ленинград университетининг Журналистика Факультетини тугаллаб энди ёшлар газетасида иш бошлаган кезларим эди. Ошкоралик замони. Тил бош масалалардан бирига айланган. Ҳатто улуғ адибларимиздан бири Ўлмас Умарбеков Ўзбекистонда давлат тили рус тили бўлгани маъқул деб мақола ёзгандилар. Мен у кишига қарши ўзбек тили давлат тили бўлиши керак, деган мақола билан чиққандим. Ишонимизда ёшлари улуғ Маҳкам Раҳмон деган доимо дўппи кийиб юрадиган устоз журналист бўлардилар. Қиш кунларининг бирида у киши мени чақириб, "ўзингга эҳтиёт бўл, Чўлпон, Қодирийлар ҳам сен каби вақтида ўзини ўйламаган", дедилар. "Бу шўролар ҳукуматининг арқонни узун ташлашини унутма", дея насиҳат қилдилар. Сўнгра яланг бошимга қараб, "Дўппи кийиб юр, кунлар совуқ!", дедилар. У кишининг насиҳатини шеърга солгандим ўшанда.

## Дўппи

Маҳкам Раҳмон ўғити

*Кунлар салқинланар, шабада аччиқ,  
Сен ҳамон бошяланг сезганинг йўқми?  
Бошингга кийиб ол, асрайди дарддан  
Радди бало эрур билсанг бу дўппи.*

*Мозийда ёғийлар шу дўппини деб  
Ўзбекнинг бошига солди минг ситам.  
Аммо иймон бутун, эл омон чиқди,  
Виждон омон чиқди дўппи остида.*

*Инсон ажаб бу кун кимда шляпа,  
Ким эса шапкани билмоқда ҳусн.  
Майлига бошингга ҳар не кий, ука,  
Аммо юрагингнинг дўпписи бўлсин!*



# Бозордаги бола



**Турсунмурод ЭРМАТОВ**

Ҳикоя

Сафо иш билан андармон бўлиб уйига кам келарди. Шунинг учун ҳам унинг бу ҳовлида яшаш-яшамаслиги ҳақида биров аниқ билмасди. Баъзи-баъзида кечалари уйда чироқ ёниқ бўлганидан уйда кимдир борлигини билишар, бироқ эски кўча эшиги доимо тамбаланган бўларди. Унинг уйига қачон келиб кетиши ҳам номаълум эди. Кимдир Сафони бозорда фаррош деса, бошқа биров аллақерда қоровулчилик қилади, деб тахмин қиларди.

Унинг ҳовлиси айтарли катта эмас, икки тўп ўрик дарахтини айтмаса тайинли кўқарган нарсанинг ўзи йўқ эди. Савил қолгур шу дарахтларнинг бўлганидан бўлмагани яхши эди, дер эди Сафо ўзига ўзи. Чунки баҳорда ўриклар гуллаб, довча айириб қолгандан, бутун ёз фасли давомида болаларнинг кимсасиз уйдаги дарахт меваларига дуч келган нарсани отаверганларидан уй олди ва ҳовли саҳни улар отган тош ва кесаклар билан тўларди.

Дала-даштда ўт-ўлан қуриб-қовжираган паллалардан бошлаб бу уйдан янада путур ва файз кўтарилар эди. Бу пайтлар сарғайиб қуриган бегона ўт-ўланлар, тиканаклар, шох-шаббалар, шамол тўзғитган латта-путталар, синиқ идишларгача ҳаммаси ҳовлини бутунлайича харобликка кўмарди.

Сафо буларга бутунлай эътибор бермасди. Унинг бу ишларга қараб кўйишга вақти ҳам, ҳафсаласи ҳам йўқ эди.

Унинг бугун ҳам чарчоқдан мадори қуриганди. Бозордан олган нонни кўйнидан чиқариб эски столга кўйди. Олов ёқиб, чой қайнатмоқчи ҳам бўлди, бироқ ҳафсала қилмади, пақирдан бир пиёла сув олди-да, истар-истамас бир бурда нонни оғзига солди.

Хаёлига яна ўша бозордаги боланинг қичқирган овози келди:

– Яхтак, ким ичади яхтак, муздай, ширин булоқ суви! Бола бир пақир сувнинг оғирлигидан бир томонга қийшайганча зипилларди.

Боланинг усти-боши эски ва анчадан бери совун кўрмагани билларди. У бошқа сув сотиб юрган болалардан ажралиб турар, овози ўктам ва жарангдор эди. Бола булоқ билан бозор ўртасида бўзчининг моқисидай елиб югуради..

– Сув берайми яхтак?!

Сафо ҳафсала билан ҳалигина машинадан туширилган қовун ва тарвузларни тахлаётиб, ёнгинасидаги овоздан чўчиб тушди.

– Ҳой амаки, сизнинг уйингиз йўқми? – рўпарасида сув сотувчи болакай илжайиб турарди.

– Ким айтди сенга уйи йўқ деб? Албатта бор, – деди у болага ажабланганча.

– Кеча қайроғоч остида ётиб қолдингиз-ку?

– Кўрдингиз-ку, кеча бозорга қовун-тарвуз кўп келди, – деди Сафо болага синиққина кулиб. – Шуни тушириб, чарчаб, ётиб қолибман. Билишимча, сен яқинда келгансан. Қаердан кеп қолдинг?

– Бошқа шаҳардан.

– Ким билан яшайсан?

– Онам билан. Ҳадемай салқин тушиб қолади, – боланинг гапларида тушкунлик сезилди, – сув ҳеч кимга керак бўлмайди. Кейин мен пул тополмай қоламан ва биз бу ердан ҳам кўчиб кетамиз. Эҳ, кўп пул топганимда эди. Онамни даволатишим учун пул керак. Балки, менга фаррош бўлиб олишимга ёрдам берарсиз-а, амаки?

Бола бу гапини кўп кишига айтган ва илтимос қилганди. Сафога ҳам шундай деб умид кўзларини тикди. Бироқ Сафо болани юпатиш учун биронта тайинли гап топа олмади. Чунки унинг иши ҳам боланики каби машаққат эди.

Сафо яккаю ягона қизини турмушга бергач, уйда ёлғиз қолди. Куёви-ҳукумат одами бўлиб, иш жойида муқим бир ҳолат бўлмасди. У хотини ва кўч-кўрони билан ҳукумат юборган томонга жўнар, йиллаб ўша ёқларда қолиб кетар ва ҳатто таътилда ҳам қорасини кўрсатмасди.

Сафо аҳён-аҳён қизидан хат оларди. Хат худди кимдир мажбурлаб ёздиргандай қисқа ва жўн бўлар, доим конвертнинг хат ёзган кишининг манзили кўрсатиладиган жойи бўш қолдириларди. У қизини соғинар, у билан суҳбатлашгиси келар, бир кун келиб қизи уни кўриш учун келишига умид қиларди.

Сафо отаси билан яшаб келди. Марҳума онасининг ақлли ва файзли аёл бўлганини ва онаси ҳақидаги қалбга соғинч уругини сочувчи воқеаларни кечалари отасининг узун ва мунгли ҳиояларидан билиб олганди.

Шу зайил кунлар ўтар, у отасининг неча йиллардан ёлғизликдан азият чекаётганини биларди. Бу ҳақда эртами, кечми, албатта, унга оғиз очмоқчи бўлар, бирорта аёлнинг унга тан маҳрамлик учун кераклигини ҳис қиларди.


Бироқ отасининг сабр косаси тўлганди. Отаси кунлардан бир кун уйга бир хотин ва бўйи етиб қолган қиз билан бирга кириб келди.

Аёл унга шунчаки назар ташлади ва зўраки илжайди. Аёл келган ҳамоно уйдаги кўпгина нарсаларга ижирганиб қаради. У бу хонадондаги тартибсизлик ва қаровсиз ҳолатни кутмаганди. Аёл ота ва болага норози нигоҳ ташлади. Олдиниға атрофни сергаклик билан кузатиб чиқди. Кейин худди бутун бошли хонадоннинг шакл-шамойилини ҳозирнинг ўзидаёқ ўзгартириб юбормоқчидай шашт билан рўзғор ишларига уннаб кетди.

Аёлга эргашиб келган қиз чиройли эди. У асло гапирай демас, аёл нима иш қилса, унинг атрофида гирдикапалак бўлар, ундан бир қадам ҳам узоқлашмас, буюрилган ишни чаққонлик ва эпчиллик билан бажарарди.

Отаси уларнинг она-бола эканини айтди.

Уйдаги муаммо жиддий эди: уй атиги икки хоналик бўлиб, бу хонадонда у ёки аёлнинг қизи, албатта, ортиқчалик қиларди. Бу шўринг кургурларнинг иккаласи ҳам кекса келин-куёвнинг хонасига кириши мумкин эмас ва бошқа уйда ҳам бирга яшолмас эди, албатта.



...Шунда гўё отаси бунинг имкон-иложисини топгандай бўлиб илжайди. Уларнинг бошини қовуштириш билан бу жин ургур муаммони ечиш мумкинлигини айтди.

Отасининг гапидан у ўйлаиб қолди. Қиз йиғлади. Қизнинг кўзидаги ёш шунчаки қизларга хос бўлган уялиш ёки карашма ёши эмас, балки, нигоҳларида иложсизлик ва норозилик ифодасини балқиганини Сафо пайқамай қолмади.

Кунлардан бир кун Сафонинг отаси ишдан келганида аёлнинг қизига паст ва эҳтиёткор овозда гапирётганини эшитди:

– Эсингни йиғ, – дея жаврарди қизига аёл. – Энди унут уни. У сени деганида бошқага уйланмасди, сен бўлсанг аҳмоқ бўлиб қолавермасдинг.

Қиз елкалари титраб йиғларди. Отаси ҳеч кимга бу ҳақда оғиз очмади.

Сафо ва қиз ҳаммасига жимгина бош эгди...

Йиллар ўтиб Сафонинг отаси оламдан ўтди. Аёл эри ўлгач, бу уйда яшай олмади. У ўзини ёлғиз ва ҳимоясиз сезарди. Охири ўз юртида қолган уйи чироғини ёқиш учун жўнаб кетди.

Онасининг кетиши Сафонинг хотинини қайғуга кўмганди. Хотини ундан бунга яширса-да, кўзларидаги ўкинч ва надомат учкунлари барчасини ошкор қиларди.

Улар бир қиз ва бир ўғил кўришди. Бироқ болалар туғилганида, Сафо хотинининг кўзларида оналарга хос қувончни кўрмаганди ва ҳануз бу ҳолат кўз ўнгида тушкун, аламли манзара чизиб келади. У

хотинига ҳеч қачон товушини баландлатиб гапирмас, ҳуда-бехуда уни тергайвермасди. У фақат бутун бошли хонадоннинг ташвишлари билан яшарди. Эрта кетиб, кеч келар, баъзан пул топиш илинжида аллақайларга бир неча кун бедарак кетарди. Хотини ҳам унга бирор марта рўзғор камчиликлари ёки ўзидаги муаммолар, болаларнинг феъл-атворидан зорланганини эслолмайди. Бироқ аёлдаги лоқайдлик ва тушқунлик унинг бахтли кунларига заҳар солмай қолмасди. У бир гал хотинининг туғилган кунини унутиб, совға-салом қила олмаганида ҳам хотини синиққина кулиб қўя қолган ва устига-устак бу ҳолат эрига ёмон таъсир қилмаслиги ва унинг хижолатли ҳолатини яширмақ учун елиб югурган, эрининг энг яхши кўрган таомини пиширган эди.

Сафо буларни кўриб турар, аммо ташвиш ва мутаассирлик гирдоби гўё уни ҳалокат томон етаклаб кетаётгандек, қачонлардир унга ёпириладиган бахтсизликнинг қора кўланкасида қаттиқ азоблар, гўё у қилдай нозик арқон устида бораётган омадсиз дорбозга ўхшатарди ўзини.

Ўшанда улар қизларининг мучал ёшини нишонлаб, бахту иқболга кўмилганди. Бироқ Сафо учун эртаси бутунлай бошқа тонг отаётганди. У ишга ҳозирланаётганди. Эшик олдида хотини кечегина ўн икки ёшга тўлган қизини қучоқлаб йиғлаб турарди. Сафо бундан ҳайрон бўлганча, уларнинг олдида чиқди. Хотини унга ёш тўла кўзларини тикди. Унинг жавдираган нигоҳи эрига ҳасрат ва алам билан боқди. Хотини гапирмади. Унинг ёнида тугун турарди. Сафо нимадир гапириш учун оғиз жуфтлади. Шунда қизи унга яқин келди.

– Отажон! – деди қизалоқ ва отасини маҳкам қучоқлади. – Мен сизга, албатта, яхши қарайман.

У ҳаммасини тушунди ва гапириш ортиқча эканлигини англади.

Қиз отаси билан қолди. Икки ёшга кирай деб турган ўғлини кўтарган аёл уйдан узоқлашди.

Сафо одатдагидай уйга қоронғида қайтаётганди. Уйи олдида турган машинани кўриб, ҳайрати ошди. “У ҳам бировга керак бўлармикин?” Унинг хаёлидан шу ўй ўтди. Қадамларини жадалроқ ташлади. Наридан эркак кишининг овози келди:

– Отанг, шекилли...

У келганларни таниди. Беихтиёр кўзи ёшланди:

– Болаларим!

Қизи уни қучоқлади. Куёви елкасидан меҳрибонлик билан қучди.

– Уйга, уйга киришлар, – дея ҳовлиқди Сафо.

Куёви шошилаётганликларини айтди. Куёви катта шаҳардан ҳовли олгани, пул зарур бўлиб қолгани, ҳадемай келиб уни ҳам олиб кетишини ва яна алланарсаларни бетўхтов гапирди. Сафо ҳамма гапни англай олмади. Қизи ердан кўзларини ололмай ўтирарди. Ва отасини қучоқлаб, аста пичирлади:

– Дадажон, бу шундай одам. Берманг...

Сафо қизи айтганини қилмади: бутун умр қанча йиғиб-терган бўлса, ҳаммасини олиб чиқди ва куёвига тутқазди. Куёви уни елкасидан қўлини ўтказиб, илжайганча, алланарсаларни гапирди. Гўё бу воқеаларнинг ҳаммасини ҳатто унинг ёнгинасида турган қизини ҳам тушида кўраётгандек эди.

Бола бозор ичидан пақирини дўмбира қилиб чалганча, булоқ томонга сув олиб келиш учун ўтарди. Бола Сафони кўрди ва унга яқин келди. Бироз тараддуланиб турди-да:

– Агар уйингиз бўлса, онам иккимизни олиб кетинг, амаки, – дея илтижо билан қаради. – Онам касал. Уй эгасига ижара пулини беролмадик. У бугун бизни уйдан чиқаради.

У болага бирор тайинли гап айтолмади. Аллақайери симиллаб оғриди. Карахт бир ҳолда туриб қолди.

Бола кетиб борар, қўлидаги пақирни ерга тегай-тегай дерди.

Сафо бозорга тарвуз-қовун ортилган машина келиб қолишини

кўтарди. Аллакимлар билан кўришди. Кимлардир унга бир нималарни валақлади. У ҳамон эрталабки нурсиз ва тушқун ҳолатидан қутула олмаганди. Шу пайт яна ўша таниш овоз янгради:

– Берайми яхтак...

Болақай бошини олдинга хиёл чўзганча борар, юзидан тер қуюлиб келар, бироқ расталар оша фақат ўзиники булоқ суви эканлигини мақтаганча елиб-югурарди.

У бола томон шошилди. Уни тўхтатди. Кеча ишлаб топган пулини унга узатди.

– Ма, ол, уй эгасига бер, – деди.

– Мен уйни таъмирлаб олай, кейин, албатта, сизларни олиб кетаман.

Бола пулни олиш-олмаслигини билмай туриб қолди. Шу пайт оломон орасидан болани кимдир чақирди:

– Ҳой сув сотадиган бола, сени излаб юрибман. Қайрағоч остида онанг кутиб турибди, борақол.

Боланинг ранги қув учди, унинг пақир тутиб турган ориқ қўллари хиёл титраб кетди. Ўзига ўзи шивирлади:

– Онам, онам... Бечорани уй эгаси ҳайдаб чиқарган... Ахир у касал эди...

Бола бозор ўртасидаги сада қайрағоч томон ўқдек отилди.

Сафо боланинг ташлаб кетган пақирини ва кружкасини олди. Пулни қайта чўнтагига солмади. Оломон оқимини оралаб бориб, нарироқдан сада қайрағоч остига қаради.

Бола онасини қучоқлаб олган ва алланарсалар ҳақида гапирарди. Онаси уни энди кўриб тургандек бир зум ҳам ундан кўзларини олмас, синиққина жилмайганча боланинг бошини силар ва уни диққат билан тингларди.

Сафонинг кўз олдида кўп йиллар бурун уйи олдида йиғлаб турган аёл яна бир бор гавдаланди. У ёнидаги деворга оҳиста суянганча туриб қолди. Юрагида кўзғалиб келган бир ўкинчдан кўзларига ёш тўлиб келди. Она ҳам, бола ҳам унга бегона эмасди...



Султон МУРОД

## “Менинг кўнглимга сен қулоқ тут”

### Кўнглимга

Кўнглимга қарайман неки емайин,  
Кўнглимга қарайман неки демайин.  
Бу кетишда, билсанг, бир кунмас-бир кун  
Ўз кўнглим эсдан ҳам чиқиши – тайин.

Ҳолбуки...  
Менинг ҳам кўнглим – дилим бор,  
У сенинг меҳрингга бир умрга зор.  
“Менинг кўнглимга сен қулоқ тут”, – демам,  
Қўй, баъзан кўнглимга бир қарай,  
Эй ёр!

### Нонхпийёрий пуйғу

Нима қилай, ахир, кўзим кўрса-ю,  
Қулоғим эшитса, миям ўйласа,  
Кўнгил ихтиёри ўзимда эмас,  
У аччиқ турмушдан ҳар кун сўйласа?!

Бир бурда нон учун ўтган ҳаётни  
Умр санашга ҳеч тилим бормади.  
Не қилсин хотини кимнингдир, ахир,  
Оқ унга бир бора хамир қормади?!

Ҳузур ва ҳаловат – уйғун тушунча,  
Моддий ва маънавий эҳтиёжлар бор.  
Фақат моддий дунё учун яшамоқ –  
Инсон деган улуғ зотга катта ор.

Завқ истаб яшаши керак ҳар ким ҳам,  
Шавқи ўлган завқни қайдан ҳам олсин?!  
Сиз мени айбламанг раҳмдилликда,  
Қорин деб ўтган кун ордона қолсин!

### Ижод

Келди баҳор,  
қандай ёруғ кун!  
Ер уйғонган –  
қизир туну кун.

Мен далани,  
тузни демайман,  
ўзни зўрлаб  
уйга қамайман.

Кўмиламан  
қоғозга бутун.

Бу кунларнинг  
садқаси бўлай,  
қувончларга,  
завқларга тўлай.

Лекин, ахир...  
не қилай, нетай:  
ёзай, чизай –  
ниятга етай.

Ниятим шу –  
ёзганим ўқиб,  
таъсирида  
эртақлар тўқиб,  
биқиқ қобиқ,  
тор дунёсидан  
ташқарига  
чиқсин одамлар.

Гул-чечаклар  
йиғсин одамлар.

Маили, кейин,  
ёз ўтиб, куз ҳам,  
бўлиб кетсин,  
терларим туз ҳам,  
ўз-ўзимни  
қоғозга кўмиб,  
шу кулбамдан  
чиқмайлар кетай.



# Юлдузи – юлдузига тўғри келса...



Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

Муносиб умр йўлдошини топиш – мучалга ҳам боғлиқ

– Манимча, уйланишдек нозик бир иш дунёда йўқдир, – деди Раҳмат ва Отабекка юз ўғирди. – Уйлангач, хотининг таъбингга мувофиқ келса бу жуда яхши; йўқса, мунчалик оғир гап дунёда бўлмас.  
**Абдулла ҚОДИРИЙ.**  
“Ўткан кунлар”

Баъзан жуда шўх, ҳатто безори йигитлар уйлангач, қуйилиб-босилиб, бинойидек одобли бўлиб қолишади. Баъзан, одобли, иболи ва ҳаёли қизлар турмушга чиққач, қисқа муддат ичида... бамисоли тилидан заҳар сочувчи аждарга айланишади! Уларга яхши гап ёки дўқ-пўписа, кексаларнинг насиҳати, ҳатто суд ҳукми ҳам кор қилмайди...

Инсон феъли ана шундай мураккаб.

Оила қуриш, уйланиш, айниқса, эркак учун ҳаётий аҳамиятга эга. Эркак ўз истеъдод ва имкониятларини тўлиқ юзага чиқариши учун ўзига мос аёлга уйланиши шарт. “Истеъдод ва имкониятлар” деган баландпарвоз гапларни қўя турайлик, эркак шу дунёнинг ўзидаёқ дўзахга дуч келмаслиги учун ҳам бунга алоҳида эътибор

қаратиши зарур. Бу ерда “Ҳамма аёл – бир хил”, деган баҳсли тушунчани бир четга суриш керак. “Тенг – тенги билан...”, “Ҳар бир гулнинг ўз иси бор” деган гаплар ҳам бежизга чиқмаган, ахир.

Инсоннинг ҳаёт йўлини тўғри чизик деб олсак, бу чизик айнан қаерда ва кимнинг ҳаёт чизиги билан кесишуви (никоҳ) муҳим аҳамиятга эга. Тақдирлар кесишуви натижасида эркакда илгари унчалик сезилмаган истеъдод кўз очиши, ёки аввалдан мавжуд бўлган қобилият барбод бўлиши ҳам мумкин. Шу ўринда мутафаккир Абулқосим Фирдавсийнинг: “Ғам-қайғу ҳам, ҳузур-ҳаловат ҳам ақлдандир. Улуғворлик ва бузилиш ҳам ақлдандир”, деган ҳикматли сўзларини эслаш ўринли. Ҳар бир инсон – такрорланмас бир олам. Икки ақл ва икки руҳият оламининг ўзаро қовушиши ёки кесишуви, албатта, беиз кетмайди.

“Уйланиш – иккинчи туғилишдир”, дейдилар. Бошқача айтганда, ҳаёт йўли турли тоифадаги аёллар билан “кесишган” эркак, шунча марта қайта “янгиланади”. Номуносиб хотин зулми остида ичкиликка берилган, ишидан айрилган ва уйдан ҳам ҳайдалган эркак, бошқа муносиб аёлга уй-

лангач, аввал бой берган мавқеини ортиғи билан тиклаб олган.

Агар қудратли ҳукмдорнинг ёнидаги малика оқила ва доно аёл бўлса, салтанат гуллаб-яшнайди. Аксинча бўлса... салтанат барбод бўлади! Бундай мисоллар бир-иккита эмас, балки истаганча топилади.

Бир ҳаётий ҳақиқатни тан олиш лозим: бўлажак келин ҳар қанча одобли, тарбияли, ҳаёли ва иболи бўлмасин, агар куёв билан “юлдузи – юлдузига мос” тушмаса, барчаси бекор. Бу номуносибликни ҳатто куч-қудрат, бойлик ва мансаб-мартабалар ҳам тўлдиролмайди. Соҳибқирон Амир Темур ўз фарзандлари ва набираларига келин танлашни давлат миқёсидаги ишлар қаторида кўргани бежизга эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларки: “Дунё вақтинча фойдаланиладиган матодир, унинг хайрли матоларидан бири солиҳа аёлдир”. Демак, шунчаки аёл эмас, балки “солиҳа” ҳақида гап кетмоқда!

Қадимий, кўҳна китобларда ҳам аёл зотининг беш хил тоифаси аниқ-равшан кўрсатиб берилган. Ана шу тоифалар орасидан айнан ўзига мос жуфтни топиш

– эркакнинг омади ва ҳаётий муваффақиятини белгилайди. Акс ҳолда... агар у ҳарчанд бой ва паҳлавон бўлса-да, осонгина “синиши” ҳеч гап эмас!

Замонавий руҳшунослик фани хулосаларига кўра, бугунги эркак ва аёл жуфтликлари қуйидаги беш тоифага бўлинади:

1. Тенг иттифоқ жуфтлиги,
2. Маънавий иттифоқ,
3. Патриархал (эски, анъанавий) иттифоқ,
4. Романтик (хаёлпарастлик кайфияти асосидаги) иттифоқ,
5. Вектор (математик атама: микдор ва йўналиш) иттифоқи.

Ушбу тоифалар кўҳна китобларда қайд этилган таърифларга ҳам асосан мос келади (яъни, асрлар ўтса-да, инсон феъли ўша-ўша – ўзгармайди!). Уларни мухтасар кўриб чиқамиз:

Тенг жуфтлик – камтар ва бироз тортинчоқ инсонларни тадбиркорлик ва сиёсат борасида юқори поғоналарга олиб чиқиши мумкин. Масалан, от йилида туғилган эркакка илон йилида туғилган жуфти куч, мақсадлар йўлидаги қатъият, ғайирлик, қаҳр-ғазаб ва тажовузкорлик бағишлайди. Айни зарур пайтда керакли жойда пайдо бўлиш, мақсад йўлида шериклардан унумли фойдаланиш ва уларни усталик билан алмаштириш хусусиятлари шаклланади. Аслида бу каби хусусиятлар “от”лар учун хос эмас. Аммо, юқоридаги мучал эгаларининг тенг иттифоқи натижасида ана шундай жиҳатлар юзага чиқади. Бундай никоҳ соҳиблари маъшуқасининг биргина илтифоти учун таъбир жоиз бўлса, тоғни толқон қилишга тайёр бўлишади.

Маънавий жуфтлик – кўпроқ ижодий соҳа вакиллари хос. Бундайлар мучали мос тушса, инсонда ҳатто илгари кузатилмаган истеъдод куртаклари аста-секин пайдо бўлиши ҳеч гап эмас! Бинобарин, айрим санъаткор ёки олимларни айнан хотини “тарбиялаб



етиштиргани” ҳақидаги гапларда қай маънодадир, жон бор.

Шоирлик истеъдоди учун айниқса, романтик жуфтлик кўпроқ фойда келтиради. Бу мучал соҳиби ўзининг “илҳом париси”га бағишлаб эҳтиросли сатрлар битиши, шоирлик истеъдоди янада жўш уриши мумкин. Масалан, рус шоири Владимир Маяковский, ёнида маъшуқаси Лили Брик бўлмаса, бир сатр ҳам шеър ёза олмаган. Бу каби мисоллар Шарқ халқлари тарихида ҳам жуда кўп учрайди. Тожмаҳал қурилишини бир эсга олинг!

Бундай жуфтликлар айниқса, жанговарлик ва қаҳрамонлик кўрсатишга мойил бўладилар. Жангчи, жавонмард (рицарь, жентельмен)лик хусусиятлари шундай мучал эгаларига кўпроқ хос. Романтик жуфтлик бўлмиш Наполеон ўз Жозефинаси билан ярим Европани забт этган. Дейлик, бўлажак генераллар ёки махсус хизмат ходимлари учун айнан романтик иттифоққа асосланган жуфтлар зарур.

Шуни айтиш керакки, романтик жуфтлик – ақлли, баджаҳл ва ҳаракатчан аёлларга тўғри келмайди. Бундайлар тенг иттифоқда ўз бахтини топиши мумкин. Авалдан сокин-босиқ феълли эркак романтик жуфтликка тушгач, кутилмаганда эҳтироси жўшиб,

“қайнаб-тошгиси” ҳам келиши мумкин. Лекин бундай “жанговар” хатти-ҳаракат учун унда туғма ғайрат етарли бўлмаганлиги сабабли, тезда босилиб қолади.

Патриархал (эски, анъанавий) жуфтлик эса кишида оилапарварлик, хўжалик ишларига рағбат каби туйғуларни шакллантиради. Бундай мучал эгалари ортиқча шовқин-суронни хушламайди, руҳий мувозанат ва хотиржамликни севишади. Аммо булар фақатгина уй-рўзғор юмушлари билан чекланиб қолмай, балки ижодий соҳада ҳам яхшигина муваффақият қозонишлари мумкин. Чунки, катта ҳажмли романлар ёзиш учун уларда сабр-тоқат ва ҳафсала етарли бўлади. Масалан, шундай патриархал никоҳда бўлган буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ўзининг “Уруш ва тинчлик” ва “Анна Каренина” каби машҳур романларини ёзган.

Итоаткор ва туғма уй бекаси бўлган аёл учун энг яхшиси – патриархал жуфтлик саналади.

Жуфтликларнинг нафақат феъли, балки тақдирига ҳам таъсир кўрсатувчи яна бир иттифоқ – вектор жуфтлик деб аталади. Тўғриси айтганда, бунисини тушуниш ҳам, тушунтириш ҳам мушкул. Чунки, бундай жуфтликдан аниқ феъл-атвор хусусиятлари эмас, балки хаос (юнон мифологияси ва фалсафасида:

турли элементларнинг ибтидоий бетартиб аралашмаси, гўё ҳамма мавжудот ана шу аралашмадан келиб чиққан) вужудга келади! Натижада, кўпинча юриш-туриш, хатти-ҳаракатлар, феъл-атвор ва фикрларда – умуман, ҳаёт тарзида тартибсизлик, чалкашлик, алғов-далғовлик, аралаш-кура-лашлик вужудга келади. Бундай кўргулик анча хавфлидир. Унга йўлиққан киши ақлидан Мосуво бўлиши, вазиятни бошқариш қобилияти ва шахсиятидан жудо бўлиши ҳеч гап эмас. Оддийгина келишмовчилик ёки тортишув кутилмаганда фожеали якунланиши афсуски, кўп учрайди. “Вектор алғов-далғовлик” одамни руҳан ва жисмонан синдиради, бундай жуфтликларга гап уқтириш ҳам мушкул. Буларни қайсидир гуноҳлари учун бирга яшашга маҳкум этилган, лекин худди тескари магнит каби руҳан ўзаро қарама-қарши инсонлар, дейиш мумкин. Криминал статистика маълумотларига кўра, охири фожеа билан тугайдиган жанжаллар ушбу жуфтликда энг кўп учрайди.

Шунга қарамасдан, вектор жуфтликда яшаётганлар кўнги-ларини чўктириши керак эмас. Негаки, юқоридаги тўртта ижобий жуфтликларда ҳам баъзан муам-молар пайдо бўлгани каби, вектор жуфтликларнинг айримлари ақл бовар қилмас даражада узоқ ва бахтли... ҳаёт кечиришлари мум-кин. Айниқса, қўшиқчи санъат-корларда шундай ҳолат нисбатан

кўпроқ кузатилиши ҳайрато-муздир. Рухшунослар фикрича, бундай инсонлар хаос қувватини кун бўйи... қўшиқ куйлашга йўнал-тиришлари мумкин.

Мақоламиз бошида оила қур-гандан сўнг баъзи эркак-аёллар руҳиятида юз берадиган айрим ўзгаришлар ҳақида сўз очган эдик. Нафақат руҳият, балки жисмоний ўзгаришлар ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, айрим кўримсизроқ қизлар турмушга чиққач, гул-гул очилиб, бағоят гўзаллашиб кетишади. Қизлигида кўп йигитларнинг хаёлини ўғир-лаган айрим хурилиқолар эса, тўйдан сўнг кўп ўтмай, гулдек қовжираб... сўлади.

Эркак зотида ҳам шунга ўхшаш жисмоний-зоҳирий ўзгаришлар кузатилади: айрим касалманд, нимжон йигитлар тўйдан сўнг тў-лишиб, забардаст эркакка айлан-са, бошқаларида айнан аксинча ҳолат юз бериши ҳам мумкин.

Барчасининг сабаби битта – эр ва хотиннинг ўзаро номутаносиб-лиги!

Аслида, “золим, ишёқмас, пияниста ва хотинбоз...” эркаклар унчалик кўп эмас. Фақатгина, тенгини, яъни ўзининг ҳақиқий “иккинчи ярми”ни топа олмаган, адашганлар кўп...

Қуйида турли бурж эгаларининг никоҳларига оид жадвални келти-рамиз. Бу аломатларни шунчаки тасодифий маълумотлар, деб ҳи-собламаслик керак. Бу оламда са-бабсиз нарсанинг ўзи йўқ. Ерга та-

риқ экиб, буғдой ҳосилини кутиш – беҳуда. Бирорта янги ранг ҳосил қилиш учун исталган ранглари қориштириш эмас, балки айнан қайси ранглари ва қанча миқдор-да аралаштириш зарурлигини аниқ билиш керак.

Савол туғилади: инсонлар бир-бири билан танишгач, туғил-ган сана ва буржларини аниқлаб, дарҳол бу жадвалга мурожаат қилишлари керакми? Бу бироз ноқулай. Устига-устак, жадвалга кўра, бир-бирига тўғри келмаса... алоқани шартта узиш зарурми?

Албатта, шунчаки дўстона тани-шув бўлса, бу жадвалга мурожаат қилиш шарт эмас. Лекин, турмуш кураётган пайтда катта савдони об-дон мулоҳаза қилмоқ даркор. Оила куришда фақат ўз тақдирингизни эмас, умр йўлдоши ва бўлажак фарзандлар тақдири ҳақида ҳам ўйлаш керак. Зеро, ота-она тақди-ри, кўпинча, фарзандларга мерос бўлиб ўтади. Раҳматли адибимиз Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да “Марғилонлик бойлардан Зиё шоҳичи” тилидан оила куришни “Бу от савдоси эмас, умр савдоси, биродар” дея турмуш ва никоҳ куришнинг масъулияти нечоғли эканини таъкид этганлар. Тақдир, ҳаёт, инсоний бахт ва киши кўнгли ўйинчоқ ёки овуноқ эмас. Нима дедингиз?

Эслатма: Т – тенг, П – патри-архал, М – маънавий, Р – роман-тик, В – вектор жуфтлик.

| Мўчал   | сичқон | сигир | йўлбарс | қуён | балиқ | илон | от | қўй | маймун | товуқ | ит | тўнғиз |
|---------|--------|-------|---------|------|-------|------|----|-----|--------|-------|----|--------|
| сичқон  | П      | М     | Р       | Т    | П     | М    | В  | Т   | В      | М     | Р  | Т      |
| сигир   | М      | П     | В       | Р    | М     | П    | Т  | Р   | М      | П     | В  | Р      |
| йўлбарс | Р      | В     | П       | М    | Р     | Т    | П  | В   | Р      | Т     | П  | М      |
| қуён    | Т      | Р     | М       | П    | В     | Р    | М  | П   | Т      | В     | М  | П      |
| балиқ   | П      | М     | Р       | В    | П     | М    | Р  | Т   | П      | М     | Р  | В      |
| илон    | М      | П     | Т       | Р    | М     | П    | Т  | В   | В      | П     | Т  | Р      |
| от      | В      | Т     | П       | М    | Р     | Т    | П  | М   | Р      | Т     | П  | В      |
| қўй     | Т      | Р     | В       | П    | Т     | В    | М  | П   | Т      | Р     | М  | П      |
| маймун  | В      | М     | Р       | Т    | П     | В    | Р  | Т   | П      | М     | Р  | Т      |
| товуқ   | М      | П     | Т       | В    | М     | П    | Т  | Р   | М      | П     | В  | Р      |
| ит      | Р      | В     | П       | М    | Р     | Т    | П  | М   | Р      | В     | П  | М      |
| тўнғиз  | Т      | Р     | М       | П    | В     | Р    | В  | П   | Т      | Р     | М  | П      |



Артур ШОПЕНГАУЭР

# Аёллар ҳақида

Агар аёллар бўлмаса биз ўз ҳаётимизнинг дастлабки лаҳзаларида ёрдамдан, кейинроқ лаззатлардан, энг сўнгида эса овунчоғимиздан маҳрум бўлар эдик, деган эди бир фаранг олими. Менимча, аёлларни ҳақиқатан ҳам бундан ошириб мақташнинг иложи йўқ.

Аёлнинг қадди-қоматиёқ унинг на руҳий ва на кетмон чопишдек оғир жисмоний меҳнат учун яратилмаганини кўрсатиб туради. Аёл яшаш мажбуриятини борлигича эмас, балки азоб-укубатлар тарзида ўтайди: туғиш машаққатлари, бола боқиш, эрга қарам бўлиш. Яна денг, аёл эрга чидамли ва қувват бағишлайдиган дўст бўлиши керак. Аёл катта дардлар, катта қувончлар, баҳодирлик талаб қилинадиган ишлар учун яратилмаган. Унинг турмуши эркакнигига нисбатан тинчроқ, бахтлироқ, майинроқ кечиши зарур.

Аёллар табиатан болафеъл, инжиқ, узоқни кўра билмайдиган бўлганлари туфайли бола тарбиялашга мойилдирлар (ва шунга мослашишган). Бир сўз билан айтганда, улар бутун ҳаётлари давомида катта бола ишини қилиб юрадилар: болалик давридан ўтаётган, лекин ҳали тўлақонли эркак даражасига етмаган ўспирин сифатида иш тутадилар. Қизларга қаранг, кун

бўйи ёш бола билан ачомлашиб, ўйнаб-кулиб юришдан эринмайдилар. Энди шу қизнинг ўрнига ўғил болани қўйиб кўринг...

Томошага чиққанингизда бир нарса қарс этса, бирдан ҳамма чалғиб, ўша томонга қарайди. Табиат қиз болани ҳам шу тахлит яратган. Табиат қизларга – кейинги бутун ҳаётлари ҳисобига – бир неча йиллик гўзаллик, қараганни маҳлиё қилиш ва бошқа шу тахлит оҳанраболарни бахшида этган. Айнан шу даврда у эркакнинг ҳаёлини ўғирлаши, кейин эркак шу гўзалликка банди бўлиб, чин юракдан аёлнинг кейинги ҳаёти учун жавобгарликни ўз зиммасига олиши керак. Эркакни бу йўлга шунчаки соғлом фикрлаш тарзи билан киритмоқчи бўлсангиз, уларнинг кейинги ҳаёти силлиқ кечишига ишонч йўқ. Шу туфайли табиат аёлни, қиз болани – у ўз келажagini таъминлай оладиган даражада қуроллантирган. Урғочи қумурсқа туққандан сўнг кераксиз (тухумчаларни парваришда ҳатто хатарли) қанотларидан маҳрум бўлади. Шу тахлит аёл ҳам икки-уч бола туққандан сўнг гўзаллигидан ажралади. Балки шунинг учун ёш қизлар уй ва дала ташвишларини иккинчи даражали иш, балки шунчалик арзимаган нарса сифатида қабул қиладилар. Улар учун энг

асосий жиддий ташвиш: муҳаббат, ғалабалар ва шунга боғлиқ бошқа нарсалар: ясан-тусанлар, атир-упа, рақс-ўйин ва ҳоказо...

Бирон бир нарса қанчалар тугал ва олиймақом бўлса, у шунча аста ва кечроқ етилади. Эркак руҳан ва ақлан аксарият ҳолларда йигирма саккиз ёшларда етишади, аёл эса – ўн саккизда. Ва шунга кўра қобилиятга эга: қисқа ўйлайдилар. Шу туфайли аёллар кейинги бутун ҳаёти давомида ҳам болалигича қоладилар, кўриб турганини тан оладилар, тутганини маҳкам ушлайдилар, шунчаки ташқи кўришни борлиқ-йўқлик сифатида тан оладилар ва майда-чуйдаларни катта нарсалардан афзал биладилар. Ақл туфайли одам худди жонивор янглиғ айнан ҳозирги дақиқа билан яшамайди, балки ўтмишни ва келажакни мушоҳада қилади. Ақл туфайли у эҳтиёткор, орқа-олдини ўйлайди, сергак бўлади. Шунинг орқасидан келадиган фойда ва зиёнларга аёл – ақли калта бўлгани туфайли! – кам аралашади. Янаям аниқроғи: руҳан узоқни кўра билмайди. Унинг сезгир ақли кўз олдидигиларни яхши кўради, унинг ўй доирасига узоқдаги нарсалар сифмайди. Шунинг учун йўқ нарсалар, ўтиб кетган нарсалар бизга нисбатан аёлларга кам таъсир қила-

ди. Шу сабабли улар баъзан топган – тутганингизни телбаларча ўйсизлик билан совуриб юбораверишга мойилдирлар. Улар ўзларича ишондиларки, эркак – топиш учун, аёл – совуриш учун яратилган. Иложи бўлса, эри тириклигидаёқ, йўқса, эри ўлгандан сўнг. Эр топган-тутганини аёлининг ихтиёрига топшириб қўйгандан сўнг аёлдаги бу ишонч янада мустаҳкамланади. Бу тушунча ҳар қанча зиён келтирмасин, фойда томони ҳам бор: аёл ҳозирги дақиқа билан банд. Аёл мавжуд нарсдан бизга нисбатан кўпроқ нафланади. Шу туфайли аёлнинг фикри тиниқ. Шу туфайли, агар сиз оила боқишдек ташвишларга чалкашиб қолган бўлсангиз, аёл сизнинг дардингизга малҳам бўла билади.

Қадимги немисларнинг одатини ташлаб юбормаслик керак. – Оғир дақиқалардаги йиғин-маслаҳатларга аёллар ҳам таклиф этилган, чунки аёл ҳозирги дақиқада нима қилиш кераклигини билади. Мақсадга етказувчи энг қисқа йўлни кўрсатади. Хуллас, эркак узоқни ўйлаб, тумшуғи тагидаги нарсани кўрмай ўтирганда, аёл уни ушлаб, қўлингизга тутқазади. Шу сабабга кўра аёл бизга нисбатан хушёр, у бирон бир нарсани бор бўйича кўра билади. Биз эса, агар ҳаяжонланиб турган бўлсак, оппа-осонгина пашшадан фил ясаб, ваҳима кўтариб юбораверамиз. Шу нуқтаи-назардан аёллар бахтсизларга эркакдан кўра кўпроқ ҳамдард бўладилар. Аёллар меҳрибонроқ ва оққўнгилоқ. Аммо қозилиқда, ҳақиқатни юзага чиқаришда, виждонийликда эркакларга ютқазадилар. Аёлнинг ақли калталиги туфайли мавжуд, ушласа бўладиган, кўз кўриб турган нарсалар уларга ҳокимлик қилади. Узоқ-яқин қоидалар, ақида ва ғоялар, қабул қилинган қатъий қарорлар, ўтмиш ва келажак, йўқ ва узоқдаги нарсалар – улар учун иккинчи ва учинчи даражали нарсалардир. Ана шу сабабли аёл феълидаги узвий етишмовчилик, балким камчиликдир, бу – адолатсизлик! АДОЛАТ-СИЗЛИК! Бу ҳол биз илгари таъкидлаганимиздек, ақл калталиги ва



**Яқин кишининг яқинлашиши туфайли бизда пайдо бўладиган авлод, унинг кўриниши ва хусусиятлари бизга боғлиқ. У бизнинг қўлимизга берилган, уни биз тарбиялаймиз ва биз бу вазифани виждонан бажаряпмиз.**

узоқни кўра билмаслик туфайли содир бўлади. Яна бир жиҳат: кучсиз жондор табиатан кучлига нисбатан айёрроқ, ҳийлакорроқ бўлади. Ахир табиат шерга тиш ва тирноқ, филга – хартум, тўнғизга – сўйлоқ, хўкизга – шох бахшида этганидек, аёлга ўзини ҳимоя қила олиши учун – ҳийлакорлик ва ёлғончилик бахшида этган. Шу туфайли биз тилга олган жондорлар ўзларидаги қурол билан ҳужумга ўтганлари мисол, аёл ҳам ҳар бир қулай вазиятда ўз қуроли билан ҳужумга ўтади, ҳимояланади. Ва бунда ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланаётганларига шубҳа қилмайдилар. Ана

шулардан келиб чиққан ҳолда мутлақо ҳақиқатгўй ва самимий аёлни топиш мумкин эмас. Шу хислатлари боис улар ўзгаларнинг турланаётганларини жуда тез пайқайдилар. Ҳар қалай аёл қошида носамимийликка йўл қўйиш жуда хатарли. Ана шу узвий камчиликлари боис аёл ёлғончиликка, хиёнатга, эгриоёқликка мойилроқ бўлади. Қозихонада аёллар эркакларга нисбатан бир неча барабар кўп ёлғон қасам ичиб, гуноҳга ботадилар. Ва умуман, аёлга қасам ичириш керакми, йўқми, деган саволнинг ўзи баҳсли. Ахир баъзан-баъзан ҳамма жойларда ҳам моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланган аёллар дўкандан ул-бул ўмараётганининг гувоҳи бўлганмиз-ку.

Инсон зоти тугаб кетмаслик учун уни мудом кўпайтириш ёш, соғлом ва гўзал йигит-қизлар бурчи. Худонинг хоҳиши – шу! Мазкур қонун бошқа барча қонунлардан қадимий ва боқийдир. Агар ким бу қонун йўлига чиқмоқчи бўлса – ўзининг шўри: нима демасин, нима қилмасин, биринчи фурсатдаёқ аёвсиз топталади. Чунки аёлларнинг яширин, айтилмайдиган, ва ҳатто англамайдиган феъли қуйидагича фикрлайди: “Бизга ғамхўрлик қилганлари боис энди қандайдир ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлдик, дея ўйлайдиганларларни алдашга ҳаққимиз бор. Яқин кишининг яқинлашиши туфайли бизда пайдо бўладиган авлод, унинг кўриниши ва хусусиятлари бизга боғлиқ. У бизнинг қўлимизга берилган, уни биз тарбиялаймиз ва биз бу вазифани виждонан бажаряпмиз”. Бироқ бу олий қонунларни олисдаги шарпалар мисоли эмас, балки қўлда мавжуд, бор нарса сифати англайдилар. Бу ҳолда уларнинг виждони биз ўйлаганга нисбатан анча тинч бўлади, чунки юракларининг энг ички қатламларида улар тушунадиларки, улар бир шахсга нисбатан ўз мажбуриятларини бузганлари билан ҳуқуқлари бир неча барабар зиёд бўлган авлод олдида керагидан ортиқ хизмат қияптилар.

Аёл инсон зотини кўпайтириш мақсадида яратилгани ва унинг

бошқа хизмати йўқлиги боис улар алоҳида шахсга нисбатан кўпроқ авлод ташвишида яшайдилар ва авлодга ташвиши шахсга нисбатан жиддийроқ бўлади. Бу уларнинг борлиғига ва ҳаракатларига маълум даражада энгилтабиатлик бағишлайди. Бу балким эркакка нисбатан мутлақо ўзгача бир йўналишки, ана шулар аксарият эр-хотинларнинг жанжалига, ажраб кетишига олиб келади.

Эркаклар табиатида бир-бирига лоқайдлик мавжуд, аёллар табиатида эса душманлик. Буни ҳатто бир касбдошнинг иккинчисига нисбатан ҳаваси, ҳасади, кўролмаслиги деб тушуниш ҳам мумкин. Гадонинг душмани гадо бўлади, деганларидек. Бу ҳол эркаклар орасида онда-сонда учраса, аёл зоти борки, бир-бирини кўролмайдди, чунки уларнинг ҳаммаси битта касб билан шуғулланади. Кўчада дуч келиб қолсалар, худди рақобатчи партияларнинг вакилларидек, бир-бирига синчков тикиладилар. Икки аёл биринчи бор учрашганларида – худди шу ҳолатдаги икки эркакка нисбатан анчайин – ҳаракатлари ясама ва ғайрибағиш бўлади. Шу сабабли бир-бирларига нисбатан мақтовлари беўхшов ва кулгили чиқади. Бундан ташқари эркак ўзидан паст табақали одам билан маълум даражада босиқлик ва ҳурмат билан гаплашса, худди шу ҳолатдаги аёлнинг иккинчисига нисбатан сохта манманлигини кузатиб энсангиз қолади. Бу, демак, аёллар орасидаги табақаланиш тасодифга, – яъни эрнинг жамиятдаги ўрнига боғлиқ бўлиб, у тез-тез ўзгариши ва йўқолиб кетиши ҳам мумкин. Биз эркаклар ўзимиздан пастроқ билан гаплашаётиминг бир нарсани ўйлаймиз. Аёл эса бу пайт фақат қайси эркакка ёққанини назарда тутаяди, холос. Бундан ташқари уларнинг ҳаммаси касбдош бўлгани боис бир-бирларига эркакларга нисбатан яқин туради ва ўзларининг турли-туман найранглари намоён этадилар.

Бўйи паст, елкалари тор, белдан пасти кенг жинсни фақат жинсий ҳиссиёт туфайли ақли

хиралашган эркаккина гўзал дея баҳолай олади: жинснинг барча гўзалликлари ана шу ҳиссиётга қоришиб кетади. Бу жинсни бир қанча асосларга таяниб, кўримсиз ва хунук дея баҳолаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам аёллар таассуроти ожиз. Мусиқага, шеърга, санъатга чин юракдан берилмайдилар. Агар берилсалар ҳам, бу шунчаки бировга ёққиси ва ўйнашгиси келган маймуннинг ҳаракатидан бошқа нарса эмас. Шу туфайли улар бирон-бир ҳолатга холис ёндашолмайдилар. Сабаби, ўйлайманки, қуйидагича: Эркак ўзининг нарсаларига бевосита ҳокимлик қилишга уринади. Ёки ақл билан уларга эгалик қилиш ва бўйсундириш йўлидан боради. Аммо аёл ҳамиша бировнинг ёрдами туфайли ҳокимлик қилишга мажбур, яъни эри – бирдан бир ўзи қўлида тутиб турган восита – орқали. Шу туфайли аёллар ҳар бир нарсага – эри олиб бериши мумкин ва мумкин бўлмаган нарса сифатида қарайдилар. Ва уларнинг бирон нарсага қизиқиши шунчаки ясама ҳолатдан бошқа нарса эмас. Бир вақтлар Руссо: “умуман олганда аёллар санъатнинг ҳеч бир турига қизиқмайдилар, санъатни тушунмайдилар ва ҳеч қандай қобилиятга эга эмаслар”, дея таъкидлаган эди. Ҳа, ҳар бир буюмга бир қарашдаёқ уларнинг ташқи кўринишидан бошқа жиҳатларини ҳам англай оладиган зот буни дарҳол тушунади. Аёлларнинг концерт, опера ва драматик томошаларда ўзини тутишига бир аҳамият беринг. Санъатнинг ноёб дурдоналаридан энг зўр саҳналар ижро этилаётганда аёл болаларча соддадиллик билан ёнидагига сафсата сотишда давом этади. Агар ҳақиқатан ҳам греклар аёлларни саҳна томошаларига киритмаган бўлсалар, тўғри қилганлар. Ҳар қалай уларнинг театрида ниманидир бемалол томоша қилиш, тинглаш мумкин бўлган. Бизнинг замонамизда: “Аёл черковда жим турсин”, деган иборани “театрда ҳам” деган жумла билан тузатиш керак. Ва буни катта ҳарфлар билан саҳна пардасига



осиб қўйса маъқул бўларди. Ҳар қалай аёлдан бундан бошқа нарсани кутиш мумкин эмас. Ахир уларнинг энг ёрқин намояндалари ҳам нозик санъатда ҳеч бир ҳақиқий буюк ва нодир асар яратмаганлар. Ва умуман, дунёга ҳеч бир эскирмайдиган, ўлмайдиган асар тақдим этолмаганлар. Бу айниқса, рассомликда тез кўзга ташланади. Ахир айнан шу соҳада аёллар ҳам эркаклар қатори шуғулланиш имкониятига эгалар. Шуғулланяптилар ҳам. Аммо бу соҳада ўзларининг бирон бир юксак санъат асари билан мақтана олмайдилар, чунки уларда рассом учун жуда зарур бўлган руҳий холислик йўқ. Бундан 300 йил муқаддам Хуан Варте: “Аёлларда ҳеч қандай улкан қобилият бўлмайдди”, деган эди. Истисно тарзида битта – яримта учраб қолиши мумкин, лекин улар умумий кўринишни ўзгарта олмайдилар. Аёллар гоёта тор фикрлайдилар, шу сабабли гоёта ахлоқона тарзда ўзларини эрларига тенглаштириб, ҳақиқатда эса эрларининг амали ва жамиятдаги ўрнига шерикчилик қилиб, ўзлари ўзларининг разил шуҳратпарастликларини қондириб турадилар. Уларга нисбатан Наполеон 1 айтган иборани аслида қонун сифатида қабул қилсалар, яхши бўлади: “Улар бизнинг камчиликларимиз билан, бизнинг тентакона қилиқларимиз билан алоқа қилиш учун яратилган. Зинҳор ва зинҳор ақлимиз билан эмас. Аёллар ва эркаклар орасида баданлар яқинлашуви бор. Ақллар,

юраклар ва феъллар яқинлашуви камдан-кам содир бўладиган ҳодисадир”. Аёллар барча жабҳаларда эрдан кейинги даражадаги иккинчи жинс. Шу сабабли уларнинг камчиликларига нисбатан олижаноб бўлмоқ лозим, аммо уларнинг ҳурматини ошириб юбориш, елкага чиқариб олиш – ғирт аҳмоқлик. Бу ҳолда аёлнинг ўзи биринчи бўлиб эрни назар-писанд қилмай кўяди. Табиат инсон зотини икки жинсга бўлиб, улар ўртасидаги чегара чизигини қоқ ўртадан бўлмаган. Бурунгилар ва шарқликлар аёлларга нисбатан айнан шу нуқтаи назардан қараганлар, аёлларга ҳақиқий ўрнини кўрсатиб қўйганлар ва тўғри қилганлар. Биз эса кўҳна фаранглар каби бачканалик билан ва кулгили тарзда аёллар қошида ўзимизни йўқотиб кўямиз. Натижада аёллар шу даражада олифта ва безбет бўлиб кетишдики, энди улар ўзларини гўё қўл етмас фаришталар мисол тутмоқдалар .

Ғарб аёли ёлғон муҳитга тушиб қолган: ахир аёллар, муқаддас битикларда айтилгани каби, илоҳийлаштириладиган жонзот эмас. Натижада биз ўзимиз яратган ёлғон муҳит жабрини тортыпмиз. Шу сабабли Оврүпода инсон № 2 га ўз ўрнини кўрсатсалар ва ўз жойига ўтишга мажбурласалар, ғоят савоб ишни амалга оширган бўлардилар. Ахир шу туфайли нафақат бутун Осиё бизнинг устимиздан куляпти, балки Рим ҳам, Греция ҳам ўзини тийиб тура олмаяпти. Мазкур тадбирнинг ҳам сиёсий, ҳам фуқаролик ижобий натижаларини ҳисоблаб улгуролмай қолар эдик. Оврүпо аёли шунақа жонзотки, у аслида яшашга ҳақли эмас: майли, бизда уй бекалари бўлсин, қизлар уй бекаси бўлишни орзу қилиб яшасинлар, яъни олифталикка эмас, уй кишиси сифатида тарбиялансинлар. Айнан Оврүпода паст табақали аёллар мавжуд бўлгани сабабли Оврүпо аёли Шарқ аёлига нисбатан анчайин бахтсиз.

Ҳиндистонда ҳеч қачон ҳеч кимга бўйсунмайдиган, ҳеч кимга қарам бўлмаган аёллар яшамай-

ди. У ерда ҳар қандай аёл зоти ё отасининг, ё эрининг, ё ака-укасининг, ё ўглининг қарамоғида. Мену қонунининг 5-боб 148-бандида дейилади: “Аёл зоти болалигида отасининг, вояга етгандан кейин эрининг, эри ўлса ўғилларининг, агар ўғиллари бўлмаса, эрининг яқин қариндошларининг, агар ота томондан ҳам қариндош бўлмаса, отасининг қариндошларининг, агар ота томондан ҳам қариндош бўлмаса, пошшоликнинг қарамоғида бўлиши лозим. Токи аёл ҳеч қачон мустақиллик даъво қилмасин”. Албатта, аёл ўзини эрининг жасадига қўшиб ёқиб юборишига чидаш мумкин эмас, аммо эри бутун умри давомида эшшақдай ишлаб, бола-чақам ҳеч кимдан кам бўлмасин, деб топган мол-дунёни аёл ўйнаши билан ўйин-кулгуга сарфлаб юборишига ҳам чидаб бўлмайди.

Дастлабки она муҳаббати инсонларда ҳам, ҳайвонларда ҳам инстинкт, холос. Ва бола жисмоний жиҳатдан ўзини ўнглаб олиши билан инстинкт тўхтади. Ўрнини ақл ва одатларга асосланган муҳаббат эгаллайди. Аммо афсуски, кўп ҳолларда – агар она отани севмаса – бу нарса рўй бермайди. Отанинг болаларига муҳаббати эса мутлақо бошқа нарса ва мустақам пойдеворга асосланган: ота ўз фарзандида яна битта ЎЗИни кўради.

Салкам барча эски ва янги халқларда, ҳатто готтентотларда ҳам мерос эркакдан эркакка қолдирилади. Фақат Оврүпода, дворянларни бу ҳисобга қўшмасак, мазкур одатга чап беришади. Эркак бутун умр қора тер тўкиб топган мол-дунё аёл кўлига тушса-ю, аёл қисқа муддатда уни ҳисоб-китобсиз совурса, бу жуда ҳам буюк, жуда ҳам шармандали ноҳақликдир. Аёлнинг меросхўрлик ва мулкий ҳақ-ҳуқуқларини қайта кўриб чиқиш билангина бу одатга чек қўйиш мумкин. Менимча, шундай қарор қабул қилиш керакки, унга кўра хотинлар, – ва қизлар ҳам, – мероснинг бир бўлагини олиш ҳуқуқига эга бўлсинлар, зинҳор ва зинҳор бутун меросни эмас. Албатта, оилада эркак мерос-

хўр йўқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно. Мол-мулкни аёл эмас, эркак топади. Шу туфайли аёл унга шаксиз эгалик қилиши ҳам, уни ўзи хоҳлаганча ишлатиши ҳам мумкин эмас. Аёл ўз мулки: пули, уйи, ерига ҳеч қачон ўз билганича эгалик қила олмайди. Уларга доим қаровчи керак: шу сабабли уларга фарзандларининг қаровчиси деб ишониб қўйиш мумкин эмас. Аёлнинг мағрурлиги, – эркакниқидан зиёд бўлмаган тақдирда ҳам! – бир ёмон томонга оғиб кетади: айнан моддий буюмларга, яъни шахсий гўзаллик, ялтир-юлтур, сирти чиройли нарсалар учун кўп нарсани қурбон қилиб юборадилар. Эркакнинг мағрурлиги эса, аксинча, номоддий афзалликларга эга, яъни ақл, билимдонлик, мардлик ва бошқа шу каби жиҳатлар билан ўлчанади.

Арасту ўз “Сиёсат”ининг 11-қисм 9-бандида тушунтирадики, Спарта аёлларга жуда кўп ўрин бергани туфайли (Спарта даврида аёллар меросхўр бўлган, сеп олган, эркин бўлган) ғоят оғир аҳволга тушди ва охир-оқибат йиқилди. Менимча, Фаранг ҳукумати ва саройидаги Людовик XIII давридан айнишларга аёллар сабабчи бўлса керак. Айниб, ижғиб-бижғиб, ниҳоят биринчи революция юз берди. Кейин бир неча тўнтаришлар амалга оширилди. Нима бўлганда ҳам аёл жинсининг биздаги сохта ҳолати жамоатчиликнинг юрак касалидай гап. У юракдан чиқиб, бутун вужудга таъсир кўрсатади.

Аёл туриш-турмуши билан бўйсунилганга маҳкум этилгани шундан ҳам маълумки, уларнинг ҳар қанақаси ҳам ўзи кўникмаган, ўзи учун нотабиий бўлган тўла эркин ҳолатга тушиб қолса, шу заҳоти бошқа бир эркакнинг ёнига боради ва ўзининг устидан раҳбарлик қилишни ўша эркакка топширади. Чунки аёлга ҳаммиша хўжайин керак. Агар аёл ёш бўлса, эркак ўйнаш, аёл қари бўлса, эркак маънавий пир бўлади.

Рус тилидан  
**Абулқосим МАМАРАСУЛОВ**  
таржимаси



**Искандар АКРОМИЙ**

# Инсон қадри

Бугун ниҳоят, инсон қадри ҳақида жиддий фикр юритиш фурсати келди. Нега бугун ушбу мавзуда сўз очмоқдамиз? Негаки, биз ҳозир тарихнинг кескин бурилиш даврида яшаймиз. Бу даврнинг оламшумул масъулияти бор. Алоҳида саъй-ҳаракатлар эвазига эришиладиган нарсалари бор. Зеро, бундай пайтда имкониятларнинг кўлами, буюк орзуларга эришиш йўлидаги иштиёқлар ўзгача!

Қолаверса, инсон қадри ҳақида ўйлаш фурсатини жуда узоқ кутдик. Ўтган аср давомида нафақат инсоний қадр-қиммат, балки инсон ҳаёти ҳам беҳад қадрсизланди. Ҳатто жуда кўпчилик “инсон қадри” деган тушунчанинг ўзини-да унутиб юборган эди. Одамлар беғубор орзу-ниятлар қилиш, турмуш ва яшаш завқини туйиш ўрнига, шунчаки “кун кўриш”, “тирикчилик қилиш”ни ўйлайдиган бўлишди.

Ваҳоланки, Қадр – инсон ҳаётидаги энг олий қадрият саналади.

Инсон қадри – унинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаши, ўз қадрини билиши асносида ўзгаларни қадрлаши, одамларга меҳр бериши, ўз Ватанини севиши,

қисқаси, юсак ахлоқий фазилатлар соҳиби бўлиш, демакдир.

Шундай экан, одамларнинг розилигини сўраб-нетмай уларни колхозларга киритиш, арзимаган мол-мулкни тортиб олиш, бегуноҳ инсонларни суд-терговсиз қатл этиш оддий ҳол саналган собиқ шўро тузумида инсон қадри ҳақида қандай гап бўлиши мумкин эди?!

Инсонларнинг ўз шахсий фикрини билдириши исён сифатида қабул қилиб, шафқатсиз тазйиқ остига олинса;

Миллатнинг ғурурли, ориятли ва иймон-этиқодли фарзандларига “миллатчи”, “халқ душмани”, “босмачи” каби тавқи лаънатлар илиниб, буткул йўқ қилишгача таъқиб этилса?! Уларнинг кичик бир қисмигина Ватандан олисларга бош олиб кетиб, ўзга юртларда “муҳожир” деган миннатли ном остида жон сақлаганлар.

Шундай мудҳиш даврларни бошдан кечириб, ўз Ватанида муқим қолган инсонларнинг аҳволи бундан-да оғирроқ эди. Улар бутун умр тобеликда, ўзгаларга бош эгиб яшашга мажбур эдилар. Энг арзимас шахсий фикр учун ҳам ҳибсга олиниш хавфи доим ва ҳар жойда, бутун умр уларни

таъқиб этарди. Уларда “инсон қадри” деган тушунча, тасаввур бўлиши мумкинмиди? Шахсий фикр мавжудмиди? Ахир, қандай қилиб фикр билдира олишади, агар юраги тўла кўрқув бўлса?

Оқибат – одамлар шу даражада умидсиз ва ғайриинсонийлашиб кетдики, ўзларининг камтарона яшаши, тўғрироғи мавжудлиги учун ҳамма принципларини, руҳини, аждодларининг барча саъй-ҳаракатларини, авлодларнинг бутун имкониятларини бой бериб юбориш даражасига етдилар. Фақатгина бир илинж – бепанд мавжудлигини бузмасалар бас...

Қатъийлик, ғурур, юрак тафти қолмади. Шўро даврида одамлар ҳатто умумий атом ажалидан, учинчи жаҳон урушидан ҳам кўрқмайдигандек бир алфозга келишди. Улар фақат фуқаролик туйғуси ва жасоратидан кўрқар эдилар! Инсон умумий “пода”дан ажралмаса, якка қадам ташламаса, шахсий фикрини намоён қилмаса, тўсатдан оқ нонсиз қолмаса, Москва мурувватидан маҳрум бўлмаса – шунинг ўзи етарлидек эди. Қуллик ва мутелик кайфияти устувор жойда одамлар фақат бу-



гунги кун ташвиши билан яшайди. Бундайларда тарих сабоқларини таҳлил қилиб, хулоса чиқариш у ёқда турсин, ҳатто ўз келажаги ҳақида ўйлашга хоҳиш ва ҳафсала ҳам бўлмайди. Бундайлар учун юрт манфаати, ўзликни англаш, миллий ғоя, миллий ғурур каби тушунчалар буткул мазмунсиз, “ҳавойи” гапларгина, холос.

“Кичик оға” мақоми ва шунга розилик ҳисси одамларнинг қон-қонига сингдирилганди. Сиёсий тўғаракларда омма руҳиятига ана шундай тушунчалар мустаҳкам қуйилган эди. Бу ақида шундай ўрнашиб қолдики, асрий сукунатда қулай яшаш яхши: муҳит, ижтимоий шароитлар, улардан отилиб чиқиб кета олмайсан, борлиқ онгни белгилаб беради, бизнинг нима алоқамиз бор? Биз ҳеч нарса қила олмаймиз.

Шундай муҳит ичра улғайган фарзандлардан нимани кутиш мумкин? Табиийки, улар “инсон қадри” ҳақида фикр юритмас, зеро, бу ҳақда эшитмаган ҳам эдилар! Аксарият ота-оналаридан кўрқоқлик ва лаганбардорлик бўйича “тарбия” олган авлод ҳақида нима дейиш мумкин? Масалан, “жим юрсанг бой бўласан”, ёки “тилинг бошингни ейди”,

## “Ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати ҳақида чуқур ўйлаб кўриши учун имконият бор”

каби “мақоллар” қачон ва қандай муҳитда пайдо бўлган?

Шу тариқа бир неча авлод вояга етди, ҳаётда ўрин алмашди...

Ваҳоланки, ана шундай маънавий ғариб инсонлар кун кечираётган тупроқда бир замонлар инсон қадрини бутун оламга мадҳ этган алломалар яшаб ўтган эдилар! Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий шундай ёзганлар:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай,

Онча борким, Каъба вайрон бўлса – обод айлағай...

Бундан англаймизки, инсоннинг қадр-қиммати – муқаддас Каъбатуллоҳдан ҳам улуғдир!

Инсон қадрини чуқур англаб ва бу қадриятни ҳаётда юксак

мақомга қўйибгина биз озод инсон ва демократик жамият ҳақида кенг фикр юрита оламиз. Шу боисдан, биринчи Президентимиз Ислон Каримов, Истиқлолнинг илк кунларидаёқ: “Мустақиллик – энг аввало ўзбек халқининг иззатини жойига қўйишдир”, – дея таъкидлаган эдилар. Чунки, ўзлигини таниган, миллий ғурури ва иззатини яхши англаган инсонгина ўзгаларнинг иззат-ҳурматиға сазовор бўлади.

Бугун ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати ҳақида чуқур ўйлаб кўриши учун имконият ва энг асосийси – рағбат бор. Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 11 август куни Тошкент вилояти Олмалик шаҳриға уюштирган ташрифи чоғида айтган ушбу сўзларини эсга олиш ўринли: “Агар одамларни энг катта қадрият қилиб юқорига қўймасақ, биз хато қилаверамиз”.

Юқорида, “ҳар бир инсон ўз қадр-қиммати ҳақида чуқур ўйлаб кўриши учун имконият бор”, дедик. Шуни таъкидлаш керакки, инсон ўз қадрини билиши ва уни юксак тутиши – асло иззатталаблик, кибр ёки “ўз-ўзига маҳлиё бўлиш” – ни англамайди. Ўз қадрини билган инсон ўзгаларни ҳам қадрлайди. Сўзи қатъий, эътиқоди мустаҳкам бўлади. Ўз уйини, кўчаси, маҳалласи – ўз Ватанини севади, унинг равнақи учун кучини аямайди.

Ўз қадрини билмаган одам бошқаларни қадрламайди. Қолаверса, Ватанининг ҳам қадрини билмайди.

Инсон қадрини англаш – ўзликни англаш, фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис қилиш, демократик жамиятнинг эркин ва онгли аъзоси бўлиш, демақдир. Давлатнинг, Ватаннинг шон-шухрати ва қадри – унда яшовчи инсонлар қадри ва ғурури билан белгиланади.

Ўз эътиқодида мустаҳкам, соф инсоний фазилатларға эға одамгина ўз қадрини англаган ин-



сон, дейиш мумкин. Ўзлигини, ўз қадрини англаган инсон, доимо ўз шаънини, демакки Ватани шарафини юксак тутати. У бегоналарга тақлид қилмайди, ўзга, ёт ғояларга осонгина берилиб, эргашиб кетмайди. Мансаб ва мақомидан қатъи назар, ўзи каби инсонларга кўр-кўрона қуллуқ қилмайди. Қолаверса, лоқайдлик, порахўрлик, тарафкашлик, маҳаллийчилик... каби иллатлар ҳам энг аввало инсоннинг қадрсизланиши туфайли пайдо бўлади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Биринчи Президентимиз Ислому Каримов, “Халқимиз фақат жисман эмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар-раҳнамолари, олимуси зиёлилари, барча фарзандлари масъулдир”, дея уқтирган эдилар.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил, 18 август куни Бекободда халқ вакиллари билан учрашувда айтган сўзларини юқоридаги фикрнинг амалий ифодаси, дейиш мумкин: “Суворов мактабини Темурийлар деб ўзгартдик. Суворов ким ўзи? Қайси кўчамиздан ўтган?! Гап номда эмас, ғояда, мафкурада, ғурурда! Боғчадаёқ болаларимиз Ватанни, тарихни, гимнни, байроқни, Амир Темурни, Биринчи Президентимизни... яхши ўрганишсин...”

Чорак аср муқаддам буюк Истиқлолни қўлга киритдик, миллий давлатчиликни тиклаш ва иқтисодий-сиёсий барқарорликка эришиш йўлини босиб ўтдик. Миллатимиз олдида ўзининг буюк имкониятлари ва улуғворлигини баралла намоён этиш имкони пайдо бўлди. Масалани: “Бу ёруғ дунёда биз киммиз ва не бир сир-синоатимиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги – XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?<sup>1</sup> – тарзида қўя оладиган ҳуқуққа эришдик.

<sup>1</sup> Ислому Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. Т.: “Ўзбекистон”. 1997. 3-бет.

“Ўз қадрини доимо муносиб тутган инсон, ҳеч қачон виждон қийноғига дуч келмайди”

Бугун юртимизда кечаётган жўшқин ўзгаришлар миллий уйғонишнинг навбатдаги, ўта масъулиятли палласи сифатида таърифланмоқда. Энди асосий эътибор инсон омилига, унинг маънавий-руҳий ҳолатини янада ўстиришга қаратилмоқда. Миллатимизнинг сўнгги бир неча авлодига теккан оғир иллатлардан халос бўлишда тарих ва тақдирнинг бу ноёб дамларидан унумли фойдаланишимиз шарт!

Бизнингча, ишни жамиятнинг митти шакли бўлмиш оиладан бошламоқ керак. Оила том маънода меҳр ўчоғи бўлсагина, ушбу маскандан ўзини қадрловчи инсонлар етишиб чиқади. Бинобарин, оилада зўровонликнинг ҳар қандай кўриниши юз беришига йўл қўйиб бўлмайди. Ота-онасининг ўзаро жанжалига тез-тез

гувоҳ бўлган фарзандлар ўз қадрини билиши у ёқда турсин, умуман бахтдан бенасиб инсонлар бўлиб улғаядилар. Нафақат оиладаги мулоқотлар, ҳатто туғилажак болага бўлган муносабат ҳам унинг қандай бўлиб дунёга келишини олдиндан белгилайди. Руҳшунослар фикрича, аёл ва эркак ўртасидаги меҳр-муҳаббат ҳомила учун бениҳоя муҳимдир. “Бахт она қорнидан бошланади”, деб бежизга айтилмаган!

Шу ўринда ўрта мактаб таълими ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқ жоиз. Мактаб даври – фарзанд тарбиясидаги энг унутилмас, масъулиятли давр саналади. Афсуски, бугун таълим тизимида илдиз отган муаммоларни узоқ санаш мумкин. Аввало, ўқитувчи савиясининг пастлиги, педагогик этиканинг ночорлиги, ойлик маошлар ва ижтимоий ҳимоянинг етарли эмаслиги ўз навбатида бутун маориф тизимида кўплаб салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Бунинг оқибатида аксарият таълим даргоҳларида ўқитувчиларга нисбатан ҳурматсизлик, ўқувчиларнинг бебошлиги, фанларни ўзлаштириш даражасининг пастлиги каби муаммолар оддий ҳолга айланаётир. Бундай ночор муҳитда тарбия топаётган фар-





зандлар инсон қадри ҳақида қандай тасаввур олишлари мумкин? Афсуски, дунёни “ҳамма нарса сотилади ва сотиб олинади”, деган тасаввур орқали таниган одам, ўз дўстлари ва ўқитувчилар у ёқда турсин, энг аввало ўзини қадрлаш нималигини билмайди! Қадимги юнон алломаси Эпиктет ёзганидек, “Бир инсон ўлса ёки уйи ва бор-будидан жудо бўлса – бу унчалик қайғули ҳол эмас. Агар тирик одам ўзининг инсоний қадрини йўқотса, бу – энг катта фожеадир”.

Инсон қадрини, демакки ўз қадрини билмаган фарзанд улғайгач, турли қинғир йўллар орқали олий таълим муассасасига киришни, порахўрлик, таниш-билишчилик, коррупция каби иллатларни оддий ҳол, деб ҳисоблайди. Болалигидан ғурур, орият, ўз қадрини билиш каби фазилатлар сингдирилмаган инсонлар шу тариқа жамият миқёсида катта-катта муаммоларни келтириб чиқарадилар...

Нима қилмоқ керак? Бугун давлат тизимларида учраётган

коррупция ва порахўрлик ҳолатлари ҳамда бу иллатларга қарши мурасасиз кураш ҳақида жиддий фикрлар айтилмоқда, амалий ишлар олиб бориляпти. Ижтимоий тармоқларда айтилаётгани каби, “бугун бизга илғор фикр, илғор технология ва адолатли, мева бера оладиган танқид жуда ҳам зарур!”

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устида жиддий бош қотиришимиз зарур.

Ўйлайманки, бу масаланинг жуда муҳимлигини инobatга олиб, уни давлат сиёсатининг устувор вазифалари даражасига кўтариш пайти келди”.

Давлатимиз раҳбари “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қиладиган вақт келгани”ни таъкидламоқдалар. Ана шундай тарихий даврда ўзлигини англаган, ғурурли, ориятли, ўзига ва имкониятларига ишонган, миллати ва Ватанини севувчи инсонларни тарбиялаб, вояга етказиш – бутун жамият миқёсидаги энг муҳим вазифа бўлмоғи лозим.

Бу вазифани адо этишда миллий маънавиятимизга, аждодлар қолдирган бой маданий меросга ва айниқса кекса авлод тажрибаларига суянмоғимиз зарур. Ватанимиз мустақиллигини қўлга киритишда катта авлод вакилларининг ҳиссалари беқиёс. Қолаверса, уларнинг ёрдами, доно маслаҳатлари ва нурли табассумларига доимо муҳтожмиз! Уларни мунтазам эъзозлаш, ҳамма жойда иззатини ўрнига қўйиш, ҳолидан хабар олиш – нуронийларимиз қадрини янада юксалтиради. Маълумки, ҳар қандай мамлакат тараққиёти ёшлар, аёллар ва кексаларга бўлган муносабат даражаси билан ўлчанади.

Шарқ алломаси Абул Фароҳ фикрича, “Ўз қадрини доимо муносиб тутган инсон, ҳеч қачон виждон қийноғига дуч келмайди”. Тўғри, инсон ҳаётида хатоларга ҳам йўл қўяди. Шунда ҳам ўз қадрини юксак тутиш туйғуси унга хатоларини тан олиш ва тузатиш учун ақл-идрок ва куч беради. Машойихлар, “Хато қилиш айб эмас, лекин хатоларни такрорлаш – айб”, дейдилар. Чунки оталар хатоларини такрорлаш миллат ривожини тўхтатади, авлод бир жойда депсиниб турган отга ўхшаб қолади, юрмасдан чарчайди. Тўғри, беайб Парвардигор, банда борки, хато қилади. Аммо бу хато отасининг эмас, ўзининг хатоси бўлсин, изланишлар, интилишлар, топишлар йўлидаги хато...

Муҳтарам Президентимиз деярли барча маърузаларида: “Менга танқид керак, ўринли ва мева бера оладиган танқид керак, муаммолар бўйича ўз фикрларингни билдириб, лойиҳалар таклиф қилинг”, – деяптилар.

Айниқса, Юртбошимизнинг мана бу сўзлари ўзини қадрловчи ҳар бир фуқаронинг қалбида акс-садо берди, десак янглишмаймиз: “...олдимизда катта режаларимиз, ниятларимиз турибди, одамларимизнинг умидлари турибди. Ҳамма соҳа бўйича режаларимиз аниқ, стратегиямиз бор. Биз келишганимиздек, 5 йил қарсак чалмаймиз, 5 йил бир-биримизни мақтамаймиз. Фақат ишлаймиз, ишлаймиз, яна бир марта ишлаймиз. Одамларимизга оддий меҳнатимиз билан, ҳалол меҳнатимиз билан умид-ишонч беришимиз зарур...”

Бугун ўқиш ва изланиш, ишлашимиз, ўз-ўзимизни ҳамда Ватани янги, юксак марраларга олиб чиқиш учун улкан имкониятлар даври келди.



Эмиль КРОТКИЙ

# Ёзилмаган асарлардан нарсалар

\*\*\*

Яхши ҳикоя қисқа бўлиши керак. Ёмони ундан ҳам қисқа.

\*\*\*

Ҳар қандай балчиқ шифобахш эмас.

\*\*\*

Шляпани бошга қараб танлашади, аксинча эмас.

\*\*\*

Ёмғирли ҳавода чиққанлиги учун ҳам ... кўзиқоринлар соябон (ёмғирпўш) шаклига эга.

\*\*\*

Аёллар диссертацияга ўхшайди: уларни ҳимоя қилиш керак.

\*\*\*

Дам олишдан қайтгач, мақтанди: бошлиғимиз билан битта денгизда чўмилдим.

\*\*\*

Икки кишилашиб ёзишди, шуҳрат эса биттасига ҳам етмади.

\*\*\*

Акс – садо ҳамма саволларга жавоб қайтаради, аммо саволлар билан-да.

\*\*\*

Денгиз сувининг шўрлигига ишонч ҳосил қилиш учун унинг ҳаммасини ичиш шарт эмас.

\*\*\*

Чумчуқнинг назарида автомобилт отга нисбатан унчалик такомиллашмаган: у гўнг бермайди.

\*\*\*

Ҳамма нарса оз-оздан бошланади. Худо биринчи куни фақат ер билан осмонни яратган.

\*\*\*

Унинг эри шунчалик рашкчи эдики, ҳатто бегона эркакларнинг тушига киришига ҳам қўймасди.

\*\*\*

Касалликларни узоқ қариндошлар ҳам мерос қилиб олиш ҳуқуқига эга.

\*\*\*

Пьесада ва залда бўш жойлар кўп эди.

\*\*\*

Ўзининг кичкина оиласи учун у катта одам эди.

\*\*\*

Ҳаёт мактабларида ўзлаштирилмаганларни қайта босқичда ўқишга қолдиришмайди.

\*\*\*

Ўзидан баланд турганлиги учун ҳам, тоғларни ёқтирмасди.

\*\*\*

Донишмандлар ва тиш шифокорлари илдизга қарашади.

\*\*\*

Ҳикоя шунчалик қисқа эдики, муаллифнинг истеъдодсизлигини зўрға ёпиб турарди.

\*\*\*

Ҳаётга енгил муносабатда бўлиш уни оғирлаштиради.

\*\*\*

Унинг омади келди: уни уриб юборган “Тез тиббий ёрдам” машинаси эди.

\*\*\*

Нохушлар телеграммалар ҳамиша кечикмасдан етиб келади.

\*\*\*

Ҳар хил усулда сузишади. Чўкиш эса бир хил.

\*\*\*

Кўзойнак дўконида:  
“Жаноб, сизнинг кўзингиз бу ойнакларга тўғри келма-япти”.

\*\*\*

Тиш оғриғи арзимаган нарса, агар оғриётган тиш бошқаники бўлса.

\*\*\*

Ҳажвий журнал: “Ҳазилдан ташқари”

\*\*\*

Шаҳарлик бола. Тўрт оёқлилардан фақат стулни кўрган.

\*\*\*

Агар ўғрилар кўпчиликини ташкил ташкил этганда ҳалоллик жиноят каби жазоланадиган бўларди.

\*\*\*

Қарияларга уларнинг ёшлигида пиллапоялар бунчалик тик бўлмагандай туюлади.

\*\*\*

Маймундан келиб чиққанлигини биларди, аммо, айнан қайсинисиданлигини эслолмасди.

\*\*\*

Қора ишлар билан ҳам оқ нонга пул топишади.

\*\*\*

Биз у билан параллел чизиқларга ўхшардик: ёнма ён борардик, лекин кетишмасдик.

\*\*\*

– Сиз андак шошмай турунг. Беш минутлик йиғилишимиз қирқ минутдан ортиқ чўзилмайди.

\*\*\*

Турмуш онгни белгилайди, ичиш уни лойқалаштиради.

\*\*\*

Енгил-елпи алоқалардан оғирроқ нарса йўқ.

\*\*\*

Қурт олма унга яшаш жойи учун яратилганлигига ишонарди.

\*\*\*

Мен юз граммдан ортиқ ичмайман. Аммо юз грамм ичгач, бошқа одамга айланман, ўша бошқа одам жуда кўп ичади.

\*\*\*

Шифокор ичишни тақиқлагани учун аламидан ичди.

\*\*\*

Омадинг юришмаган шаҳар, архитектураси бўйича ҳам, қизиқарли эмасга ўхшайверади.

\*\*\*

Ибратни бошлиғидан, порани қўл остидагилардан оларди.

\*\*\*

Одамлар орасидаги муносабатларда ёлғон машина учун мойга ўхшайди: у қаршиликини камайтиради.


\*\*\*

Ҳеч нарса ўқимади. У ўқувчи эмас, ёзувчи эди.

Русчадан **Ҳабиб Сиддик** таржимаси



Холмуҳаммад КАРИМИЙ



# Обунҷоқ Тош

Ҳикоя

Ҳамма замонларда ҳам хўроз бир хил қичқирган. Қадимдан тегирмонми, дўконми, чойхонами шунга ўхшаш одам гавжум бўладиган жойларда хосланмаган-у, лекин барқарор кўнгул очар масканлар бўлган. Яхши-ёмонни ҳам шу ерда кўрасиз-эшитасиз, яхшилиқ ва ёмонлик ҳам шундай жойларда ривожланар экан... Катманда ҳам кунлар исиши билан дов-дарахтларнинг соя-салқинидаги қўлбола сўриларда чоллар давра қуришади. Кўплари чимга чопонини солиб ўтиради. Эрмакка қарта ўйнайди, шахмат ёки нардани тикирлатади. Хуллас, гурунг қизийди.

Мана шу масканда бошқалардан барқарор бир давра бор. Сирасини олсанг, кайфият орқали белгиланадиган мезон бу. Бу нарса аксарият ҳолларда ўз-ўзидан келиб чиқадиган воқелик. Ҳа-я, худди шундайлигини мен ҳам кузатдим. Ёшлигида кўпқари чопиб, қурларда олишиб суяги қотган Ўроқ чол ҳеч кимга гап бермайди. Эрталабдан ўтган-кетгани гапга солиб ўтиради. Ўзининг гапи қўшиладиганлари келгунча худди шундай бўлади. Тенгқурлари келгандан кейин эса тўшамчи остидан қартани олади. Вақт ўтказиш учун топиб олган овунчоқлари шу. Яна бири Менгнор сағир ўзидан олдин товуши келади: “Ўроқ, жойингда ўтирибсанми? Тўшамчини созла, ортиқча одамни айланторма”, – дея узоқдан шовқинлайди. Менгнор сағир тикка гапли, қотмадан келган муштдеккина жуссали. Ота-онадан эрта етим қолгани сабаб сағир лақабини олган. Ҳамма уни Менгнор сағир дейди. Ўзи ҳам кўнглига оғир олмайди. Унга фарқи йўқ, каттами, кичикми, барини сенсирайди, бировни сизлаб гапирганини ҳеч ким эслай олмайди. Ўзимизнинг тентак сағир-да, дея одамлар кулиб қўйишади. Шу-шу умри тикка гапли бўлиб ўтди.

Ҳамон дали-ғули Ўроқ чол пахта бригадири бўлиб умри ўтганиданми, жой эгаллашни яхши кўради. “Эй чоллар, жой-жойингни билиб ўтир, бир эрмак қилайлик”, – дейди дўриллаб. Уларнинг доимий ҳамроҳлари олтмишдан ошиб, етмишни қоралаган Хўшбоқ чол билан Омон чол соқолларини калта кузаб юришади. Бошидан иғири чиққан телпаги, саратон чилласида ҳам елкасидан желаги тушмайди. Улар ўтирган жойда гурунг қизийди. Даврани қизитадигани бу – Менгнор сағир. У нимани ўйласа, шуни дангал айтадиган одам. Ўзимга зарари бор ёки фойдаси тегади деган ўйнинг ўзи йўқ. Бошқа бировни мулзам қилиб қўймай деган хаёлга ҳам бормайди. Тақдир-битик деганларидек, бошига тушган қора кунларни ҳам чапанилик билан енгиб кетаверган. Унинг чапанилигини ҳамма билади. У бор ерда давра қизийди. Кулги тўхтамайди. Яна бир яхши қилиғи бор: бировнинг гапига чил солмайди. Энг муҳими, у бор даврада жозиба бўлади. Аслида-ку, умри қора меҳнатда ўтган қораяғриннинг билгани нима ҳам бўларди: ўтган-кетгандан, яхши-ёмондан гурунглашиб ўзларини овутишади. Менгнор сағирнинг гурунгига не ётсин. Ишқилиб кўргани борма, кечиргани борма, эшитгани борма, тўй-томоша деганларидек ўзидан қўшиб-чатиб гурунгга маза киритади. Қарта ўйин ҳам аслида, улар учун бир гурунг.

– Ҳей Ўроқ, сен кўп хириллаб, қартани чангаллаб ўтирма-да, дангал-дангал ташла, – деб Менгнор сағир танбех беради. Бошқалар унинг гапини қувватлаб кулишади. Нимагадир доимо Ўроқ чол билан шерик тушиб ўйнайди-ю, аммо уни ҳам ҳеч аяб ўтирмайди.

Ора-сира сал гўлроқларини гиж-гижлаб кулги қилишади. Хўшбоқ чол хотини ўлгач, ёшроқ хотинга уйланиб, пешонаси ярқираганини юз-кўзидан, қандайдир

ёшларга ўхшаш қилиқлар чиқарганидан билиб олса бўлади. Ўроқ чол муғамбирона гапни айлантариб келиб, гурунг равишини шу ёққа буради.

– Хўшбоқ ошнанинг фирромлигини қара-я, болалигида ҳам қув эди, – дейди Ўроқ чол рақибининг айбини очиб, нотўғри ташлаган қартасини ҳаммага кўрсатиб, – Менгнор сағир, сен ҳам уни яхши биласан (Ўроқ чол ундан уч-тўрт ёш катта). Қизаргани кўрса кўзи ўйноқлаб кетарди-я. Айниқса, тўй бўлса бунинг жони кирарди. Ўша замонда отарчилар ўйинчи қиз олиб юрарди. Чунки ўйинчи қиз бўлмаса, ҳеч ким даврага чиқиб ўйнамасди. Хўшбоқ ўйинчи қизни ҳам мот қиларди. Отарчига даврани қиздирадиган шундай ўйинчи керак бўлган. Гижбада-гижбанг авжига чиққанда, у бесуяк бўлиб қолар, даврани гир-гир айланар, ўйинчи қиз атрофида парвона бўлар, қош-кўзларини қоқарди. Ўша пайтлар жуда бало эди-да ўзиям. Неча бир ўйинчи қизга суқи кириб, касал қилиб йўқ қилди ҳам.

– Оқсоқолнинг кўп гапи ўтирик, лекин бирда-ярим ўйнаганимиз чин. Энди кўздан нур кетган-да, илғамай қолибман, – дея қартасини қайтиб олади, аммо мақтовлардан соримойдек эриб, устидан кулаётганларга қўшилиб ҳиринглайди.

Омон чол мисоли айиқ. Дунёни сув босса тўпигига келмайдиган хилдан. Яхши гапни ҳам, ёмон гапни ҳам бирдек эшитиб ўтириверади. Ўзи гапга аралашмайди. Қартани яхши ўйнайди. Айниқса, шахмат жони-дили. Аммо тенгқурлари шахматга қизиқмагани учун у ҳам қарта билан овунишга мажбур.

Бу юртда олти ой ола ёз деган гап бор. Баҳорнинг ярми билан кузнинг ярми ёзга тобин. Ёгин-сочинли кунлар ўтиши билан бирдан кунлар исиб кетади. Чолларнинг қиладиган ишлари гурунг. Сара-

тон кириши билан қир-адирларда кўтарилган чанг-тўзон қишлоқ устига ёприлади. Жазирама кучайгандан кучайиб дов-дарахтнинг сўлини олади. Дарахтлар бир ҳафта остидан сув ўтмаса шалпаяди. Саратоннинг чилласида одамларнинг ҳам ранг-рўйига чанг қўнади, жони тош одамгина кўча-кўйда санғийди. Сал камдармоннинг жонини суғуриб олиши нақ. Аммо...

Менгнор сағир охирги пайтлари давраларда кам кўринадиган бўлиб қолди. Хотинининг тоби қочибди, оғир ётганмиш... Шунда унинг жойи бўш қолди. Қурдошларига йўқлиги билинди.

Хотини тўшақда, ана кетди-мана кетди билан саратоннинг қандай ўтганини билмай ҳам қолди. Дард бекорга келмаган экан, тийрамоҳнинг ўртанча ойида узилди. Юзи сўлиб, кесакдек гезарган кампири бетига қараб, ўзи ҳам сил бўлди. Дўхтирлар айтишича, кампирининг жигари қурибди. Давоси йўқ эмиш. Кампири оёғини узатган замон Менгнор сағирнинг кўнгли хувиллаб қолди. Жанозада уни билган-билмаганнинг бари қатнашди. Қабр бошидан ғариб бўлиб қайтган Менгнор сағирга далда бериб тарқалишди. Менгнор сағир чин дунёга кетган кампири устига тупроқ тортиб, ер устида бир ўзи ёлғиз қолгандек гарангсиди-қўйди.

Кўча-кўйда аввалги Менгнор сағир энди йўқ. Гурунгларда ҳам шашти паст. Кейин-кейин онда-сонда кўриниш берадиган бўлди. Орадан қанча сувлар оқиб ўтди, мусибат эскирди. Қорлар ёғди, дардларни кўмиб юборди, ёмғирлар ёғди, аламларни ювиб кетди. Бир куни Менгнор сағир пайдо бўлди. Аввалги шашти йўқ. Гаплари ҳам синиқ. Мавридини топиб, Ўроқ чолга кўнглини очди.

– Ўроқ, сен одамлар билан мурося қилиб умринг ўтди. Бизнинг ўғилларга ҳам бир насиҳат қил,

– дер экан, Менгнор сағирнинг киртайган кўзлари ёшга тўлди.

– Болалар гапимни қулоғига илмаяпти.

– Уйланишинга қаршилиқ қилаяпма, – деди Ўроқ чол, ҳайрон бўлиб.

– Кампирнинг ўрни қаттиқ билинапти. Ёлғизлиб қолдим. У яхши хотин эди. Бир умр сен-менга бормадик. Аммо шу боласи тушмагирлар кимга тортган, билмайман. Нима жин урди уларни. Ҳаммаси менга ўқрайиб қарайди.

Ўроқ чолга дардини дастурхон қилди.

– Мана, Хўшбоқнинг болаларини қара, мўмин-қобил экан, отасини тезда уйлантирди-қўйди. Қора кийиб юргани йўқ. Ҳаммасини тақдир-пешонага йўйишди. Отасининг дуосини олиб ўтиришибди. Менчи, мен болаларга ёки онасига бир ёмонлик тилаганмидим. Мен уни ўлсин дебманма? Ё шу хотиннинг пешонаси шўр экан, ё менинг пешонам шўр экан, – дейди баттар эзилиб. – Ҳаётда одамга ўхшаб яшаган бўлсам, шу хотинга уйланиб, уй-иморат қилгандан сўнг билдим. Болалар бу гапларни қайданам тушунади.

Икки чол анчагача гурунглашиб ўтирди. Одам тафтини одам олиши чин экан, Менгнор сағир анча енгил тортиб уйига кетди.

Нимагадир у яна қорасини кўрсатмай қўйди. Шу гурунгдан бери Ўроқ чолнинг ичи куяди. Ҳамга ботган одамга ёрдам бергиси келади-ю, йўлини тополмай гаранг. Бир куни унинг уйига борди. Ҳар доимги икки хонали томидан топди. Кампири бор пайтларда неча келган бўлса, бу уй файзли бўларди. Яйраб-яйраб гурунглашиб қайтарди. Ҳозир эса қўқидиқ, эски-тусқи гилам-тўшақларда кучук боласидек ўз кунига фингшиб ётибди экан. Менгнор сағирнинг катта боласи Алимни чақиртирди. У худди шаҳарликдек ўзига икки қаватли уй қуриб олган, ота уйи етимчадек мунғайиб турибди.

Чол эртароқ ўлса-ю, бира-тўла қутулса. Кўзга ёмон кўриниб турган мунов кулбани ҳам йўқ қилиши аниқ. Келин ҳам қисир байталдек кунявереди. Кўз қири билан барини кузатиб билган Ўроқ чолнинг зардаси қайнади: “Отаннинг ётишини қара, билиб қўй, бу қайтар дунё, эртага сенинг бошинга шу кун тушса, кейин бировдан ўпкалаб юрма, хў бола”, – дея қаттиқ танбеҳ берди. Аҳвол чиндан ҳам ачинарли эди. Аммо ўғил ҳам ўзини оқлайдиган гап топди. Бу дунёнинг ўзи шу. Ҳамманики ўзига тўғри. Отаси эртаю кеч сўкинармиш, нолиб, ҳаммадан норози бўлармиш. Гоҳо қарғана-верганидан келин ҳам, неваралар ҳам безиллаб қолибди. Хуллас, паст-баланд гаплар айтилгач, Ўроқ чол ҳаммасини болаларига ҳавола қилиб чиқиб кетди. Лекин кўнгли тўладиган бир иш чиқаролмади. Бўйни ҳам бўлиб, юраги ачишгани қолди. Худо пешонага битмаса, қийин, ўзингдан чиққан балога қайга борасан давога.

Ўроқ чол узоқ тинч ётолмади. Менгнор сағир кўз олдига келганда, ўзининг ҳам бошига шундай кунлар тушишидан кўрқади. Кўрққани сайин сағирни ўйлайди. Яна уни кўргали жўнади. Ҳарқалай фарзанд-фарзанд экан. Жиллакурса, одамлар олдида уялмайлик деган. Нима бўлганда ҳам бир қарининг шароитини созлабди. Олам-жаҳон ўзгариш. Бироқ сағирнинг кўнгли ором топгани йўқ.

– Бобо, отамга ҳамма нарсани муҳайё қилиб берган бўлсак. Жой-тўшагини озода қилиб қўйган бўлсак, ош-овқати вақтида бўлса...

– Отанг ошдан ўлдим деяётган йўқ. Ўзига бир маҳрам керак. Қари ҳам гўдак бўлиб қолар экан, билсанг агар. Гапи қўшиладиган бир тенгини топиб беринглар.

– Гапингиз тўғри, лекин ундай аёлни қаердан топамиз. Бир бедавога йўлиқиб, бундан баттар



бўлишидан андишадаман. Кейин ҳаммамизни нотинч қилади.

Хуллас, Ўроқ чол ундай деса, у бундай деди. Бундай деса, у ундай деди. Отасини уйлантиришни бўйнига олмади. Менгнор сағир бу гапни эшитиб батамом чўкиб қолди. Кўлида таёқ, ўзи билан ўзи гаплашиб, тентакка ўхшаб сермалжийди. Кундан-кун энди кўзлари ҳам хира тортиб бораверди. Алим отасини икки-уч бора кўз дўхтирга олиб борди. “Бу ёғи қариллик, даволатаман деб югуриб юрма”, – дейишди дўхтирлар. Шу шу кўздан қолди. Энди кўр отани еталаб юрадиган бўлишди. Чоллар ундан кўнгил сўрашга кирганда сағир бечора йиғлаб қолади.

– Сағир ўсдим, биров менга оқ-қорани танитмади. Бир умр сув кечиби, лойқа тортдим, фаравон ҳаёт қурамыз, ишла дерди Майрам шўро дағдаға билан: ҳали шундай кунлар келадики, еганинг олдинда, емаганинг ортинда. Кўнглинг тусагани бўлади, деб алдаган экан энағарлар. Мана Майрам шўро ҳам ўлиб кетди, бошқалари ҳам. Аммо ваъда қилган нарсасидан бир нишон кўрмадик. Ўшанақа даюсларнинг гапига чиппа-чин ишониб, эшақдек ишладик, кўрган куним курисин аввали, фаравон ҳаёти шума? Шуйтиблар бўлмаган гапларга ишониб, сағир бўлиб қолавердим. Хотиним ўлди, яна сағир қолдим. Болалар суянчим бўлама дегандим, булар ҳам мени етимдек турткилайди. Боладан ҳам худойим солмаган экан. Кўзимнинг нури қочди, энди ҳаётдан ҳам сағир бўлиб ўтирибман.

Уч қурдош чол ҳам мулзам уйдан чиқди.

– Менгнор сағирнинг куни курисин, – дейди Ўроқ чол чим устида жойлашиб олгач. – Менинг болаларим ҳам улардан ўтса ўтадики, лекин қолишмайди. Ишдан келиб хотинчасининг олдига кириб олади, ота ёки она қандай ўтирибсан деган гап йўқ.

Агар шу болалар нон-ошингни бериб турса, худо билади бошимизга не кунларни солади. Худога шукр ош-сувимизни кампирнинг ўзи эплайди. Бирдан-бир нарса, кампирдан олдин кетаверишни худодан тилаб ётибман. Келинга куним қолмасин илойим. Шу уларни уч кундама, тўрт кундама бир кўраман, қартадан чемпион бўлаяпсизма, деб ҳашува қилади энағарлар. Яхшиям нафақа пули бор. Биз ҳам бола боқдик, уларнинг бирови кўлимга тўрт танга берганини эслаёлмайман. Ҳуши тутганда бирови ярим кило новвот, бирови икки шапати нон кўтариб келади. Нимасини гапирай, ҳаммасини ичга ютамиз-да, – дейди-ю, пешонасини силайди. Кейин ачиниб кўяди. – Ўзимни кўйиб, шу сағирни ўйлаб ичим эзилади.

– Бизики ҳам шўл, аммо ўғиллардан қизлар тузувга ўхшайди, – дейди индамас Омон чол ҳам энсаси қотиб. – Ўғилларнинг кўргани ҳам, билгани ҳам сочи узун, ўшанинг чизган чизигидан чиқолмайди. Тағин гапирсанг ёмон кўради-ей.

Бироқ Хўшбоқ чол индамай кўяди. Чунки унинг болалари қобил. Бошқаларга ўхшатиб, катакдек уйга тиқиб кўйгани йўқ. Кастрюлидан гўшт-мой аримайди, асал, ҳолва, мағиз, ўрик, қанд-қурсдан сандиғини тўлдириб кўяди. Келинлар ҳам қобилгина. Неваралар ҳам атрофида парвона. Хўшбоқ чол йўлга отланса, машинани кўндаланг қилади. Мунов ўгай деб, отасининг хотинини ҳам силкиламайди. Отасининг кўнглига қараб, унинг ҳам ҳурматини қилади. Шу болаларнинг ҳам бошқалардан кам жойи йўқ, лекин ортиқлиги бор бўлса бордир. Тенгқурлари куйиб кул бўлаётганда, мақтаниб ўтириши яхшима?

Уларнинг қарта ўйнашга ҳам кўнгиллари чопмай узоқ ўтиришди. Ўйлай-ўйлай бир чора тополмай тарқалишди. Орадан

икки-уч кун ўтиб Ўроқ чол ёлғиз ўзи Менгнор сағирнинг олди-га борди. Бурунги сағир қани? Тикка-тикка гаплар қайда қолди, энди гўрга кўмилгандек шобирсиз ўтирибди. Йиғлашдан бошқасини билмайди. Буни кўриб Ўроқ чолнинг баттар ичи эзилди. Соч-соқоли ўсган, уни кузаб кўядиган одамнинг ўзи йўқ. Нима қилиб бўлса ҳам унинг кўнглини кўтаришни хоҳлайди. Бу ҳақда уйида кўп ўйлаб кўрди. Ўзи ҳам бир кўрсавод бўлса, ҳеч томонга бошқаролмай хўп гаранг бўлди. Ўйлай-ўйлай боши қотди.

– Ошна, мен бир гап топиб келдим. Атайлаб бориб эшонболардан сўрадим.

– Нима гап? Эшон дейсанма? – дея Менгнор сағир бирдан сергакланди. Бир лаҳза зорланишларини унутди.

– Ҳа, сенинг учун маслаҳат сўраб бордим.

– Нима экан? – дея Менгнор сағир худди кўзлари кўраётгандек унинг оғзига тикилиб қолди.

Ўроқ чол нимадан гап бошлашни билмай дудуқланди. Юзта десам камлик қилар, кўпроқ айтсам бечора шунга овуниб куннинг ўтганини билмай қолади. Кўрга кеча-кундузнинг нима фарқи бор. Болаларни безор қилмай ўтиргани маъқулдир. Ўзига яхши. Кейин унда-бунда эшитган гапларини тўқиб-бичиб тушунтира кетди.

– Кўйнинг қумолоғидек келадиган тошдан мингта. Болалар тошларни ювиб-тозалаб берсин, келин икки халта тиксин. Ҳаммасини бировига солиб, қиблага қараб ўтириб, ҳар битта тошга “Аллоҳу акбар” деб “суф”лаб бўш халтага солаверасан. Шуйтиб бирини иккинчисига ўтказиб бўлганиндан кейин дам ол. Чой-пой ичгандан кейин чарчаган бўлсанг ухла. Шундай қилиб бир кунда беш марта тошларни бунисидан-унисига алмаштир. Оқ-қорани танимай ўтдим деб куйиниб ўтирма. Мана, шу иш беш вақт номоз

жойини босар экан, деб тушунтириб берди.

– Шундайма!? Шундай қилса бўламакан? – Менгнор сағир ота-онасини топиб олгандек хурсанд бўлиб кетди. Ўроқ чолга яқинроқ сурилиб ўтирди.

– Бу гапни болаларга ўзинг тушунтир. Ҳаммасини ҳозир менга қилиб берсин. Кейин ўзинг ўргат. Умрингдан барака топ, Ўроқ. Бу дунёда мени ҳам ўйлайдиганлар бор экан-а. Худойимга шукр.

Ўроқ чол ўзининг ўйлаб топган кашфиётини осонгина қабул қилишини хаёлига келтирмаган эди. У Алимга тушунтирди. Гапнинг охирида эшонбобо айтганини алоҳида таъкидлади. Бунга ўхшаган овомларнинг эшонга ихлоси баландлигини билган Ўроқ чол шу гапга маҳкам ёпишиб олди. Алим ҳам бу ишни тезда бажаришга киришди. Бу иш отасига хотин олиб беришдан осон. Бунинг устига эшонбобо айтган бўлса-я. Ўроқ чол гурунги бериб ўтираверди.

Орадан икки соатча вақт ўтиб, Алим селгадан роппа-роса минг дона тош солинган сатилни келтирди. “Отам учун шахсан ўзим бордим. Селгадан тердик, бирдан ювиб келаяпмиз”, – деб уйга киритиб берди. Келин ҳам халталарни тикиб улгурган эди. Ўроқ чол фаросат қилиб ўргатишга киришди.

Кун пешиндан оққанда Менгнор сағирни қиблага қаратиб ўтирғизиб, икки халтани олдига қўйиб, ўзи тўқиган ўтириклари учун тавба қилиб-қилиб уйига жўнади. Аммо ёлғони элга ошкор бўлмаслиги учун бу гапларни бировга билдирмади. Ҳеч нарсани билмагандек гурунгини

қилиб юраверди. Шундан кейин Менгнор сағирниқига боришга бетламай қолди. Кўрни алдаганига кўп афсус чекди. Қариганда ўтирик гапиргани ўзига ҳам оғир ботди. Орадан саратон бутунича ўтиб кетди. Кўксида тошдек бир нарса осилиб, дилини оғритиб юраберди. Охири чидамай қолди. Тийрамоҳ бошлангандан кейин элнинг кўпи далада, қолганлари ҳам ёғин-сочинга қолдирмаси хас-хашагини, дон-дунини йиғиштиришга киришиб кетган. Гавжум давралар ўрнида фақат уч-тўрт чол қолди. Бир куни гурунги тугатиб, Ўроқ чол ҳаммадан кейин ўридан кўзғолди. У йўлини уйи томон эмас, бошқа томон бурди. Шу вақт оралигида ундан бир хабар эшитгани йўқ. Ўлдинг-ўчдинг дегандек гуми-гурс бўлиб кетганидан алағда. Чанг қоплаган дов-дарахтлар жўгининг тўрвасидек хилпиради. Аланларда ажриқлар сарғайган, йўл четидаги ёнтоқларни моллар пўнтоқ қилиб еб кетган, кимсасиз кўчалар шамолда тўзғиган, қишлоқ қаримсиқ тусга кирган, Ўроқ чол тупроқ кечиб имиллаб, оёғини судраб босади. Менгнор сағирга айтган ўтириклари учун яқинлашгани сайин ичида айтаётган тавбалари кучайиб, кўнглига ғулғула солади.

Менгнор сағирнинг ҳовлисида бурилиб, Алимни чақирди. Ишга кетган экан, унинг катта ўғли чиқди. Ўспирин кўришиб-сўрашиб бобосининг олдига йўл бошлади. Унинг гапига қараганда, бобоси мутлақо ўзгариб кетганмиш. Шундан бери тошга суфлаш билан овора бўлиб қолибди. Қулоғи ҳам оғирлашибди-ю, аммо шу неварасининг гапини эшитармиш. Шу

невара ҳожатгами, ювинтиришгами, таҳоратими, ишқилиб бобоси билан етаклашиб юраркан. Бобоси ҳам фақат унинг отини тутармиш. Бошқа билан гаплашмай қўйибди. Уйга қамалиб олиб, овунчоғи, тошга суфлаш.

Ўроқ чол бу гаплардан аввалига ҳайрон бўлди. Аммо ичидаги кўрқув босилиб, сал ўзини енгил сезди. Барибир ўтирик гап билан кўрни алдагани учун ичида тавба қилишни қўйгани йўқ. Менгнор сағир оппоқ тўшак устида, оппоқ либосда, мисоли фариштадек бўлиб, пичирлаб-пичирлаб тошчага суфлаб халтага соларди. Бу ҳолга кўзи тушган Ўроқ чол: “Ё парвардигори эгам тавбангдан, тавбангдан”, – дея кўрқиб кетди. Ўтирик айтиб катта гуноҳ қилиб қўйгандек қалтиради. Ёшлигида гуноҳ қилдима, савоб қилдима ўзи ҳам фаросатига бормади. Аммо қариганда худони ҳам, бандани ҳам алдаб ўтирганидан баданлари титраб кетди. Менгнор сағирнинг невараси: “Бобо сиз чойдан ичиб ўтиринг, санокни тугатса, ўзи туради”, – деб кўрпачага таклиф қилди. Ўроқ чол ичидан зил кетиб ўтириб қолди. Менгнор сағир бир умр излаган нарсасини топгандек дунёни унутган, жон-дили билан тошга суфлашга берилиб кетган. Остонада бўлаётган гап-сўзлар карнинг қулоғига кираётгани ҳам йўқ. Ўроқ чол ошнасига томоша қилиб ҳайратланиб ўтираверди. Тошлар бир халтадан иккинчисига ўтиб ҳам бўлди. Менгнор сағир узоқ дуо қилди. Ва бўш халтани пайпаслаб оғзини очиб қўйди-да, яна бошидан тошга санашни тушди: “Аллоху акбар, суф-фф-ф”...



# Шукрона

Ҳикоя

Жумабойнинг кўнгли бугун алағда. Боядан бери юрагини аллақандай юк боғлаб ётибди. Тўқайдай бетартиб ўсган қошлар Жумабойнинг ички сирини ошкор қилмоқчидай қалқиб чиқиб, бир-бири билан айқашиб кетган. Буғдойранг юзлари тунақдай қорайган. У ҳали-вери юрагини қўйиб юбормайдигандай туюлган ғулғулани сал унутарканман деб ташқарига чиқиб, мол-ҳол билан андармон бўлмоқчи эди, лекин, ҳафсаласи баттар суслашди. “Ё пирим-ай?! Бу нимаси экан-а? Ҳеч ерда ҳеч гап йўқ, одам ҳам ўз-ўзидан бетоқатланаверадими? Боягина ўзимни яхши ҳис қилаётувдим-ку, ахир. Бу ғулғула қаёқдан келиб мени ушлаб олди? Ҳавонинг ҳам раъйи чатоқ. Бир совутиб, бир кўтарилиб турибди. Куёш биратўла сахийлигини кўрсата қолса-ку не яхши. Бу дейман, юрагим бесаранжомлашиб, алағда бўлиб туриши ҳам шу об-ҳаводан бўлса, керагов...”

Эрининг бир жойда кўним тополмай, безовталаниб юришини кўрган Арзибека бобиллади:

– Нима бало урди? Бир жойда тинч туролмай типирчилайсан?! Гоҳ кирасан, гоҳ чиқасан! Сенинг тентираб юрганингни кўрибоқ менинг бошим фир-фир айланиб кетаётир.



**Қумар БЕГНИЯЗОВА**

1990 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир туманида туғилган. Ўзбекистон жаҳон тиллари университетини тугатган.

Арзибека ўчоқдаги ўтни косови билан ниқтаб-ниқтаб сураркан, бобиллашда давом этди:

– Эркак одам уйдаги хотини билан дардини бўлишади. Сенинг эса бор билганинг ичингда! Суғуриб олмасам, сира тиш ёриб айтмай демасан!

– Ичимда қармоққа илин-гудай дард бўлса, айтаман-да! Нима бўлганига тушунмаяпман. Сахардан бери танамни оғир юк босгандай. Қўл-оёғимда жон йўқ. Ё туриб, ё ўтириб ҳаловат тополмаяпман. Сен бўлса суяк ўтадиган гапларинг билан жонимни тўғрайсан. “Сирингни айт, дардингни айт” деб, ҳоли-жонимга қўймайсан. Мен бечорада сенга ҳам айтмасдай қанақа сир бўлсин ахир!

Шу гапларни айтиб Жумабой илжаймоқчи эди, аксига олиб шуни ҳам эплай олмади. Илжайгани кўнгилдагидай чиқмаганини хотинининг совуқ қарашидан сезди...

Кечкурундаги овқатни им-жимсиз едилар. Хотинининг қўлидан ўлмай омон қочиб қутулиб қолган чивиннинг визиллашигина орадаги жимликни бузиб-бузиб қўярди.

– Нариги овулдаги Хўрозбек қайнаганинг келини кўз ёрибди. Шунга эртага “сочувтўй” бераётган эмиш. Боя хабарчи келиб айтиб кетди.

Арзибеканинг овози Жумабойнинг хаёлини бўлиб юборди.

– Сочувтўй дейсанми? Кеча эмасми боласининг уйлангани? – деди у бошини тебратиб. Умрининг оқарсув мисоли тўхтовсиз ўтаётганига яна бир марта қойил қолди. – Одамлар лаҳзанинг ичиди... худойим бераман деса бандасини аяб ўтирмас экан-да... – ичидан жилдираб оқиб келаётган сўз оқими сиртга беихтиёр отилганини сезмаям қолди. Тилини базўр тишлаб олган Жумабой шу фурсатда берухсат қанд еб қўйиб онасига мўлтираб қараб турган болага ўхшар эди.

Арзибека ҳамон қовоғини солганича қора думалоқ кўзларини ерга тикиб ўтирарди. Қоронғи тунни ёритиб турган шамнинг липилдиси унинг юзларида ўйнайди. Гапни қандай бошлашини билмай турган хотинга эри туртки бериб юборгандай бўлди.

– Қутлиоеёқ бугун ҳеч нарса емади. Берган ювиндим шу туришича турибди. Бирор ери оғриб қолдимикан? Бошини оёғига қўйиб ётгани-ётган. Ҳов, эр бўлиб бир бориб келсанг-чи!

Эринчаклиги қўзиб турган Жумабой бу гапдан кейин оғир қўзғала бошлаган эди, худди шу маҳал итнинг хургани эшитилди.

– Ана, қақиллаб хуряпти-ку! Бош деса қулоққа қараб, йинғил деса улоққа қараб, аллақайқлардаги гапни топасан-а! Ит деган ҳам одамга ўхшайди, иштаҳаси бўлмаса, берганингни емайди. Тўнқиллаб-тўнқиллаб обориб бергандирсан, шундан кейин, албатта, иштаҳаси бўлмайди-да!

– Нима дейсан? Яхши эшитмай қолдим. Гункулламасдан, содда-содда қилиб айт, нима дединг?

– Ит ҳам бизларга ўхшаган жонивор дедим, нима бало, кар бўлиб қолганми бу кампир!

Жумабой гапининг давомини ютиб юборди.

Овул ухлаб қолган пайт. Яна Қутлиоеёқнинг хурган товуши эшитилди. Бу галгиси аввалгисига бутунлай ўхшамасди. Жуда аччиқ. Жумабойнинг тоқати тоқ бўлди. Боя чивиннинг визиллашига чидай олмаган одам учун итнинг аччиқ вовуллаши энди ўтиб тушган эди.

– Лаънатининг овозини эшит-япсанми? Ҳе, ювинди берган эгангга ўхшамай ўл! Айнимаган сенинг ўзинг! – бақирди у Арзибекага.

Арзибека ҳам индамай ётаверишга сабри чидамай, “нима бало урди бугун буларни?” – деб гункиллаганича ташқарига чиқиб кетди. Қутлиоеёқ овчар-

каникидай узун қулоқларини тикрайтирганича хуришда давом этарди.

– Ёт-е! – бобиллади кампир одатдагидек куйгалакланиб. – Худонинг қутлуғ қунида нима бунчалик жин уриб қолди сени? Бўлди-е! Ёт, қани! Кампир қўлига илинган кесакни ит томонга отганидан кейингина ванғиллаган Қутлиоеёқнинг уни учди.

– Ҳа, нима бўлибди? Ёв кептими? Бунча дов қилади? Битта итга сўзингни ўтказиб, жиловини тортиб келолмадингми?

Жумабойнинг бунақа чимчима гапларини эшитавериб қулоғи кўникиб кетган кампир индамай уйга қадам қўйган эди, итнинг навбатдаги вовуллашидан худди баданига тикан киргандай портлаб кетди:

– Югрукланавермай ана ўзинг берақол! Бунга ҳам бугун бир бало бўлган ўзи, ҳа, ҳансирамай ўлгур!

Кампир ҳали оғзини ёпмай туриб, ит яна бошлаб юборди:

– Ув-в, ув-в!

Жумабой сакраб турди. Шусиз ҳам бугун кун бўйи тушкун кайфиятда юргани озмиди?! Чол энди ўзини қўярга жой тополмай қолди.

– Ҳозир оғзини ёпмаса, манов итни ўзимгина бориб ўлдираман!

Унинг дағдағасини Қутлиоеёқ эшитдимми, эшитмадимми, яна хуриб чолнинг жиғилдонига тега бошлади. Жумабойнинг дарди чидамади, отилиб кийиниб, муштини кўтариб сиртга чиқди. Уй эгасининг ёмон шашт билан келаётганини сезган ит овозини пасайтириб, полиз адоғига қараб қочди.

– Ҳаҳ отангинг!.. увлашинг қора бошингни есин!

Жумабой тимирскаланиб, ердан ниманидир олди-да, итнинг овози бира-тўла тинганига ишонч ҳосил қилгач, сўзланиб юриб уйга шўнғиди. Қани шундан кейин уйқуси келса! Икки кўзи



тўстағондай<sup>1</sup> бўлиб бақрайиб ётди-да қўйди. Унинг хаёл тизгинидан нелар ўтмади дейсан. Кўзини юмса мангулик уйқуга кетадигандай, аллақердаги ўйлар билан ўзини алдаб ётди. Болалигидан бошлаб, то бутунги кунгача бўлган умрини кўз олтидан ўтказди. Бари-барини эсга олди. Ҳатто бундан анча йиллар бурун жўраси Дўсимбетнинг сиғири ўрага тушиб кетиб, текилиб колганида, чиқариб олишга ёрдамлашиш ўрнига кўз-кўраки кетиб колгани, кўшни Бейимбет чол билан айтишиб колганлари, ҳаргал хотинининг жиғилдонига тегиб жанжаллашганлари – барини эслаб пушаймон ўтида қоврилди. Шунда Қутлиоёққа қилган жаҳли ўзига беъмани туюла бошлади... пишиллаб ухлаб ётган хўстори<sup>2</sup>ни турткилаб уйғотгиси келди: аммо бу турткилашлардан бирор бир иш чиқишига кўзи етмади. Шу пайт ҳаёлида бир фикр чир-губалак айланди. Бугунги кунги тинчсизлик, итнинг улишлари – бари бекорга эмасдир?! Буларда бир гап бўлиши керак! “Умримга нуқта<sup>3</sup> қўйиладиган соат яқинлашмоқда...”

1 Тўстағон – қимиз, қимрон, бўза ичишга мўлжаллаб йўниб ишланган ёғоч идиш, аёқ (бу сўз Навоий луғатида ҳам бор!).

2 Хўстор – умр йўлдоши, жуфт ҳалоли, меҳрибон деган маъноларни билдиради.

3 Нуқта – араб алифбосида ҳарф устига қўйиладиган белги.

Жумабой бетоқатланиб, ёта олмай, яна ўрнидан турди. “Ҳеч бўлмаса сўнги дамларимда хўсторимнинг уйқусини бузмайин...” деб, оёқ учиди юриб кўшни бўлмага чиқди. Деразадан далага назар ташлади. Қутлиоёқ айтадиганини айтиб, инига кириб кетган, атроф жимжитлик. Осмонда ой қалқиб, юлдузлар жимирлашади. Ана, юлдуз учди! Кимдир нариги дунёга равона бўлди. Чол нималарнидир шивирлади. Ўзини ёвондалада, сарданглаб, подасидан айрилган қўйдайд сезди. Дераза кўзини очди. Қанғиб келган шамол бетига урилди. Охирги дамларини олаётгандай чуқур-чуқур нафас олди. Судралиб келиб тўшакка қийшайди-да, кўзини юмди. Узоқ тин олди. Аллақердадир чинқираб-чириллаётган ҳашаротларнинг овози, қулоқларига тол-тол келиб турди... Тонгсаҳарда Ойсара кампирнинг қичқироқ хўрозининг “сайроғи”дан уйғониб кетган Арзибека бўлмага тушган куёш сағим<sup>4</sup>ини кўриб ўрнидан учиб турди.

– Ўй-бой! Қуриб кетгур! Мушукдай пириллаб ухлаб қолганимни қаранг-а! Ҳар уни хўроздай тепкилаб туртадиган бунга нима бўлди? Бугиб ётишига қаранглар!

4 Сағим – бу ерда, куёшнинг уй ичига тушиб турган даста нури.

У сўйланиб юриб рўмолини бошига ўради. Эрини уйғотмоқчи бўлиб, сўнг яна ўзига ҳай берди.

– Қўй, бечора ухлайверсин! Кеч тургани билан, нима, қолиб бораётган иши борми? Ширин уйқусини қийган одам ўзига оғир гуноҳ орттиради, дейишади. Умрим охирлаб бораётганда, ўзимга гуноҳ орттириб нима қиламан? Ундан кўра, азонги чойга ўзим-оқ ўралашаверайин...

Чой тайёр бўлди. Дастурхон ёзилди. Турадиган Жумабой йўқ. Арзибеканинг тинчи бузилди. Чолининг бунчалик қаттиқ ухлаб қолишини биринчи марта кўргандай алвиради.

– Шоввозим<sup>5</sup>, турсангчи, чой тайёр бўлди. Куёшнинг тўбага кўтарилиб кетгани қачонлар! – турткилаб қичқирди у.

Жимжитлик!

– Жумабой, омонмисан? Турсанг-чи, мени, кўрқитма! Бу нима чўзилиб ётиш! – овози бузилиб, кўзига ёш келди кампирнинг.

Жумабой ортиқ чидаб ётолмади, пирқиллаб кулиб юборди.

– Сени бир кўрқитмоқчи эдим, униям кўнгилдагидай эпполмадим. Мендан ҳам хавотирланар экансан-ку. мен умр бўйи сендан тек аччиқ сўзларни эшитиб ўтиб кетаманми деб юрибман.

– Тур-е! Гўдак бўлмай кет! Мен нима қайғудаман-у, қўбизим нима дейди!

Арзибека аразлаб нари кетди. Жумабой яйраб кулди, дунёга янги келган гўдақдай кўнгли тўлиб-тошди. Ўрнидан шахд билан турар экан:

– Худога шукр! – деб шивирлади. Шу шивирлаши билан ниманидир пичирлаб, икки қўллаб юзларини силади. У ҳали бунақа шукрона сўзларни кўп бора айтишидан умидворлик туйди.

Қорақалпоқчадан  
**Музаффар АХМАД** таржимаси

5 Шоввозим – қорақалпоқ аёллари, эрларига шундай мурожаат қиладилар (изоҳлар таржимонники).

# Кунлардан бир кунни...

\*\*\*

Вольфганг Амадей Моцарт етти яшарлигида Майндаги Франкфуртда концерт бераётган эди. Унинг ёнига ўн тўрт ёшли нотаниш ўсмир келиб, шундай дейди:

– Қойил! Зўр ижро этдинг. Мен бундай ўйнай олмасдим.


– Нима учун? – эътироз билдирди Моцарт. – Бу қийин эмас, сен уриниб кўр. Агар эпполмасанг, музика ёзиб кўр.

– Мен фақат шеър ёзаман.

– Бу ҳам қизиқ. Яхши шеър ёзиш музика басталашдан қийинроқ бўлса керак.

– Йўғ – э, бу жуда осон-ку, сен ҳам уриниб кўр.

Ёш Моцартнинг суҳбатдоши Гёте эди.



\*\*\*

Марк Твен шаҳар газетасида муҳаррир эди. Кунлардан бир кун таҳририятга, чамаси, муҳаррирдан норози бўлиб юрган кимсadan бир оғизгина “Чўчқа” деб ёзилган хат келади. Эртаси куни газетада муҳаррирнинг ўша хатга ёзилган шундай жавоби эълон қилинади:

“Таҳририятимизга кўпинча имзосиз хатлар келиб туради. Аммо куни кеча биринчи марта фақат имзонинг ўзигина келди”.

\*\*\*

Марк Твен ишлаётган таҳририятга бир куни қуролланган босқинчи кириб, таҳдид қилади:

– Қўлингни кўтар! Ё пулни берасан, ё ўласан! Қани, тезроқ қимирла!

– Хайрият – ей! – дейди муҳаррир кулиб, – яна кимдир шеър кўтариб келдимикин деб қўрқувдим.



\*\*\*

Ёзувчи О. Генри ўз ноширидан шундай хат олади: “Янги китобингизнинг муқовасига номингизни қандай ёзган маъқул? “О.Генри” дебми ёки “О” дан сўнг вергул тепага қўйилсинми?”

Адиб ноширга шундай жавоб йўллайди:

– “О! Генри!” деб ёзинг!

\*\*\*

XIX – асрда яшаб ўтган машхур немис рассоми Менцел ҳузурига бир ёш мусаввир келиб, ўзининг асарини кўрсатади.

– Маэстро! – дейди у. – Адолат борми ўзи бу дунёда? Мана шу картинани мен бир кунда ишлаган эдим, аммо уни бир йилдан буён сотолмаяпман.

– Азизим! – жавоб қилади рассом. – Агар сиз бу асарингизни бир йил мобайнида ишлаганингизда эди, уни бир кундаёқ сотган бўлардингиз.

\*\*\*

1964 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 19 – сессиясида Куба делегациясининг раҳбари, машхур шахс Эрнесто Че Гевара маъруза қилади. Унинг нутқи зўр қизиқиш билан тингланади. Орадан кўп ўтмай террористлар унинг ҳаётига уч қарра суиқасд уюштирамоқчи бўлгани маълум қилинади. Улар орасида аёл террорист ҳам бўлган экан. Бу тафсилотлар ҳақида журналистлар Эрнестога гапириб беришаркан, воқеага муносабатини сўрашади.

– Эркак террористлар билан полиция шуғуллангани маъқул, аёлларни эса мен кечираман. Эркак отган ўқдан ўлгандан кўра аёлнинг пичоғи тиғидан жон таслим қилган яхшироқдир, – деб жавоб қилади Кубалик инқилобчи.

\*\*\*

Голландлар жуда маданиятли, покиза халқ экан. Дунёга машхур сайёҳ Гудзон узоқ сафарда юриб, ажойиб кашфиётлар қилгач, юртига қайтади. Қирол саройида унинг шарафига тантанали зиёфат берилади. Шундан сўнг сайёҳ уйига борган экан, онаси остонада тўхтатиб, буюради:

– Тўхта, аввал оёғингни арт!

\*\*\*

Бир куни машхур сиёсатчи Черчиллдан сўрашибди:

– Сиёсатчининг энг асосий фазилати нимадан иборат?


– Нима бўлишини олдиндан башорат қила олиш ва нима учун башорат юз бермаганига ишонтира олиш! – деб жавоб беради Черчилл.

\*\*\*

Машхур Америка ёзувчиси Брет – Гарт Ричмонд шаҳрига келиб, китобхонлар ҳузурида ўз ҳикояларини ўқимоқчи бўлади. Шунда кутилмаганда адибнинг боши оғриб қолади. Учрашув мутасаддиси ёзувчини тинчлантирмоқчи бўлиб, дейди:

– Сиз хавотирланманг, шаҳримизнинг иқлими мўътадил. Тасаввур қиласизми, бизда бир кунда ўрта ҳисобда фақат битта одам ўлади.

– Ўша номзод ўлиб бўлдимми? – деб сўрайди ёзувчи.



\*\*\*

Кунлардан бир кун мухбир Бернард Шоудан сўрайди:

– Аёллар табиатидаги энг асосий хусусият нимада деб ўйлайсиз?

Шоу шундай жавоб беради:

– “Кўришгунча хайр” деган сўзни ўттиз мартадан кам айтадиган аёл ҳали дунёга келмаган.

\*\*\*

Бернард Шоу кўчада бир семиз одам билан тўқнаш келди. У қотмадан келган, озғин ёзувчининг устидан ўзича кулмоқчи бўлиб, дейди:

– Сизни кўрган одам Англияда очарчилик бошланибди деб ўйлайди.

– Сизни эса ана ўша очарчиликнинг сабабчиси деб ўйлашади.

\*\*\*

Бернард Шоу сочини олдириш учун сартарошхонага киради.

– Сочингизни қандай олай? – деб сўрайди сартарош.

Унинг эзмалигини яхши билган олим шундай жавоб қилади:

– Иложи бўлса, гапирмасдан олинг.



\*\*\*

Император Юлий Цезар гапга чечан, ҳозиржавоб одам бўлган экан.

Бир куни у кемадан Африка соҳилларига тушаётиб ногоҳ қоқилиб, йиқилади. Аммо бу кўнгилсизликдан ўзини йўқотмайди, ўша йиқилган жойида туриб шундай хитоб қилади:

– О Африка! Мен сени кучаман!

\*\*\*

Ёзувчи Алексей Толстой бир шаҳарга келиб, меҳмонхонага киради ва навбатчига дейди:

– Мен ёзувчи Толстойман. Менга жой тайёрлаб қўйилган бўлиши керак.

– Албатта! Жойингиз тайёр, – навбатчи жонланиб кетади. – Мен сизнинг мухлисингизман. Энди мана бу “Анна Каренина” романингизга дастхат ёзиб берсангиз. Бу китобни атай сизга дастхат ёздириб олиш учун сотиб олувдим.

Толстой энсаси қотиб жавоб қилади:

– “Ўлик жонлар”ни ҳам мен ёзганман.

– Узр, “Ўлик жонлар”ни олмагандим.

– Унда меҳмонхонангизда турмайман!

Ёзувчи сумкасини кўтариб, меҳмонхонадан чиқиб кетади. Ҳеч нарсага тушунолмаган навбатчи эса талмовсираб қолади.



\*\*\*

Машҳур сатирик ёзувчи М.М.Зощенконинг отаси рассом бўлган, аммо ўғли каби шухрат қозонолмаган.

Ёзувчи сифатида танилган Зощенко бир куни комиссия дўконда отаси ишлаган расмни кўриб қолади. Сотувчидан картинанинг баҳосини сўрайди.

– Юз сўм! – дейди сотувчи.

– Намунча қиммат? – ёзувчи ҳайрон бўлади.

– Ахир муаллифнинг номи қандай жаранглаётганини қаранг!

– дейди сотувчи. – Зощенко-я!



\*\*\*

Поляк шоири Юлиан Тувимдан сўрашибди:

– Кимни худбин одам дейиш мумкин?

– Менга сира ғамхўрлик қилмайдиган одамни худбин дейиш мумкин, – дея жавоб қилади шоир кулимсираб.



Муסיқадан таълим олаётган бир қиз машҳур бастакор Франц Листдан сўрайди:

– Айтинг – чи, ҳурматли маэстро! Одамлар ҳақиқий пианиночи бўлиб туғилиш керак дейишяпти, шу гап тўғрими?

– Тўппа – тўғри! – жавоб қилади маэстро, – ахир одам туғилмас, қандай қилиб пианино чала олади?

\*\*\*

Кунлардан бир кун қадимги юнон файласуфи Диоген камон отувчининг қайта – қайта уринса ҳам ёнига бориб туради. Томошабинлар ҳайрон бўлиб сўрашади:

– Нега бундай қилдингиз? Ахир...

– Энг хавфсиз жой мана шу ер экан! – деб жавоб қилади файласуф.

Шодмон ОТАБЕК  
таржимаси